

АГАТА КРИСТИ

# ЎФИРЛАНГАН МИЛЛИОН ДОЛЛАР

*Изқуварлар Эржюль Пуаро ва Марпл хоним  
ҳақида танлаб олинган энг сара  
детектив ҳикоялар*

  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
Тошкент  
2017

**УЎК: 821**

**КБК: 84.4ингл.**

**К-81**

**Кристи, Агата.**

Ўғирланган миллион доллар: детектив ҳикоялар / Агата Кристи. Таржимонлар: Қ. Мирмуҳамедов, И. Аҳмедов, Р.Жабборов. – Т.: «Янги аср авлоди», 2017. – 160 б.

ISBN 978-9943-27-948-3

Қўлингиздаги китобга детектив жанри қироличаси номини олган ёзувчи Агата Кристининг энг қизиқарли ҳикоялари танлаб олинди. Ушбу ҳикоялар бир-бирдан қизиқарли, сирлилиги билан китобхон эътиборини тортади.

Ёзувчининг асарлари китобхонни воқеаларнинг сирли жумбоққа бойлиги билан ўзига тезда жалб қилади. Унинг изқувар қаҳрамонлари фикри тиниқлиги, жиноятларни фош қилишда яқиндан иштирок этиши билан ажралиб туради. Айниқса, қўнғиз мўйлов Пуаронинг жиноятларни фош этиши ёки Марпл хонимнинг жиноятларни очишда масаланинг ечимида ўзининг аниқ хулосасини бериши кишини ҳайратга солади. Сиз, азиз ўқувчи, китобни ўқиш жараёнида бунга амин бўласиз.

**Таржимонлар:**

Қодир Мирмуҳамедов,  
Иззат Аҳмедов,  
Рустам Жабборов

**УЎК: 821**

**КБК: 84.4ингл.**

ISBN 978-9943-27-948-3

© Агата Кристи. «Ўғирланган миллион доллар». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

## ТИЛСИМЛИ ШАХМАТ<sup>1</sup>

Кўпинча биз Пуаро билан Соходаги мўъжазгина ресторанчада овқатланардик. Бир киши кечқурун биз у ерда эски қадрдонимиз – инспектор Жепни кўриб қолдик. Столимизда бўш ўрин бўлгани сабабли у бизнинг ёнимизга келиб ўтирди.

– Биз томонларга бормай қўйдингиз, – деб ундан ўпкалади Пуаро. – Сарик ёсуман ишидан кейин ҳеч кўришмадик сиз билан, ўшандан бери, мана, дарров бир ой ҳам ўтиб кетибди.

– Мен шимолга бориб келдим. Ўзингизнинг ишларингиз қалай? Катта тўртлик иш кўрсатиб ётибдими?

Пуаро бармоғи билан уни яниб қўйди.

– Сиз бекорга менинг устимдан куляпсиз. Катта тўртликнинг мавжудлиги аниқ.

– Ў-ў, мен бунга шубҳа қилмайман. Лекин улар, сиз таърифлаганчалик, дунёнинг устунни ҳам эмас-да.

– Дўстим, сиз қаттиқ янглишасиз. Ҳозирги пайтда бутун дунёга ёвузлик уруғини ўта фаолик билан сочаётган шу Катта тўртлик бўлади.

Уларнинг мақсади нимага қаратилгани ҳеч кимга маълум эмас, лекин шу пайтгача бундай ўта жиноий ташкилот дунёда бўлмаган. Бу ташкилотга Хитойнинг энг йирик заковат соҳиби бошчилик қилади, унинг таркибида америкалик миллионер ва франциялик олима бор, ташкилотнинг тўртинчи рақамли аъзоси масаласига келсак...

Жеп унинг сўзини бўлиб деди:

---

<sup>1</sup> Мазкур ҳикоя «Жаҳон адабиёти» журналининг 1998 йил 7-сонидан олинди.

– Биламан, биламан. Ҳозир сиз фақат ўша тўртинчи рақам ҳақида ўйлаяпсиз. Эҳтиёт бўлинг, месье Пуаро, тагин у бутун эс-ҳушингизни олиб қўямасин. Келинг, яхшиси, бошқа бирон нарса устида гаплашайлик. Сизни шахмат қизиқтирадими?

– Ҳа, ўйнаганман.

– Сиз кеча юз берган воқеа ҳақида ўқидингизми? Дунёга машҳур бўлган икки шахматчи ўртасида бўлган матчни айтяпман, улардан бири ўйин чоғида ўлиб қолган.

– Ҳа, кўрувдим бу ҳақдаги мақолани. Биринчи шахматчи – рус чемпиони доктор Саваронов, иккинчиси – юрак хуружи касалидан ўлгани – америкалик истеъдодли йигит Гилмор Уилсон.

– Жуда тўғри. Бир неча йил бурун Саваронов Рубинштейн билан ўйнаб уни ютган ва рус чемпиони бўлган. Уилсонни эса иккинчи Капабланка деб айтишарди.

– Жуда аломат ҳодиса, – деди Пуаро ўйчанлик билан. – Янглишмасам, бу иш билан сиз шуғулланяпсиз шекилли?

Жеп ийманиб кулиб қўйди.

– Жуда тўғри топдингиз, месье Пуаро. Лекин мен калаванинг учини тополмай қийналяпман. Уилсон соппа-соғ одам эди – унда ҳеч қачон ҳеч қандай юрак хасталиги бўлмаган. Унинг ўлими сабабини изоҳлаб бўлмаяпти.

– Уни доктор Саваронов, йўлимга ров бўлмасин деб гумдон қилган, демоқчимисиз? – дедим мен дангалига.

– Бунга ишониш қийин, – деб қуруққина жаноб қилди Жеп. – Битта одамнинг, ҳатто у рус бўлганида ҳам, бошқа бир одамни, фақат шахматда ютқазиб қўймаслик учун ўлдиришига кўзим етмайди. Умуман олганда, менимча, бунинг акси бўлганда ҳақиқатга яқинроқ бўларди. Чунки доктор Савароновни Ласкердан кейин дунёда иккинчи ўринга қўйишади.

Пуаро ўйчанлик билан бош ирғаб қўйди.

– Хўш, унда гоёчангиз нимадан иборат? – деб сўради у. – Нима мақсадда у Уилсонни заҳарлаган? Менимча, сиз уни айнан заҳарланган, деб фараз қиялпсиз, шундай эмасми?

– Шак-шубҳасиз. Бу ўринда юрак хуружи дарди юракнинг уришидан тўхтаганини билдиради, холос. Бу врачнинг расмий хулосаси, аммо у мен билан қилган суҳбатида, бундай хулоса уни қониқтирмаслигини айтди.

– Мурдани қачон ёришмоқчи?

– Бугун кечқурун. Уилсон фавқулудда ўлган. У соппа-соғ бўлган, дона суриб туриб бирдан жони узилиб йиқилган.

– Бунақа тез таъсир қиладиган заҳарлар жуда кам учрайди, – деди Пуаро.

– Биламан. Эҳтимол жасад ёрилганда масала ойдинлашар. Лекин мен бир нарсага ҳеч тушунолмаяпман: кимга керак экан Гилмор Уилсонни гумдон қилиш? У камтарин, беозор йигит эди. Қўшма Штатлардан яқинда келган эди. Унинг биронта ҳам душмани бўлмаса керак бу дунёда.

– Ҳа, жуда ақл бовар қилмайдиган ҳодиса, – дедим мен.

– Нега энди? – деди Пуаро жилмайиб. – Кўриб турибман, Жепнинг ўз тахминлари борга ўхшайди.

– Бор, месье Пуаро. Менинг тахминимча, заҳар Уилсонга эмас, бошқа одамга мўлжалланган.

– Савароновгами?

– Ҳа. Саваронов инқилоб арафасида большевикларга қарши курашган экан. Бир пайтлар уни ҳалок бўлган деб ҳам ҳисоблашган. Лекин, аслида, у ўлимдан жон сақлаб қочиб қолган ва уч йилгача Сибирнинг энг хилват гўшаларида бениҳоя оғир шароитда кун кечирган. У жуда кўп азоб чеккани сабабли соч-соқоли оқариб, таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетган ва мункиллаган чол бўлиб қол-

ган. Айтишларича, ёр-дўстлари, таниш-билишлари ҳам уни зўрға танишибди. У ногирон, уйдан жуда кам чиқади, Вестминстерда жияни Соня Давилова ва бир рус хизматкори билан туради. Бу беллашувда қатнашишни у сира-сира хоҳламаган ва таклифни бир неча марта рад этган, лекин газеталар Савароновнинг бу ўжарлигини спортчи учун ярашмаган қилиқ, деб шов-шув кўтарганларидан кейин у рози бўлибди. Иккинчи томондан, Гилмор Уилсон ҳам чинакам янкиларга хос тихирлик билан уни беллашувга чақиравериб, ахири ниятига етибди. Биласизми, месье Пуаро, нима учун Саваронов мусобақадан бош товлаган? Нимагаки, у омма эътиборини ўзига қаратишни истамаган. Тағин бирон киши пайимга тушмасин деб қўрққан. Менинг фикрим шу – Гилмор Уилсонни адашиб заҳарлаб қўйишган.

– Айтинг-чи, Савароновнинг ўлимини тиловчи биронта гаразгўй шахс борми?

– Бундай шахс фақат унинг жияни бўлиши мумкин. Саваронов яқинда жуда катта бойликка меросхўр бўлган. Буни унга мадам Бону мерос қилиб қолдирган. Эски тузум пайтида Бонунинг эри қанд заводининг хўжайини бўлган экан. Айтишларича, бир вақтлар Бону билан Саваронов бир-бирларини севишган ва Бону жазманининг ўлгани ҳақидаги хабарга ҳеч қачон ишонмаган.

– Матч қаерда бўлибди?

– Савароновнинг квартирасида. Сизга айтувдим – у ногирон.

– Анча одам йиғилибдими?

– Ўн-ўн иккита. Балки ундан ҳам кўпроқдир.

Пуаро афтини маънодор буриштиради.

– Шўрингиз қурисин, Жеп, олдингизда жуда офир вазифа турипти.

– Уилсоннинг заҳарлангани аниқ аён бўлгани ҳамоно ишим юришиб кетиши муқаррар.

– Агар сизнинг, Саваронов қурбон бўлиши керак эди, деган тахминингиз тўғри бўлиб чиқса, унда қотил яна бир марта уриниб қўриши эҳтимолдан холи эмас – сиз бу ҳақда ўйлаб кўрмадингизми?

– Гапингиз тўғри. Ҳозир Савароновнинг квартирасини иккита одамимиз кузатиб турипти.

– Бу тадбирингиз, турган гапки, докторникига бомба қўлтиқлаб кирмоқчи бўлганларни чўчитиб юборади, – деди Пуаро илтифотсиз истеҳзо билан.

– Сиз бу масалага жиддий қизиқиб қолган кўри-наси, месье Пуаро, – деди Жеп кўз қисиб қўяркан. – Ўликхонага бориб Уилсонни врачлар қўлига тушмасидан олдин бир кўздан кечиришни хоҳламайсизми? Ким билсин, эҳтимол унинг галстугига қадалган тўғнағичи сал қийшайиб қолгандир-у, бу нарса сирни очишда хизмат қилувчи бебаҳо далил бўлар.

– Азизим Жеп, боядан бери қўлим қичиб сизнинг тўғнағичингизни тўғрилаб қўйгим келяпти. Ижозат берасизми? О! Мана бу бошқа гап. Ҳа, албатта, қани, кетдик ўликхонага.

Бу янги жумбоқ Пуаронинг бутун эътиборини тортиб олгани яққол кўзга ташланиб турарди. Кейинги пайтларда у фақат Катта тўртлик устида бош қотираётган эди, мана, унинг бошқа нарсага қизиқиб қолганини кўриб мен хурсанд бўлдим.

Ўзим бўлсам америкалик бахти қаро йигитнинг қотиб қолган жасадини ва буришган башарасини кўриб, шўрликка қаттиқ ачиндим. Пуаро мурдани диққат билан кўздан кечирди. Унинг баданида, агар чап қўлидаги кичкина чандиқ ҳисобга олинмаса, ҳеч қандай қийноқ изи йўқ эди.

– Доктор бунга кесилган эмас, куйган деб айтяпти, – деди Жеп.

Кейин Пуаро столга териб қўйилган нарсаларга эътиборини қаратди (уларни констебль мурданинг

чўнтаklarидан олган эди). Буларнинг бари унча аҳамиятга эга бўлмаган нарсалар эди – рўмолча, калитлар, ҳамён ва бу ишга дахли бўлмаган бир неча мактуб. Аммо сал нарироқда алоҳида турган нарса Пуаронинг диққатини ўзига тортди.

– Шахмат донаси-ку! – деб юборди у. – Оқ фил. Нима, бу ҳам унинг чўнтагидан чиқдимми?

– Йўқ. уни мурда маҳкам сиқимлаб олган экан. Биз унинг бармоқларини зўрға очиб олдик. Кези келганда, уни доктор Савароновга қайтариб бериш керак бўлади. Бу унинг фил суягидан ясалган жуда бежирим шахмат доналаридан бири.

– Ижозатингиз билан, буни эгасига мен қайтариб берсам. Унинг ҳузурига кириш учун яхши баҳона бўларди.

– Аҳ-ҳа! – деб чинқириб юборди Жеп. – Сиз бу иш билан шуғуланмоқчисиз – топдимми?

– Ҳа. Сиз жуда усталик билан менда бу ишга қизиқиш уйғотдингиз.

– Жуда яхши-да. Сал бўлса ҳам фикрингизни чалғитдим. Мана, капитан Гастингс ҳам розига ўхшайдилар.

– Янглишмадингиз, – дедим мен унинг гапини тасдиқлаб.

Пуаро мурда томонга ўтирилди.

– Бунинг тўғрисида менга айтадиган бошқа гапингиз йўқми? – деб сўради у.

– Йўқ шекилли...

– Ҳатто унинг чапақай эканлиги ҳақида ҳам ҳеч нима демайсизми?

– О, сиз сеҳргарсиз, месье Пуаро. Қаёқдан билдингиз? У чиндан ҳам чапақай бўлган. Ҳолбуки, кўраётган ишимизга бунинг ҳеч қандай дахли йўқ.

– Ҳа, мутлақо дахли йўқ, – деб Пуаро шоша-пиша Жепнинг фикрини маъқуллади, чунки унинг тараддудлана бошлаганини пайқаган эди. – Бу менинг



кичкинагина ҳазилим, вассалом. Биласиз-ку, мен сизни калака қилишни яхши кўраман!

Биз мана шу дўстона ҳазил-ҳузул гаплар билан хайрлашдик.

Эртаси куни эрталаб биз Вестминстерга, доктор Савароновникига йўл олдик.

Эшикни бизга хизматкор очди, унинг юзи худди ўликниқидек ифодасиз эди.

Пуаро унга Жепнинг мухтасар тавсия ёзилган ташрифномани кўрсатди, шундан сўнг бизни ажойиб гулдор матолар ва ғаройиб экзотик буюмлар билан безатилган шифти паст, узун хонага бошлаб киришди. Бу хонанинг деворларига антиқа иконалар осилган, ерга эса ҳайратомуз эроний гиламлар тўшалган эди. Столда самовар турарди.

Мен бир иконани томоша қила бошладим: у мени ўзига маҳлиё қилиб қўйган эди. Кейин орқамга ўгирилиб, Пуаронинг ерда ястаниб ётганини кўрдим. Тўғри, гилам ғоятда гўзал эди, аммо уни бу қадар синчковлик билан кўздан кечиришнинг ҳеч ҳожати йўқ эди менимча.

– Наҳотки у сизни шунчалик ром қилиб қўйган бўлса? – деб сўрадим мен.

– А? О! Гиламми? Дарҳақиқат, бу жуда чиройли буюм, лекин нечун шундай ноёб гиламнинг қоқ ўртасига мих қоқиб тешибдийкинлар, ҳайронман? Йўқ, Гастингс, – деди Пуаро менинг унга томон юра бошлаганимни кўриб, – ҳозир мих йўқ. Лекин тешиги қолган.

Шу пайт шарпа эшитилиб, мен орқамга ўгирилдим, Пуаро эпчиллик билан сакраб ўрнидан туриб кетди. Остонада турган қиз бизга шубҳа билан боқарди. Бу ўрта бўйли, кўҳликкина, аммо маъюс чехрали қизнинг кўзлари кўк, калта кесилган сочи тим қора эди. У гапира бошлаганида овози жарангдор ва салобатли экани, талаффузи эса мутлақо инглизчага ўхшамаслиги маълум бўлди.

– Тоғам сизларни қабул қила олмасалар керак. У ногирон.

– Афсус, афсус. Балки ўзингиз тоғангизнинг ўрнига менга ёрдам қиларсиз? Сиз мадемуазель Давило-васиз – шундай эмасми?

– Ҳа, мен Соня Давиловаман. Нимани билмоқчи эдингиз?

– Мен ўтган куни юз берган кўнгилсиз ҳодиса – месье Гилмор Уилсоннинг ўлими ҳақида маълумот йиғяпман. Бу ҳақда сиз нима дея оласиз?

Қизнинг кўзлари катта-катта очилди.

– У шахмат ўйнаётганида юрак хуружи дардидан вафот этди.

– Лекин полипия бунинг юрак хуружи эканлигига ишонмаяпти, ойимқиз.

– Вой, демак, рост экан! – деб чинқириб юборди ваҳимага тушган қиз ўзини орқага ташлаб. – Иван тўғри айтган экан.

– Иван деганингиз ким? Нима учун сиз, у тўғри айтган экан, деяпсиз?

– Иван ҳали сизларга эшик очди. Унинг айтишича, гўё Гилмор Уилсон ўз ажали билан ўлмаганмиш, балки уни адашиб заҳарлаб қўйишганмиш.

– Адашиб?

– Ҳа, заҳар менинг тоғам учун мўлжалланган экан.

Соня бояги шубҳаларини унутиб, энди бемалол очикчасига гапирарди.

– Нега бундай деяпсиз, мадемуазель? Ким заҳар-ламоқчи экан доктор Савароновни?

Қиз бош чайқаб деди:

– Билмайман. Мен тоғамнинг фаолиятидан го-филман. У менга ишонмайди. Бу табиий ҳол, меним-ча. Негаки тоғам мени деярли билмайди. Бу ерда, Лондонда учрашмасимиздан олдин у мени фақат гўдак чоғимда кўрган. Лекин шуни аниқ биламанки, у нимадандир кўрқади. Айтинг-чи, месье, – деб у

Пуарога яқин келди ва овозини пасайтириб сўради: – Сиз «Катта тўртлик» деб юритилувчи жамият ҳақида ҳеч эшитганмисиз?

Пуаро худди бошидан қайноқ сув қуйиб юборгандай бир сапчиб тушди.

– Нега сиз... сиз нима биласиз Катта тўртлик ҳақида, мадемуазель?

– Демак, шундай ташкилот бор! Мен бунинг дарганини эшитган эдим, кейин бу ҳақда тоғамдан сўровдим... ё тавба, умрим бино бўлиб бунчалик қаттиқ ваҳимага тушган одамни кўрмаганман. Тоғамнинг ранги докадек оқариб, бутун вужуди дағ-дағ қалтирай бошлади. У ўшалардан қўрқади, месье, жудаям қўрқади, ишончим комил. Улар америкаликни, Уилсонни айтяпман, янглишиб ўлдириб қўйишган.

– Катта тўртлик, – деб ғўдиради Пуаро. – Яна Катта тўртлик! Қандай ҳайратомуз уйғунлик! Мадемуазель, тоғангизнинг ҳаёти ҳали ҳам хавф остида. Мен уни ҳимоя қилишим керак. Шу боис сиз менга ўша куни кечқурун бўлган воқеаларни, имкон қадар, муфассалроқ сўзлаб беришингиз керак. Сиз менга шахмат тахтасини, икки ўйинчи ўтирган столни – ҳамма-ҳаммасини кўрсатинг!

Соня деворга яқин бориб, сирти ғоят бежирим столчани ғичирлатиб чиқарди, столча устидаги шахмат тахтаси кумуш ва қора рангли квадратлар билан безатилган эди.

– Буни бир неча ҳафта бурун тоғамга совға қилиб юборишган ва навбатдаги матчни шу тахтада ўйнашни илтимос қилишган эди. Бу столча мана бу ерда – хонанинг ўртасида турган эди.

Пуаро столни, менинг назаримда, жуда-жуда синчиклаб кўздан кечирди. Лекин менга қолса, терговни бутунлай бошқача усулда олиб борган бўлардим. У берган саволларнинг кўпчилиги мутлақо бефойдадек бўлиб туюди менга, у энг зарурий ва муҳим савол-

ларни деярли бермади. Фаҳмимча, кутилмаганда Катта тўртликнинг эсга олиниши Пуарони каловлатиб қўйган эди.

Пуаро столни ва у турган ерни диққат билан кўздан кечиргач, шахмат доналарини кўрсатишни илтимос қилди. Соня Давилова қутига солинган доналарни кўтариб келди. Пуаро бир-иккита донани қўлида айлангириб кўрди-да, паришонхотирлик билан тўнғиллаб қўйди:

– Чиройли доналар.

Лекин қандай ичимликлар ичилгани ёки матчда кимлар қатнашгани ҳақида бир оғиз ҳам сўрамади.

Мен маънодор йўталиб қўйдим.

– Назаримда, сиз Пуаро...

У такаббурлик билан сўзимни бўлди:

– Йўқ, у ҳақда ўйламанг, дўстим. Буни менга қўйиб беринг.

– Мадемуазель, наҳотки тоғангизни кўриш менга насиб этмаса?

Соня хиёлгина жилмайиб қўйди.

– Тоғам сизни қабул қилади, ҳа. Биласизми, даставвал сиз билан мен гаплашиб олишим лозим эди... сиз билан ҳам, ташриф буюрган бошқа нота-ниш кишилар билан ҳам.

У ичкарига кириб кетди. Қўшни хонадан ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди, бир дақиқадан сўнг қиз қайтиб чиқиб, бизни қўл ишораси билан ичкарига таклиф қилди.

Кушеткада баланд бўйли, қотмадан келган, қошлари бароқ, соқоли оппоқ – хуллас, зодагонсифат одам ётарди. Унинг сўлғин чеҳраси кўп қийинчиликлар ва муҳтожликларни бошидан кечирганлигидан далолат берарди. Доктор Саваронов обрў-эътиборли шахс кўринарди. Калласининг ғайриоддий шаклда эканлиги диққатимни тортди. Буюк шахматчи улкан заковат соҳиби бўлмоғи шарт. Мен унинг дунёда

иккинчи ўриндаги шахматчи эканлигига осонгина ишондим.

Пуаро унга таъзим қилиб деди:

– Доктор, сиз билан ёлғиз гаплашиб олишим мумкинми?

Саваронов жияни томонга ўтирилди.

– Бизни холи қолдир, Соня.

Қиз итоаткорлик билан чиқиб кетди.

– Қулоғим сизда, сэр.

– Доктор Саваронов, сиз яқинда жуда катта ме-росга эга бўлибсиз. Кечирасиз-у, мабодо ўлиб-негиб қолгудек бўлсангиз, у бойлик кимга қолади?

– Мен жияним Соня Давилова номига васиятнома ёзиб қўйганман.

– Сиз ўйлайсизки...

– Мен ҳеч нима ўйламайман, аммо сиз жиянингизни ёш болалик чоғидан бери кўрмагансиз. Бунақа ролни ҳар қандай одам ҳам осонгина ижро этиши мумкин.

Саваронов ҳанг-манг бўлиб қолди. Пуаро эса пи-нагини бузмай гапини давом эттирди.

– Бу ҳақда етар. Мен сизни огоҳлантириб қўйдим, холос. Энди сиз менга ўша қуни кечқурун ўйналган партияни таърифлаб беришингизни истардим.

– Партияни? Сиз нимани назарда тутяпсиз?

– Мен ўзим шахмат ўйнашни билмайман. Лекин, билишимча, ўйинни бошлашнинг ҳамма шахматчи-лар учун одат бўлиб қолган бир қанча турлари бўлар экан – масалан, гамбит. Шунақа дейишади шекилли?

Доктор Саваронов жилмайиб қўйди.

– Нима демоқчи бўлганингизни тушундим. Уилсон Рюи Лопес ўйинини қўлади – бу ўйиннинг ибтидоси анча бехатар бошланади, кўп турнирларда шахмат-чилар шу усулни қўллашади.

– Нечта юриш қилган эдинглар фалокат юз бер-гунга қадар?

– Учинчи ё тўртинчи юришда Уилсон бирдан столга мук тушдию ўлди.

Пуаро ўрнидан турди ва гўё мутлақо аҳамиятсиз бўлган охирги саволини берди: лекин бу саволнинг жуда катта аҳамиятга молик эканлиги менга аён эди.

– У бирон нима еганмиди ё ичганмиди?

– Содали сув омухта қилинган виски ичувди шекилли.

– Миннатдорман, доктор Саваронов. Сизни бошқа безовта қилмайман.

Иван бизни дам олиш хонасида кутиб турган эди. Пуаро остонада тўхтаб, ундан сўради:

– Сиз билмайсизми, тагингиздаги кватирада ким туради?

– Парламент аъзоси сэр Чарлз Кингесл, сэр. Лекин, билишимча, ҳозир бу кватира ижарага қўйилмоқчи.

– Раҳмат.

Биз кўчага чиқдик, осмонда қиш қуёши чарақлаб турарди.

– Биласизми, Пуаро, – дедим мен ортиқ чидаб туrolмай, – менимча, бугун сиз сал айнидингиз. Берган саволларингиз жуда бемулоҳаза бўлди.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми, Гастингс? – Пуаро менга таажжуб билан боқди. – Хўш, ўзингиз нималарни сўраган бўлардингиз?

Мен Пуарога ўз сўроқларим таркибини баён қилдим. У гапларимни, назаримда, анча эътибор билан тинглади. Менинг бу баёним то уйга етиб боргунимизча давом этди.

– Жуда соз, гоят пухта ўйланган саволлар, Гастингс, – деди Пуаро эшикни очиб зинадан кўтарилар экан. – Лекин, таассуфки, мутлақо кераги йўқ уларнинг.

– Кераги йўқ? – дедим мен ҳанг-манг бўлиб. – Агар у заҳарланганида борми...

– Аҳа! – деб чинқириб юборди Пуаро столда ётган хатга қўл чўзаркан. – Бу Жепдан. Ўзим ҳам шундай ўйловдим.

У хатни менга узатди. Хат қисқа ва лўнда эди. Мурдадан ҳеч қандай заҳар топилмаган, ўлимнинг сабаби мавҳумлигича қолган.

– Ана, кўрдингизми, – деди Пуаро, – сиз бермоқчи бўлган саволларнинг ҳеч кераги бўлмас эди.

– Сиз буни сезганмидингиз?

– Сезгандим.

– Қандай қилиб?

Пуаро қўлини чўнтагига тиқиб оқ фил донасини олди.

– Ие, уни доктор Савароновга қайтариб бериш эсингиздан чиқибдимми? – деб сўрадим мен.

– Янглишдингиз, дўстим. Кечаги фил ҳали ҳам менинг чап чўнтагимда ётипти. Мен унинг бу адашини боя мадемуазель Давилова менга лутфан кўрсатган пайтда шахмат доналари солинган қутидан олдим.

– Мен ҳеч нимага тушунмадим. – Ахир нега уни олдингиз?

– Мен бу иккита филни солиштириб кўрмоқчиман.

У фил доналарини столга ёнма-ён қўйди.

– Кўриниши бир хил. Лекин сиртига қараб хулоса чиқармайлик. Илтимос, менинг жажжи торозчамни олиб келсангиз.

Пуаро иккита донани ниҳоятда синчковлик билан тортиб кўрди, сўнг менга ўгирилиб, қувноқ чеҳра билан деди:

– Мен ҳақ чиқдим. Кўряпсизми, мен ҳақман. Ҳа, Эркюль Пуарони алдаб бўлмайди.

У телефон томон отилиб, шошқалоқлик билан рақамларни терди.

– Жепмисиз? Эркюль Пуаро гапиряпти. Хизмат-корни, Иванни кўздан қочирманг. Зинҳор унинг қочиб кетишига йўл қўйманг. Ҳа, ҳа, шунақа.

У гўшакни илиб менга ўгирилди.

– Сиз ҳалиям тушунмадингизми, Гастингс? Ҳозир тушунтираман. Уилсон заҳардан эмас, электр токи-

дан ўлган. Манави иккита донадан бирининг ичига металл стержен ўрнатилган. Матч ўйналадиган стол олдиндан тайёрланиб, столнинг белгиланган ерига ўрнатилган. Фил кумуш катаклардан бирига қўйилиши билан Уилсоннинг баданидан ток ўтган-у шу заҳоти у жон берган. Унинг қўлида куюк изи қолган – чап қўлида, чунки у чапақай бўлган. «Махсус» стол, аслида, найрангли қурилма. Лекин мен кўздан кечирган стол – аввалгисининг мутлақо бехатар нусхаси, қотиллик юз бергандан сўнг столни дарҳол ўзгартириб қўйишган. Ҳамма найранг пастдаги квартирадан бошқарилган, эсингизда бўлса, у ижарага қўйилар экан. Аммо жиноятчилардан, йўқ деганда, биттаси Савароновнинг квартирасида бўлган. Бу – унинг жияни – Катта тўртликнинг айғоқчиси.

– Иван-чи?

– Иван, менинг гумоним бўйича, ўша машҳур «тўртинчи рақам»нинг ўзи.

– Нима?

– Ҳа. Бу одам – моҳир актёр. У ҳар қандай ролни ижро этишга қодир.

– Во ажаб, – дедим мен. – Ҳаммаси тўғри чиқяпти. Саваронов ўзига қарши қандайдир фитна уюштирилаётганини сезган, шунинг учун матчда қатнашишдан бош товлаган.

Пуаро менга қараб қўйди, лекин ҳеч нима демади. Кейин у шахт орқасига бурилди-да, хона ичида у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

– Сизда мабодо шахмат ҳақидаги китоблар йўқми, топ ами? – деб сўраб қолди у бирдан.

– Қаердадир бор эди.

Мен у китобни қидира-қидира ахири топдим ва Пуарога олиб келиб бердим. У роҳат курсига ўтириб олиб, китобни диққат билан ўргана бошлади.

Тахминан чорак соатлардан кейин телефон жиринглади. Мен гўшакни кўтардим. Жеп қўнғироқ қилаётган эди. Иван каттакон тугун кўтариб уйдан



отилиб чиқибди-ю кўчада уни кутиб турган таксига ўтириб жўнаб қолибди. Қув-қув бошланибди. Иван таъқиб этувчиларни чалғитиб «сочиб» юборишга уринган. Ниҳоят, таъқибдан қочиб қутулдим, деб ўйлаган бўлса керак, тўғри Хэмпстеддаги каттакон эгасиз уйга йўл олган. Уй қуршаб олинди.

Мен бунди Пуарога айтдим. У менга худди гап нима ҳақда бораётганини тушунмаётгандай қаради, сўнг китобни менга узатди.

– Мана, кўринг, дўстим. Бу Рюи Лопеснинг ўйини бошлаш усули. 1. с4 е5. 2. Аснf3 Асб. Филв5. Энди қоралар бир неча турдаги ҳимоя йўлларида бирини танлашлари лозим эди. Бироқ оқларнинг учинчи юриши – Филв5 Гилмор Уилсонни ўлдирган. Ҳа, атиги учинчи юришдаёқ у ўлган – наҳотки ҳалиям тушунмаган бўлсангиз?

Мен унинг нима демоқчи бўлганига тушунолмаётганимни айтдим.

– Фараз қилинг, Гастингс, сиз мана бу курсида ўтирибсиз ва кўча эшикнинг очилиб ёпилганини эшитдингиз – нима деб ўйлаган бўлардингиз?

– Кимдир уйдан чиқди, деб ўйласан керак.

– Тўғри, лекин ҳар қандай медалнинг орқа томони ҳам бор. Кимдир уйдан чиққан ёхуд кирган бўлиши мумкин, аммо бу мутлақо бир-бирига зид ҳол, Гастингс. Агар сиз нотўғри хулосага келсангиз, бир оздан кейин, албатта, қандайдир кичкинагина тафовут пайдо бўладию сизнинг нотўғри фикр юритганингиз кўринади-қолади.

– Бу билан нима демоқчисиз, Пуаро?

Пуаро ирғиб ўрнидан туриб кетди.

– Айтмоқчиманки, мен фирт аҳмоқ эканман. Қани, тезроқ бўлинг, кетдик Вестминстерга. Эҳтимол, ҳали улгурармиз.

Биз кўчага отилиб чиқиб такси тутдик. Пуаро мен берган саволларнинг биттасига ҳам жавоб қайтармади. Биз етиб бориб, зинадан югуриб чиқдик.

Кўнғироқни босдик. Лекин ҳеч ким эшикни очмади. Мен ичкарига қулоқ солиб, у ердан кимнингдир инграётган овозини эшитдим.

Эшикбонда квартиранинг иккинчи калити бор экан, биз унга нима сабабдан Савароновникга кирмоқчи эканлигимизни зўрға тушунтирдик. Ниҳоят, эшикбон рози бўлди.

Пуаро хонага ўқдек отилиб кирди. Димоғимизга хлороформ ҳиди гуп тиб урилди. Ерда оёқ-қўли боғланган, оғзига латта тиқилган Соня Давилова ётарди. Хлороформга бўктирилган пахта унинг оғзи билан бурнини беркитган эди. Пуаро пахтани юлқиб олиб, азза-базза қизни ҳушига келтира бошлади. Салдан кейин врач етиб келди. Пуаро қизни унинг ихтиёрига қолдириб, мени бир чеккага бошлади. Доктор Саваронов ҳеч ерда йўқ эди.

– Нима ган ўзи, Пуаро? – деб сўрадим мен ҳангманг бўлиб.

– Гап шундаки, мен иккита бир-бирига ўхшаш хулосадан нотўғрисиани танлабман. Эсингиздами, Соня Давилованинг ролини ижро этиш осон, чунки тоғаси уни жуда кўп йиллардан бери кўрмаган, деб айтган эдим?

– Ҳа.

– Ана ўша хулосамнинг тескариси тўғри чиқди. Айтмоқчиманки, тоғанинг ролини ижро этиш ҳам ҳеч қийин эмас.

– Нима?

– Саваронов чиндан ҳам инқилоб пайтида ҳалок бўлган. Ўзини энг оғир муҳтожликларни бошидан кечирган қилиб кўрсатган, жудаям ўзгариб кетганлиги сабабли ҳатто ошна-оғайнилари ҳам таниёлмай қолган, жуда катта бойликка меросхўр бўлган одам...

– Хўш? Ким экан у?

– «Тўртинчи рақам». Соня унга Катта тўртлик ҳақида эшитганини айтганида, у бекорга чиқиб кетмаган. Эҳ, у яна қўлимдан чиқиб кетди. Бу жумбоқни ахири

ечишимни у сезган, шунинг учун бегуноҳ Иванни хўжақўрсинга сохта топшириқ билан жўнатган ва ўзи қизнинг оёқ-қўлини боғлаб қочиб қолган. Аминманки, бу орада у мадам Бонунинг омонатидан катта бир қисмини пулга айлантиришга улгурган.

– Унда Савароновни ўлдирмоқчи бўлганлар ким экан?

– Уни ҳеч ким ўлдирмоқчи бўлган эмас. Айнан Уилсон эди режадаги қурбон.

– Нега ахир?

– Дўстим, биласиз, Саваронов дунёда иккинчи ўриндаги шахматчи ҳисобланган. Тахминларга кўра, «тўртинчи рақам» шахмат ўйинининг «ш» ҳарфини ҳам билмайди. Турган гапки, у ўз ўйини билан ҳеч кимни лақиллата олмасди. Шунинг учун у матчдан бош товлашга уриниб кўрган. Бу нияти пучга чиққач, Уилсоннинг тақдири ҳал қилинган. Уилсон «буюк Саваронов»нинг ҳатто ўйин қоидасидан ҳам беҳабар эканлигини кўрмаслиги керак эди. У Рюи Лопес ўйинининг муқаддимасини маъқул кўриб, шу усул билан ўйнамоқчи бўлган. Лекин «тўртинчи рақам» уни учинчи юришдаёқ ўлимга рўпара қилган – бу билан у навбатдаги дона суришдан, яъни ҳимояга ўтиш масаласини ҳал қилишдан қутулиб қолган.

– Азизим Пуаро, – деб эътироз билдирмоқчи бўлдим мен, – ахир у тентак эмас-ку! Мен сизнинг далилларингизга тушундим, улар тўғри бўлса керак, албатта, лекин фақат ўзининг машъум ролини бундан кейин ҳам ижро этиш мақсадидагина одам ўлдириш – бунга ақлим бовар қилмайди! Бошқа иложини топиш ҳам мумкин эди-ку. Масалан, врач шахмат ўйнашни унга ман этиб қўйганини, ўйнаса қаттиқ ҳаяжонланиши ва касал бўлиб қолишини айтса бўларди-ку.

Пуаро пешонасини тириштирди.

– Тўғри, Гастингс, – деди у, – бошқа йўллар ҳам бор, лекин улар у қадар ишончли эмас. Қолаверса,

сиз одам ўлдирилишини хоҳламаганингиздан шундай қарорга келяпсиз, тўғрими? Аммо «тўртинчи рақам»нинг мулоҳазаси тамомила бошқача. Мен ўзимни унинг ўрнига қўйиб кўряпман, лекин сиз бундай қилолмайсиз. Мен унинг фикрини ўқияпман. У гроссмейстерлик ролини ижро этишдан ҳузур қилади Аминманки, бу ролни пухта ўрганиш учун у шахмат турнирларига бориб ўйинларни кузатган. У қовоқ солиб ўтиради, ўзини ўйинни режалаштираётгандай қилиб кўрсатади, аммо ичида кулиб ўтиради. У фақат иккита юришни билади – ундан кейингисининг кераги йўқ. У, яъни «тўртинчи рақам» мамнун, чунки ҳозир юз берадиган воқеани – рўпарасидаги рақиби, у тузган режага кўра, ўзини ўзи ўлдиришини олдиндан билади... Ҳа, ҳа, Гастингс, мен унинг психологиясини тушуна бошладим.

Мен елкамни қисиб қўйдим.

– Сиз ҳақсиз албатта, лекин ҳайронман, нега у бундай хатарли ишга журъат этдийкин?

– Хатарли иш? – деди Пуаро тўнғилаб. – Бунинг нимаси хатарли? Нима, Жеп унинг бу жумбоғини еча олармиди? Йўқ. Агар «тўртинчи рақам» кичкинагина бир хатога йўл қўймаганида ҳеч қандай хатар юз бермаган бўларди.

– У қандай хато экан? – деб сўрадим мен, гарчи эшитадиганим жавобни олдиндан билсам ҳам.

– Mon ami, у Эркюль Пуаронинг миясидаги майда-майда, одмигина ҳужайраларини ҳисобга олмаган.

Пуаронинг фазилатлари кўп, лекин камтарлик бу фазилатлар сафига кирмайди.

## ЎҒИРЛАНГАН МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Бир куни эрталаб газетани бир чеккага қўя туриб: – Қанча облигация ўғирланибди, – деб айтдим. – Пуаро, келинг, дедуктив услубдан четга чиқайлик-да, жиноятнинг ўзи билан шуғулланайлик.

– Қадрдон дўстим, сиз бу ишнинг туб моҳиятига етишни хоҳлаяпсизми? У ҳолда, сўнгги янгиликка нима дейсиз? Мен назарда тутаётган нарса, Нью-Йоркка Лондон ва Шотландия банки томонидан жўнатилган «Озодлик» (Конгресс акти санкциясининг 1917 йилнинг 24 апрелидан 1919 йил 3 мартигача чиқарилган «Озодлик» облигацияси Қўшма Штат ҳукуматининг бешинчи авлод тилла облигацияларидир. Ана шу «Озодлик» заёмининг биринчи маротаба чиқарилиши кейингиларига атама бўлиб қолди.) «Олимпия» бортида уларнинг йўқолганидан барча ҳайратда қолди. Агар лаънати денгиз касаллиги ва Лаверенинг ажойиб машғулот услубларининг қийинчилиги бўлмаганда (бу ерда бўғозни кесиб ўтгандаги қараганда бир неча марта кўпроқ шуғулланишга тўғри келарди-да) улкан лайнерлардан бирида мен ўзим денгиз бўйлаб сайёҳатга отланишга тайёр эдим, – дея орзуларга берилди Пуаро.

– Ҳа, сиз ҳақсиз, – мен уни мамнуният билан қўлаб-қувватладим. – Ушбу кемалардан айримлари ҳақиқий саройларга ўхшайди; сузиш бассейнлари, ҳашаматли дам олиш хоналари, ресторанлар, палмали кенг хоналар – у ерда очик денгиздалигини унутасан киши.

– Менга келсак, камина доимо денгиздалигим ёдимда туради, – қайғу билан таъкидлади Пуаро. –

Сиз таъкидлаган ажойиботларга менда зарурат йўқ. Гап бутунлай бошқа ёқда. Шундай сайёҳатга жазм қилган инсоннинг қалб кечинмаларини кўз олдингизга келтиринг. Сиз ўзингиз ҳозиргина алқаган, сузадиган саройларда яна ҳақиқий юқори табақа вакилларини, жиноят дунёсининг аслзодаларини учратиш мумкин.

Мен кулиб юбордим.

– Сиздаги шунча ғайратнинг қаердан пайдо бўлганини энди тушундим! Сизга қолса, облигацияни ўғирлаган одам билан жикқа мушт бўлишдан ҳам тап тортмайсиз шекилли?

Уй соҳибаси сўзимизни бўлди:

– Аллақандай хоним сизни кўрмоқчи, жаноб Пуаро. Мана, унинг ташриф қоғози.

Ташриф қоғозида мисс Эсми Фарквер исми қайд этилганди. Пуаро стол остидаги нон ушоқларини қоғозлар учун қўйилган челақка ташлаб, уй бекасига меҳмонни таклиф қилишни буюрди.

Бир дақиқадан сўнг хонага мен умримда кўрган аёллар ичида энг гўзали кириб келди. Кўзлари жигарранг, сарви қомат. Ташқи кўринишидан йигирма беш ёшлар атрофида. Унинг кийими ва ҳаракатлари ниҳоятда бенуқсон эди.

– Марҳамат, хоним, ўтиринг. Бу киши менинг майда муаммоларимни ҳал қиладиган капитан Гастингс.

– Жаноб Пуаро, бутун сизга катта муаммони рўбару қиламан деб кўрқаман, – сўз қотди қиз, яқинроққа сурила туриб. – Сиз бу ҳақда газетада ўқиган бўлсангиз керак, мен «Олимпия»даги облигацияларнинг ўғирланишини назарда тутаяпман.

Пуаронинг юзидаги ажабланишни кўриб, у янада тезроқ сўзлай бошлади:

– Сиз, албатта, менинг шундай нуфузли ташкилотлар бўлмиш Лондондаги ва Шотландиядаги банкларга қандай алоқам борлигини ўйлаётган бўлсангиз керак. Бир томондан қараганда, тўғридан-тўғри ҳеч

қандай алоқам йўқ. Гап шундаки, жаноб Пуаро, мен Филипп Риджуэй билан унаштирилганман.

– Хўш! Жаноб Риджуэй ҳам ...

– Ўғирланган облигацияларнинг хавфсизлиги учун у жавобгар эди. Албатта, унга ҳеч қандай айб қўйилмади, унинг айби йўқ. Шунга қарамай, содир бўлган воқеа туфайли у ақдан озаёзди. Унинг тоғаси барча пулларни Филипп ўзлаштирган, дегани ҳам менга аён. Хуллас, бу унинг келажагидаги катта омадсизлик.

– Унинг тоғаси ким?

– Жаноб Вавэсэр, Лондон ва Шотландиядаги банкларнинг бош бошқарувчиси.

– Фарквэр хоним менга бўлиб ўтган воқеани батафсил сўзлаб бермайсизми?

– Яхши. Биласизми, банк ўз фаолиятини Америкада кенгайтириш мақсадида «Озодлик» облигацияларидан миллион долларини у ёққа жўнатганди. Бу ишни амалга ошириш учун Вавэсэр банкда бир неча йилдан бери масъулиятли лавозимни эгаллаб келаётган ва Нью-Йоркдаги барча банклар операциялари билан яхши таниш бўлган жиянини танлади. «Олимпия» Ливерпуддан йигирма учинчи санада чиқиб кетган, Филипп эса облигацияларни жаноб Вавэсэр ва Шоулар, яъни, Лондон ва Шотландия банк бош бошқарувчиларидан эрталаб ўша куннинг ўзида қабул қилиб олган. Филипп иштирокида облигацияларни қайта санашган, ўрашган, суғурчлашган ва жомадонга солиб маҳкамлаб бекитишган.

– Жомадоннинг қулфи оддиймиди?

– Йўқ. Жаноб Шоу махсус Хаббс<sup>1</sup>нинг қулфларини қўясизлар, деб туриб олганди. Мен айтганимдек, Филипп уларни жомадоннинг энг тагига қўйганди. Облигацияларни кема Нью-Йоркка келишидан бир неча

---

<sup>1</sup>Хаббс – чилангар анжомлари ва махсус қутиларни тайёрлайдиган фирманинг номи назарда тутиляпти.

соат олдин ўғирлашган. Кемани синчиклаб ахтариб чиқдик, бироқ ҳеч қандай натижа бўлмади. Облигациялар изсиз ҳавога учиб кетгандек йўқолган эди.

Ушбу сўзлардан кейин Пуаро юзини буриштирди.

– Улар бутунлай йўқолиб кетмаган, «Олимпия» тўхтаб турганда ярим соат ичида сотишган. Йўқ, мен зудлик билан жаноб Риджуэйни кўришим керак.

– Мен худди шу масала бўйича «Чешайр Чиз»<sup>1</sup>га тушликка таклиф қилмоқчи эдим. У ерда Филипп ҳам бўлади. У мени кутиб олади, бироқ сизга мурожаат қилганимни у ҳали билмайди.

Биз бу таклифни мамнуният билан қабул қилдик ва таксида ўша томонга қараб йўл олдик. Жаноб Филипп Риджуэй ресторанга биздан аввал етиб келган экан. У қайлигининг икки нафар мутлақо нотаниш киши билан келганини кўриб ҳайрон қолди. Истараси иссиқ, баланд бўйли барваста, гарчи ўттиздан ошмаган бўлса-да сочлари тўкила бошлаган бир йигит эди.

Фарквэр хоним севгилиси олдига бориб унинг елкасига қўлини қўйди.

– Филипп, сен билан маслаҳатлашмаганим учун кечир, – дея ўзини оқлашга тушди. – Сен жуда ҳам кўп эшитган жаноб Эркюль Пуаро ва дўсти капитан Гастингслар билан таништиришга рухсат бер.

Бу таништирувдан сўнг Риджуэй янада ҳайратланди.

– Жаноб Пуаро, сиз ҳақингизда эшитгандим, албатта, – деди у қўлимизни қиса туриб. – Эсми бошимга тушган бахтсизлик ҳақида сиз билан маслаҳатлашганидан беҳабар эдим.

– Қўрқаманки, сен менинг бундай йўл тутишимга рухсат бермасдинг, – мулойим оҳангда сўзлади мисс Ферквер.

---

<sup>1</sup>«Чешер пишлоғи» – қадимги ресторан, Лондоннинг кўзга кўринган кўчаларидан бирида жойлашган.



– Аммо нима бўлгандаям, сен мен ҳақимда қайғургансан, – дея жилмайди у. – Умид қиламанки, жаноб Пуаро ушбу сирли ишга бир оз бўлса-да ойдинлик киритади. Тўғриси айтсам, содир бўлган воқеа юзасидан қандай йўл тутишни билолмай бошим қотган.

Ҳақиқатан ҳам доимий зўриқишдан унинг юзлари хориган ва салқиб қолган эди.

– Демак, демак, – такрорлади Пуаро, – келинлар, тушлик қиламиз-да, овқат устида нима қилиш мумкинлигини муҳокама қиламиз. Мен содир бўлган воқеани жаноб Риджуэйнинг ўзидан яна бир бор эшитишни хоҳлардим.

Биз ажойиб бишфтекс ва пудингни жуда мақтаб ерканмиз, Филипп Риджуэй облигациялар қай тарзда йўқолганлигини батафсил сўзлаб берди. Унинг айтганлари Фарквэр хонимники билан айнан бир хил эди. У сўзини тугатиши билан Пуаро дарров сўроққа тутди:

– Жаноб Риджуэй, нима учун сиз заёмларни ўғирланди, деб ўйлаяпсиз?

Филипп қайғули кулимсиради.

– Жаноб Пуаро, ахир бу ойдай равшан-ку. Бу дарров кўзга ташланди. Каютада турган жомадон каравот тагидаги жойидан силжитилган, қулфни бузишга уринган жойлари эса бутунлай тирналган ва кесилганди.

– Тушунишимча, жомадон калит билан очилган?

– Ҳа, худди шундай. Қулфни бузмоқчи бўлишгану, бироқ унинг уддасидан чиқишолмаган. Ниҳоят улар қулфни очишга муваффақ бўлишган.

– Ғалати-я? – деди Пуаро, унинг кўзларида менга таниш бир шавқ намоён бўла бошлади. – Жуда ғалати! Шунча вақтни беҳуда сарфлаб жомадонни бузиб, кейин калит борлигини эслаб қолишган. Ахир бунақа қулфларнинг ҳар бири – ҳақиқатан ҳам ноёб саналади.

– Шунинг учун уларда ҳеч қандай калит бўлмаган. Калитлар доимо менда турарди.

– Ишончингиз комилми?

– Онт ичишим мумкин. Агар уларда калит ёки нухаси бўлса, қулфни бузиш учун бунча вақт сарфлашнинг нима кераги бор эди? Ахир бунинг иложи йўқ-ку.

– Баракалла! Биз ана шу ҳақда бош қотиришимиз лозим! Пайғамбарликни даъво қилмоқчи эмасман-у, воқеанинг ечими худди мана шу тушунарсиз далилга яширинган. Сизга яна бир савол бераман, илтимос, хафа бўлманг: сиз жомадонни очиқ қолдирмаганингизга тўла аминмисиз?

Филипп Риджуэй Пуарога қараб қўйди, у эса кечирим сўраб қўлларини силкитди.

– А! Сизга ишонтириб айтаманки, бундай ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Майли, облигацияларни жомадондан ўғирлашибди. Ўғри уларни нима қилдйкин? Қирғоққа бунча юк билан қандай чиқиб олдйкин?

– Гап ана шунда-да! Қандай қилиб? – ҳайрон бўлди Риджуэй. – Божхона хизмати керакли топшириқни олганди. Обдан текшириб кўришмагунча биронта тирик жон кемани тарк этмаганди.

– Облигациялар эса, менинг билишимча, анча оғир юк.

– Албатта. Уларни кемада яшириш мумкин эмас эди. Бизнингча, облигацияларнинг кемада қолмагани аниқ, чунки облигация «Олимпия» қирғоққа келишидан ярим соат олдин, мен телеграмма жўнатишимдан ва рақамлар тарқатилишидан аввал сотилган. Мен телеграмма жўнатишим билан рақамлари юборилган. «Олимпия» келгунга қадар облигация сотиб олганлигини битта маклер қасам ичиб айтиб берди. Облигацияларни радио орқали юбориш мумкин эмас.

– Радио эмас, балки ёнидан қандайдир шатакчи кема ўтгандир?

– Бу хизмат кўрсатадиганлари билан боғлиқ, тревога эълон қилингандан кейин барча сергак тортиб

қолган. Мен ўзим ҳам шундай йўллар билан кимгадир бериб юборишлари мумкин деган хаёллارга ҳам бордим. Эй худо, жаноб Пуаро, чек-чегараси йўқ бундай ўйловлар мени ақлдан оздиради! Облигацияларни менинг ўзим ўғирлаганликда гумонсирашяпти.

– Ахир, қирғоққа чиққанингизда сизни ҳам текширишган-ку? – секингина сўз қотди Пуаро.

– Ҳа.

Ёш йигит нима қилишини билмай унга қараб турди.

– Менинг нима демоқчилигимни сиз тушунмадингиз, – сирли тарзда кулди Пуаро. – Энди мен банк идорасида бир нарсани аниқлашим керак.

Риджуэй чўнтагидан ташриф қоғозини чиқарди ва унга бир нечта сўзларни ёзди.

– Уни тоғамга кўрсатсангиз, сизни дарров қабул қилади.

Пуаро унга миннатдорчилик билдирди, Фарквэр хоним билан хайрлашди. Биз эса банкнинг Лондон ва Шотландиядаги бош идораси жойлашган Фриднида стритга йўл олдик. У ерда Риджуэйнинг ташриф қоғозини кўрсатишимиз билан бизни кўп сонли пештахта ва стол лабиринтлари орасидан, биринчи қаватда жойлашган, қўйилмалар қабул қилаётган ва бераётган хизматчилар ёнидан бошлаб бирлашган банкларнинг бош директорлари ўтирган унча катта бўлмаган идорага олиб боришди. Жаноб Вавэсэр соқол қўйган бўлса, жаноб Шоунинг соқоли қиртишланган эди.

– Менинг тушунишимча, сиз хусусий тергов олиб боряпсиз? – деб сўради жаноб Вавэсэр. – Сирасини айтганда, биз Скотланд-Ярднинг қўл остидамиз. Бу иш билан инспектор Мак Нейл шуғулланыпти. Менимча, у жуда уддабуро ходим.

– Бунга менинг ишончим комил, – майин овозда унинг сўзини қўллади Пуаро. – Жиянингиз ҳимояси учун сизга бир нечта савол беришга рухсат берсан-

гиз. Айтинг-чи, Хаббсга қулфларга ким буюртма берганди?

– Уларга мен буюртма бергандим, – деб айтди жаноб Шоу. – Ўзингиз тушунасииз, ходимларнинг бирортасига бу ишни ишониб топшириб бўлмайди. Калитларга келсак, улардан бири жаноб Риджуэйда, қолган иккитаси ўзимда ва менинг ҳамкасбимда эди.

– Ходимлардан уларни очишга ҳеч кимда имкон йўқ эди?

Жаноб Шоу қайрилиб жаноб Вавэсэрга саволомуз назар ташлади.

– Калитлар сейфда, биз йигирма учинчида қўй-гунизмизча турганди, – жавоб берди жаноб Вавэсэр. – Афсуски, менинг ҳамкасбим Филипп кетгандан кейин икки ҳафта илгари касал бўлиб қолганди. У эндигина тузалди.

– Бронхитнинг энг оғир тури, менинг ёшимда одамга оғирлик қиларкан, – қайғу билан сўз юритди, жаноб Шоу. – Жаноб Вавэсэрга менинг йўғимда осон бўлган эмас, айниқса, бу бахтсизликни қабул қилиш, худди кутилмаганда бошингдан совуқ сув қуйгандек бўлган.

Пуаро яна бир неча саволлар берди. Мен сездимки, у тоға билан жиян ўртасидаги кундалик илиқ муносабатларни билишни хоҳлади. Жаноб Вавэсэр қисқа ва лўнда жавоб берди. Унинг жияни бошқа ходимларга нисбатан банкда тўла ишонч билан фаолият юритгани маълум. Унинг ҳеч кимдан қарзи йўқ, пулдан қийналмаганди. Шунга ўхшаш банк ўтказмаларини унга илгари ҳам ишониб топширишган.

Ниҳоят, биз бир-биримизга одоб билан тавозе қилдик.

– Менинг ҳафсалам пир бўлди, – деди Пуаро кўча чиқишимиз билан.

– Бу қари мижғовлардан бошқа нимани ҳам кутиш мумкин?

– Уларнинг мижғовлигидан ҳафсалам пир бўлгани йўқ. Мен банк бошқарувчисида худди сизнинг севим-

ли романларингизда тасвирланганидек «бургут қарашли қаҳри қаттиқ молиявий корчалон»ни кўришни кутгандим. Йўқ, ростданам, менинг ҳафсалам пир бўлди. Жуда ҳам енгилдек туюлганди.

– Енгилдек?

– Ҳа. Мен буни болалар ўйини деган бўлардим.

– Сиз облигацияларни ким ўғирлаганини била-сизми?

– Биламан.

– Унда... нима... керак...

– Шовқин кўтарманг, Гастингс! Ҳозир биз ҳеч қандай чора кўрмаслигимиз керак.

– Нима учун? Нимани кутаяпсиз?

– «Олимпия»ни. У Нью-Йоркдан пайшанба куни қайтади.

– Агар сиз облигацияларни ким ўғирлаганини билсангиз, нима учун кутишимиз керак? У қўлдан кетиши мумкин.

– Тинч океанидаги оролда жинойтчиларни тутмаслик тўғрисидаги қонун йўқ! Эй, дўстим, ҳаёт унинг учун у ерда ноқулай. Нега кутаётганимнинг сабаби... Эркуль Пуародек ақлли кишига бу иш жудаям аниқ, бошқалар учун, яъни худо ақлдан қисган инспектор Мак Нэйладеклар учун, қўшимча равишда текширув ўтказиш, баъзи ҳолатларни аниқлаштириш зарар қилмасди. Ақли кўпроқ инсонларни ҳурмат қилиш керак.

– Пуаро, худо ҳаққи! Қийин вазиятга тушиб қолишингизни кўриш учун мен ҳеч қандай маблағни аямаган бўлардим. Бир марта бўлса ҳам! Биласизми, сиз камтарликдан ўлмайсиз!

Кичкина одам бир уф тортди ва шундай мағрурона кўкрак кериб қўйдик, мен бехосдан кулиб юбордим.

Вагоннинг биринчи классда Ливерпулга шошилиб кетаётганимизда пайшанба куни ҳам етиб келди. Пуаро ўз фикрини биз билан баҳам кўргиси келмади. У мен вазиятни тўла тушуна олмаганимдан ҳайрат-

ланганлигини яширолмади. Мен баҳсга аралашгим келмади, қизиқишимни бефарқлик билан яширдим.

Биз улкан океан лайнери турган қирғоққа боришимиз билан Пуаро ишга бутун вужуди билан шўнғиб кетди. Йигирма учинчи санада Нью-Йоркка йўл олган бир одам ҳақида маълумот олиш учун тўртта стюард билан суҳбатлашиш керак эди. «Кекса кўзойнакли жаноб. У қаттиқ бетоб эди, деярли ўз каютасидан чиқмади» – Пуаро уни шундай таърифлади.

Унинг таърифи Филипп Риджуэйнинг хонаси ёнидаги С-24 каютага жойлашган жаноб Вэнторанинг ташқи кўринишига тўғри келди.

Мени ҳайрон қолдиргани Пуаро жаноб Венторанинг қандай қилиб аниқлагани, инчунин ташқи қиёфасини аниқлагани эди. Мен озмунча ҳаяжонланмадим.

– Айтинг-чи, Нью-Йоркка келганингизда, – дея савол бердим, – бу жентльмен қирғоққа биринчилардан бўлиб тушдимиз?

Стюард бошини қимирлатди.

– Йўқ, жаноб, у кемани энг охирида тарк этганди.

Жавоб мени гангитиб қўйди ва сездимки, Пуаро истехзоли жилмайди. У стюардга миннатдорчилик билдирди, унинг қўлига пул қистирди, шундан сўнг биз кетдик.

– Иш ёмон кетмаяпти, – дея сўз қотдим мен. – Аммо бу охирги «йўқ» сўзи сиз қанча жилмайсангиз ҳам, сизнинг назариянгизни чиппакка чиқарди.

– Ҳар доимгидек сиз ҳеч нарсани тушунмадингиз, Гастингс. Аксинча, худди шу сўнгги жавоб менинг назариямга отилган учбурчак тош бўлди.

Мен жаҳлим чиққанидан қўлимни кўтардим.

– Қойилман!

Биз поездга ўтириб, Лондонга йўл олганимизда Пуаро жиддий қиёфада бир варақ қоғозга ниманидир ёзди-да, хатжилдга солиб уни муҳрлаб қўйди.

– Бу ҳурматли инспектор Мак Нейл учун. Биз хатни Скотланд-Ярддан ўтаётганда қолдирамиз, йўлимиз эса мисс Фарквер тушликка таклиф қилган «Рандеву» ресторанига тушади.

– Риджуэй-чи?

– Нима Риджуэй? – кўзини пирпиратди Пуаро.

– Сиз ўйлаяпсизки... қилолмайди... деб?..

– Гастингс, сизни мантиқсизлик ҳалок этади. Мен ростдан ҳам шу ҳақда ўйладим. Агар Риджуэй ўғри бўлса, унда кутилмаган ҳеч қандай ҳодиса йўқ. Шунда биз аниқ ишлаб чиқилган усул билан ишлашимизга тўғри келади.

– Бу эса мисс Фарквер учун унчалик яхши эмас.

– Балки сиз ҳақдирсиз. Барчаси яхшиликка бўляпти. Гастингс, келинг, хулоса ясайлик. Менинг билишимча, сиз бундан жуда куйиниб кетяпсиз. Шундай қилиб, жаноб Фарквернинг тахминига кўра, жомадондан муҳрланган пакет йўқолиб қолган. Фараз қиламиз, пакетнинг ҳавода йўқолиб қолиши ҳозирги илмий нуқтаи назардан олиб қарасак, бундан нима келиб чиқади? Барчаси тушунарли, қирғоқда ҳеч нарса сирли йўқолиб қолиши мумкин эмас.

– Биз буни биламиз ...

– Балки буни, Гастингс, сиз биларсиз? Мен эса билмайман. Мен бу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайман, мумкин эмасми, демак, мумкинмас. Унда иккита вариант қолади: пакетни кемада яшириб қўйишган, бундай қилиш мумкин эмас ёки уни кема бортидан улоқтириб ташлашган.

– Сиз айтмоқчисизки, пўкак (қалқи) биланми?

– Пўкаксиз.

Мен шунда тўхтаб, ҳайратдан оғзим очилиб қолди.

– Агар зайёмларни кема бортидан отиб юборишган бўлса, унда уларнинг Нью-Йоркда сотилиши мумкин эмасди.

– Мен сизнинг мантиқий-ақлий хулосаларингиздан ҳайратдаман, Гастингс. Облигацияларни

Нью-Йоркда сотишган бўлса, унда кема бортидан улоқтиришмаган экан-да. Бу хулоса бизни қаёққа олиб боради?

– Қайси жойдан бошлаган бўлсак, ўша ерга-да.

– Бекор гап! Мабодо пакетни кема бортидан отиб юборган бўлишса, унда пакетда ҳеч қанақа облигация бўлмаган экан-да. Облигацияларнинг пакетларда бўлганлиги ҳақида бирор бир исбот борми? Эсланг, жаноб Риджуэйга тугунни Лондонда берганларидан сўнг уни ўша пайтдан бошлаб қайтиб очмаган.

– Ҳа, аммо у ҳолда ...

Пуаро сабри чидамай қўлини силтади.

– Давом этишимга рухсат этинглар. Сўнгги марта облигацияларни Лондон ва Шотланд банкларида йигирма учинчи санада эрталаб кўришган. Бир киши «Олимпия»нинг Нью-Йоркка келишидан ярим соат олдин ҳам облигацияларнинг сотилаётганини кўргангани айтган, афсуски, унинг гапига ҳеч ким эътибор бермаган. Майли, облигациялар кемада бўлмаган деб тасаввур қиламиз. Облигациялар Нью-Йоркка бошқа йўл билан келмаганмикин? Мумкин! «Олимпия» сузадиган кун Саутгенптондан «Исполин» йўлга чиққан, бу Атлантикада энг тезюрар кема ҳисобланади. Облигациялар почта жўнатмалари тарзида «Олимпия»нинг Нью-Йоркка келишидан икки кун илгари етиб келган. Хўш, энди ишнинг моҳияти очилаётгани маълум бўляпти. Ўралган пакет – оддий «қўғирчоқ». Облигацияларни банк идорасида алмаштиришганга ўхшайди. Бунда иштирок этганларнинг ҳар учаласидан бири бу ишни амалга ошириши мумкин. Қисқаси, облигацияларни Нью-Йоркка почта орқали юбора туриб, «Олимпия» портга келиши билан уни зудлик ила сотиш тўғрисида кўрсатма берилган. Уюштирилган бу саҳнани амалга ошириш учун кемада кимдир бўлиши лозим эди.

– Нима учун?



– Шунинг учунки, Риджуэй пакетни очиб қараса, унда «ўйинчоқ». Шунда у Лондондан шубҳаланади. Бунга йўл қўймаслик керак эди. Шу боис йўловчи қўшни каютадан жомадон махсус очилганда «кузатган» ўғирликка нигоҳ қаратиши учун чалғитган. Аслида эса у иккинчи калит билан жомадонни бемалол очган, пакетни эса кема бортидан улоқтириб юборган ва сўнгги йўловчи кемани тарк этишини кутган. У қора кўзойнак тақиб олган. Ҳеч ким танимаслиги керак эди, Риджуэй билан учрашишни хоҳламаган бўлса-да, унинг учун кутилмаган ҳол эди. У Нью-Йорк қирғоғига чиққан ва орқага қайтишда биринчи сузадиган кемада қайтган.

– У ким?.. Улардан қайси бирлари эди?

– Иккинчи калити бор одам, ўша одам иккинчи калитни қўйишга буйруқ берган. У ҳеч қачон бронхит билан оғримаган. Қисқаси, бу одам ўша «туллак» кекса жаноб Шоу! Юқори мансабдорлар орасида ҳам жиноятчилар учрайди, дўстим. Мана бизнинг натижаларимиз. Мадемуазел, мен баъзи натижаларга эришдим!

Марҳамат қилиб, рухсат этинг?

Қувончдан кўзлари ёнган Пуаро ҳайратланган кизни ёноқларидан ўпиб олди.

## ИШТАР ИБОДАТХОНАСИДАГИ ҚОТИЛЛИК

– Ҳикоя қилиш навбати сизники, доктор Пендер. Қани, бизга нималарни сўзлаб бермоқчисиз?

– Менинг ҳаётим хилватларда ўтди, – дея гап бошлади кекса руҳоний хижолатомуз жилмайиб. – Шу боис кўп воқеаларга дуч келмаганман. Фақат навқиронлик чоғларимда ўзим гувоҳ бўлган жуда ғаройиб ва фожиали бир ҳодиса бундан мустасно.

– Ў, – ҳовлиққанча хитоб қилди Жойс Ламприер хоним.

– Орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да, – давом этди руҳоний, – мен бу ҳодисани ҳеч унутолмадим. Бу менга шундай таъсир қилганки, эсимга тушса ҳам ўша даҳшатли манзара кўз олдимда жонланади ва қўрққанимдан қарахт бўлиб қоламан. Ўшанда ҳеч кимга кўринмайдиган қурол билан қуролсиз одам ўлдирилганди.

– Доктор, сўзларингиздан баданимга чумоли ўрмалагандай бўлди, – нолиди жаноб Генри.

– Ўзимни ҳам қалтироқ босди. Ўша кундан бери даҳшатли воқеалар тўғрисида гаплашаётган одамлар устидан кулмайдиган бўлганман. Айтмоқчиманки, баъзи жойларда ёвуз руҳлар шунчалик кучли бўладики, уларни бемалол сезиш мумкин.

– Ҳа, албатта! – руҳонийнинг гапини тасдиқлади Марпл хоним. – Мана шу Лорчеслар уйида қанча бахтсизликлар рўй берган. Ўзингиз ўйланг. Қария Смитерс барча бойликларидан айрилиб, уйини сотишга мажбур бўлди. Карслейклар бу уйга қўчиб келмасданоқ, Жонни Карслейк зинапоядан йиқилиб,

оёғини синдирди. Кейинроқ, Карслейк хоним ҳам Франция жанубига бориб, даволаниб қайтди. Айтишларича, ҳозир ўша уйни эр-хотин Берденлар сотиб олибди. Яқинда эшитдим, кўп ўтмай бечора жаноб Берден жарроҳ тигига дуч келибди.

– Биз бу ерда ирим-сиримларга ўралашиб қолганга ўхшаймиз, аҳмоқона ва ўйланмай тарқатилган миш-мишлар мулкка катта зарар келтирмасмикан? – деди жаноб Петерик.

– Шахсан ўзим бир жуфт «арвоҳ» қучоқлашганини кўрдим, – дея қаҳ-қаҳ урди жаноб Генри.

– Доктор Пендерга ҳикоясини айтиб беришга йўл берсак бўларди, – таклиф қилди Реймонд.

Жойс иккала чироқни ҳам ўчириб қўйди. Энди хонада фақат каминнинг липиллаб турган ёғдуси қолди. Ҳикояни давом эттирса бўлади.

Доктор Пендер кулимсиради ва оромкурсига ўрнашиброқ ўтириб кўзойнагини олиб қўйди. Сўнгра сокин овозда ҳикоя қила бошлади.

– Орангизда Дартмур ҳақида эшитган одам борми-йўқми, билмайман. Мен ҳозир таърифламоқчи бўлган макон у билан ёнма-ён жойлашган. У ерларнинг табиати баҳаво, қўрғон ҳам ажойиб бўлишига қарамай, сотилиши эълон қилинса-да, кўп йиллар харидорини тополмади. Бунинг сабаби бор, албатта. Қўрғон қўрқинчли, хилват жойда эди. Уни Хейдон исми киши сотиб олганди – жаноб Ричард Хейдон. Мен уни коллежда ўқиб юргандаёқ билардим, анча вақт кўришмаганимизга қарамай, эски дўстлигимиз ҳурмати, у мени «Тинч ўрмонзор»ига таклиф қилди. У бу жойни шундай атарди. Зиёфатга кўп меҳмон чақирилмаган эди. Ричард Хейдоннинг ўзи, амакиваччаси Эллиот Хейдон, Маннеринг ва унинг рангпар қизи Виолет, капитан Рожерс хотини билан – ҳар иккаласи ҳам офтобда тобланган моҳир чавандозларга ўхшарди. Меҳмонлар орасида ёш доктор Саймондс ва

Диана Эшли хонимни учратдим. Диананинг сурати гўзаллар журналида, матбуотда бир неча марта эълон қилинган бўлиб, у шу мавсумдаги соҳибжамоллардан бири деб тан олинганди. Ҳақиқатан ҳам унинг ҳусни жамолига таъриф йўқ эди. Баланд бўйли, қора сочли, юзлари опшоқ, кўзларини қисиб қараши эса Шарқ санамларини эслатарди.

Худо унга бетимсол шарқона ҳусн-тароват берганди. Устига-устак қизнинг тиниқ, қўнғироқдай овозини айтмайсизми? Ташрифим давомида билдимки, дўстим Ричард Хейдонни бу нозанин маҳлиё қилиб қўйган экан. Базм ҳам шу малак учун атайин уюштирилаётгандек туюлди менга. Қизнинг хатти-ҳаракатларида Ричардга мойиллик аломатлари сезилмади. Диана шундай қизлар тоифасидан эдики, бутун кун бўйи Ричард билан суҳбатда бўлиб, эртага унга қиё ҳам боқмай, кўпроқ Эллиотга лутф кўрсатиши мумкин эди. Кейин эса вазмин ва уятчан доктор Саймондсга ҳам жозибадор кулгисини ҳадя эта оларди.

Келишим билан мезбон бизга қўрғондаги барча хоналарни кўрсатди. Уй ташқи кўринишидан унча салобатли, сирли кўринмаса-да, лекин жуда қулай, девоншир мрамаридан ғоят пишиқ ва турли хил табиий офатларга бардошли қилиб қурилганди. Деразалар адирга, торф конига, шамол емирган қояларга қараб очилар эди.

Яқин қоялар бағрида қадимий қўрғон бўлиб, шу қўрғонда қидирув ишлари олиб борилганида у ердан бронзадан ишланган қандайдир асбоб-анжомлар топилганди. Топилмалар Хейдонни қизиқтириб қолган экан, у бизга бу ҳақда ҳаяжон билан сўзлаб берди.

– Неолит даври одамлари, друидлар ва римликлар яшаган жойлар, ҳатто илк Финикия маданиятининг излари ҳам топилган бу ерда, – дея бу ерлар кўҳна осори атиқаларга ғоятда бой эканлигини таъкидлади Ричард. – Лекин бу жой энди «Тинч ўрмонзор» деб аталади.

Ричард қўлини чўзиб харсангтош, арчагул, қирқ-қулоқлардан иборат ялангликнинг ўртасидаги – чама-си юз ярд (1 ярд – 91,44 см га тенг) наридаги қалин дарахтзорни кўрсатди.

– Мана бу манзарага бир қаранг, – ҳикоясини давом эттирди Хейдон. – Баъзи дарахтлар қуриган бўлса, баъзилари ўсиб чиққан, лекин финикиялик кўчманчилар келгунча ва ундан кейин тўлиқ сақланган. Юринглар, бориб кўрамыз.

Ҳаммамиз унинг орқасидан йўлга тушдик. Ўрмонга кирганимизда негадир қалбимда гашлик пайдо бўлди. Афтидан, бу ғафлат ўрмонида биронта ҳам қуш ин қурмаганга ўхшайди. Атрофни умидсизлик, даҳшат қоплагандек эди гўё. Хейдон менга сирли кулимсираб:

– Бу жой қандайдир ажабтовур таассурот қолдирмаяптими, Пендер? – деди. – Кўнглингизнинг бир четида безовталиқ сезмаяпсизми?

– Бу ер менга ёқмаяпти, – дедим бамайлихотир.

– Тушунарли, – деди у. – Бу ерда бир пайтлар ғайридинларнинг қалъаси бўлган. Бу – «Астарта ўрмонзори».

– Астарта дейсизми? – сўрадим мен.

– Астарта ёки Иштар дейсизми, бу сизнинг хоҳишингиз, аммо мен финикияликлар иборасида «Астарта» дейман, – сўзида давом этди Хейдон. – Бу, менимча, шу атрофда Астартага сиғиниш билан боғлиқ ягона жой. Етарли далилим йўқ, аммо кўз ўнгимизда ҳақиқий «Астарта ўрмонзори». Бу қалин дарахтлар орасида бир пайтлар муқаддас маросимлар ўтказилган.

– Муқаддас маросимлар, – шивирлади Диана халға чўмиб. – Қизиқ, улар қандай ўтказилган экан?

– Унчалик ҳавас қиладиган даражада эмас, – дея кутилмаганда қаттиқ кулиб юборди капитан Рожерс. – Менимча, Иштар маросими дилларни ўртаб юборган.

Хейдон бу гапларга унча эътибор бермади ва гапни давом эттирди:

– Ўрмонзор ўртасида ибодатхона бўлиши керак. Ибодатхонани тасаввуримда тиклай олмайман, лекин хаёлан унинг қандай бўлганини айтишим мумкин.

Шу вақт биз ўрмонзор ўртасидаги чоғроқ ялангликка чиқдик. Яланглик марказида тошдан қурилган уйчани эслатадиган ғалати нарсани кўрдик. Диана Эшли Хейдонга саволомуз қараб қўйди.

– Мен уни саждагоҳ деб ўйлайман. Саждагоҳ ёки «Иштар ибодатхонаси».

У уйчага яқинлашди. Уйча ичида обнус дарахтидан ясалган одмироқ таглик, унда арслон устида бошида ярим ой шакли тасвирланган аёл ўтирган ҳолатда барпо этилган эди.

– Финикия Астартаси – ой маъбудаси, – эълон қилди Ричард Хейдон.

– Ой маъбудаси! – деди ҳаяжон билан Диана. – Келинлар, бугун шу ерда базму жамшид қурамиз. Ой тик кўтарилганда ниқобли кийимлар кийиб келамизу, Астарта шарафига маросим ўтказамиз.

Мен кетишга шайландим, буни Ричарднинг амакиваччаси Эллиот Хейдон дарҳол пайқаб қолди:

– Сизга бу нарсалар ёқмаяпти-а, ота!

– Йўқ, ёқмаяпти, – деб қатъий жавоб бердим.

У бир оз ажабланиб қараб турди-да: – Булар ҳаммаси аҳмоқгарчилик, – дея таъкидлади. – Илоҳий ўрмонзор қаердалигини Ричарднинг ўзи ҳам билмайди. Бу унинг тасаввури, унга шунақаси ёқади. Агар ростакамига шундай бўлса эди...

– Балки ҳақиқатан ҳам шундайдир?..

У хижолатли кулди-да:

– Наҳотки, шу нарсаларга ишонсангиз? Сиз руҳонийсиз-ку, – деди.

– Йўқ, ишонмайман, – жавоб бердим мен, – бундай бўлишига ҳеч ҳам ишонгим келмаяпти. Бироқ бу

ерга қадам қўйишим билан гўё атрофимни ёвузлик ва хавф-хатар қуршаб олгандай бўлди.

Эллиот беихтиёр қайрилиб, менга гайритабий тикилди.

– Ҳа, – деди у, – бу ерда бир сир бор. Сиз нима-ни назарда тутаётганингизни тушундим. Лекин ҳақиқатдан анча узоқлашиб кетмадикмикан? Шундай эмасми, Саймондс?

Доктор бир-икки сония жим турди-да, шундай деди:

– Нима учунлигини билмайману, лекин буларнинг бари менга ёқмаяпти.

Шу пайт Виолет Маннеринг мен томон чошиб келди-да: – Қўрқиб кетяпман, бу ерда қолиш хавфли. Тезроқ кетайлик, – деди алақандай қўрқув билан.

Биз бу ерни тарк этишга ошиқдик, орқамиздан бошқалар ҳам эргашди. Фақат Диана Эшли бир оз ушланиб қолди. У ибодатхона олдидаги санамдан кўзини узмасдан ўзгача бир ҳаяжон билан унга тикилиб қолган эди.

Ажойиб кун бўлди. Куёш нурларини сахийлик билан сочарди. Шунинг учун Диана Эшлининг ниқобли кийимни кийиш таклифини ҳамма бажонидил қабул қилди. Барчада кўтаринки кайфият ҳукмрон, лекин ички бир безовталиқ ҳам йўқ эмасди. Кечки овқатга кирганимизда ғоят завқли ва ёқимли бир овоз янгради. Рожерс ва хотини неандерталларга ўхшаб кийинишганди. Ричард Хейдон ўзини финикиялик денгизчи, амакиваччасини эса қароқчилар сардори деб атади. Доктор Саймондс – бош ошпаз, Маннеринг хоним – ҳамшира, қизи эса черкас аёли сифатида гавдаланди. Каминани эса роҳиб деб эълон қилишди. Диана Эшли кечки овқатга ҳаммадан кейин кирди. Унинг кенг, мўл маскарад кийимида судралиб юриши бизда шубҳа уйғотди.

– Нотаниш аёл, – деди у. – Мана, мен кимман. Энди, худо ҳаққи, столга яқинроқ ўтирайлик.

Овқатланиб бўлгач, уйдан чиқдик. Кеча ниҳоятда ажойиб, атроф осуда эди. Ой чиққанди. Сухбатлашиб, сайр қилиб, вақт қандай ўтганини билмай қолибмиз. Бирор соатдан кейин орамизда Диана Эшли йўқлигини пайқаб қолдик.

– Балки ухлашга кетгандир, – деди Ричард Хейдон.

– Йўқ, – бошини чайқади Виолет Маннеринг, – ярим соат олдин кўргандим, – у қўли билан ой ёруғида қорайиб кўринган ўрмонзор томонни кўрсатди, – Диана ўша томонга қараб кетди.

– Қизиқ, бу қизнинг эси жойидами? – гудранди Ричард Хейдон. – Онт ичаманки, бу ерда бирор маккорона ҳазил борга ўхшайди, юринглар, борайлик-чи?

Ҳаммамиз қизиқиш аралаш ҳадик ила ўрмонзорга йўл олдик. Дарахтзорда қандайдир нохуш ҳодиса рўй беришини аввалдан сезгандек, у ерга боришга оёғим тортмади. Ўзимни нохуш ҳис қила бошладим. Бор кучимни тўплаб, ўзимни зўрға ушлаб турдим ва дарахтзор беҳосият эканини назаримда ҳаммадан аввал мен сездим. Сузиб бораётган ой ёғдусида дарахтлар шохларини атайин эггану, бизни ўтказишни хоҳамайдигандек эди. Кундузи осуда ўрмонзор тунда турли шивир-шивирга тўлганди. Ҳаммамиз сирли бир қўрқувдан бир-биримизнинг пинжимизга тиқилишиб, қўлларимиздан ушлашиб аста-секин илгарилай бошладик.

Ўрмонзор ўртасидаги ялангликка бориб худди ўзга сайёрадан келгандек қотиб қолдик. Остонада ҳарир либосда товланиб гўзал бир санам турарди. Унинг бошидаги хурпайган қора сочи иккита ярим ой шаклида эди.

– Худойим! – дея хитоб қилди Ричард Хейдон. Унинг қошлари орасида тер томчилари пайдо бўлган эди.

Виолет Маннеринг сезгирроқ экан:

– Бу Диана-ку! Ўзига ўзи ўхшамай қолибди, – деди.



Шу сонияда ҳалиги шарпа ибодатхонага кираве-ришда қўлини кўтариб, бир қадам олдинга юрди. Сеҳрли овоз билан шундай деди:

– Мен маъбуда Астартаман! Менга яқинлашманг-лар, бўлмаса ажалингизни топасиз!

– Керакмас, Диана, – Маннеринг уни инсофга чақирмоқчи бўлди. – Сиз бизни қўрқитяпсиз. Ўзи шундоқ ҳам ваҳимали-ку бу ер!

Хейдон ўзини унга отди:

– Менинг илоҳий маъбудам Диана! Сен гўзалсан!

Кўзларим ой ёғдусига ўрганиб қолди. Энди теварак-атрофни аниқроқ кўра бошладим. Диана ҳақиқатан ҳам Виолет айтгандек гоятда ўзгарган эди. Юзи шарқона тус олиб, кўзларида қатъият янада жилоланган, лабларида эса шундай қаҳрли заҳарханда табассум зоҳир эдики, уни бу ҳолатда ҳеч қачон кўрмагандим.

– Секинроқ, – огоҳдантирди у. – Маъбудага яқинлашманг. Ким бўлишидан қатъи назар, менга яқинлашса, ўлдираман.

– Сен жуда гўзалсан, Диана, – хитоб қилди Хейдон. – Ўтинаман, ҳазилни бас қил. Бу ишлар менга... унчалик ўтиришмаяпти.

Хейдон унинг ёнига боришга қатъий қарор қилди, «маъбуда» қўлини Хейдон томонга чўзди.

– Тўхта! – бақирди у. – Яна бир қадам ташласанг, мен сени Астартанинг илоҳий кучи билан нобуд қиламан.

Ричард Хейдон кулди-да, яна қадамини тезлатди. Шу пайт бирдан кутилмаган ҳодиса содир бўлди. Ричард гандираклади, сўнгра қоқинди ва бутун гавдаси билан ағдарилиб тушди.

У шу қўйи ерда юзтубан ётганича қайта ўрнидан турмади.

Кутилмаганда Диана жазавали кула бошлади. Фалати ва қўрқинчли қаҳ-қаҳа ўрмон тинчлигини бузди. Эллиот қаҳр-ғазаб билан олдинга интилди.

– Мен бошқа чидолмайман! – бақирди у. – Тур, Дик. Турсанг-чи!

Аммо Ричард Хейдон йиқилган жойида ётаверди. Эллиот югуриб келди-да, чўккалаб, эҳтиёткорлик билан Ричарднинг юзини тепага ўгирди ва унинг юзига тикилди. Кейин у бирдан сапчиб ўрнидан турди.

– Доктор! Худо ҳаққи, тезроқ келинг. Менимча, у ўлганга ўхшайди.

Саймондс унинг ёнига югурди. Эллиот эса секин-секин биз томонга кела бошлади. Негадир унинг ҳаракатлари беўхшов эди.

Гап нимадалигини тушуниб етган Диана энди бор овозда фарёд сола бошлади:

– Мен уни ўлдирдим! Эй, худо! Бундай бўлишини хоҳламагандим-ку? Наҳотки мен қотил бўлсам?..

Шундай дея у ўтлар устига беҳол йиқилди.

Шу пайт Рожерс хонимнинг саросимали овози эшитилди:

– Бизга ҳам бир бало бўлмасидан бу қўрқинчи жойдан кетайлик. Нақадар даҳшат!

Эллиот елкамга қўлини қўйди.

– Бундай бўлиши мумкин эмас, – шивирлади у.

– Сизга айтяпман, бўлиши мумкин эмас. Инсонни худди шундай ўлдириш мумкинлигига ишонмайман. Бу... бу – қандайдир гайритабий.

– Амакиваччангизнинг юраги хаста эди-ку, – мен уни тинчлантиришга уриндим. – Балки ҳаяжон, руҳий зўриқиш ўз кучини кўрсатгандир.

– Сиз ҳеч нарсани тушунмаяпсиз, – дея Эллиот сўзимни бўлди ва кафтини очди. Унинг кафти қон эди. – Дик касалликдан ўлгани йўқ. У тиф зарбидан жон берди. Лекин ажабланарлиси, бу ерда ҳеч қандай қурол йўқ эди-ку?

Таажжубланиб унга тикилдим. Бу орада Саймондс марҳумни текшириб бўлди ва олдимизга келди. Унинг ранги оқариб кетган ва қалтирарди.

– Наҳотки, ҳаммамиз ақдан озган бўлсак? – деди Саймондс. – Агар шу каби ҳодисалар бўлиб турса, бу қандай жой ўзи?

– Демак, бу ҳақиқат экан-да, – дедим мен.

У гапимни тасдиқлагандай ишора қилди.

– Зарба узун, ингичка ханжар билан етказилган бўлиши мумкин, бироқ мен ҳеч қандай ханжарни кўрганим йўқ.

Бир-биримизга қарадик.

– Ундай бўлса ханжар шу ерда! – таъкидлади Эллиот Хейдон. – У шу атрофда, қаердадир ётибди, қидириб топиш керак.

Ўтлар орасини пайпаслай бошладик, шунда Виолет Маннеринг:

– Ҳа, эсимга тушди, Диананинг қўлида нимадир бор эди. Ханжарга ўхшаган бир нарса. Ҳа, рост. У Ричардга таҳдид қилаётганида нимадир ярақлаб кўринганди, – деб қолди кутилмаганда.

– У лоақал уч қадам ҳам Ричардга яқин бормаганди, – эътироз билдирди Эллиот Хейдон.

Маннеринг хоним беҳуш Дианага энгашди-да:

– Ҳозир унинг қўлида ҳеч нарса йўқ, ерда ҳам ҳеч вақо кўринмайди, – деди. – Виолет, адашмаганингга ишончинг комилми?

Доктор Саймондс ҳам Диананинг олдига келди:

– Уни уйга олиб бориш керак. Рожерс, сиз ёрдам беринг. Аввал мисс Эшлини олиб кетамиз. Сўнг Ричард билан шуғулланамиз.

Пендер ҳикоя қилишни тўхтатиб, кўз қири билан ҳаммага бир-бир қараб олди:

– Мурда қаердан топилган бўлса, уни ўша ерда қолдириш кераклигини ҳозир ёш бола ҳам билади. Лекин у пайтда бундай қилишга фаҳмимиз етмабди. Хейдоннинг жасадини гранит уйнинг хобхонасига олиб бордик. Кейин хизматқорни велосипедда полицияга юбордик. Миршабхона ўн икки чақирим нарида эди.

Бир пайт Эллиот Хейдон мени четга чақирди-да:  
– Қулоқ солинг, мен ўрмонга қайтмоқчиман, қу-  
ролни албатта топиш керак, – деди.

– Агар у бор бўлса, – жавоб бердим мен шубҳаланиб.

У елкамдан ушлаб, жаҳд билан қаттиқ силтади:

– Бошингиздаги аҳмоқона хаёлларни чиқариб  
ташласангиз-чи! Наҳотки бу ўлим аллақандай ёвуз  
кучлар томонидан амалга оширилган, деб ўйласан-  
гиз? Яхшиси, ўзим ўрмонга бораман ва масалага  
ойдинлик киритаман.

Уни тўхтатишга уринишларим беҳуда кетди. Ўша  
дарахтзорни эслашнинг ўзи кўнглимни оздираётган-  
ди. Шу билан бирга, юрагимдаги хижиллик яна бир  
бахтсизликдан дарак бераётганди гўё.

Тун ғоят қўрқинчли ўтди, мижжа қоқиш ҳақида  
гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Полициячилар биз-  
нинг кўрсатмаларимизга ишончсизлик билан қараб,  
мисс Эшлини сўроқ қилиб, унинг фикрини билмоқчи  
бўлишди. Бироқ доктор Саймондснинг таклифи би-  
лан қарорларини ўзгартиришди. Мисс Эшли ҳушига  
келганда, доктор унга кучли таъсир қилувчи уйқу  
дорисини берди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Дианани  
эрталабгача безовта қилмаслик керак эди.

Эрталаб соат еттигача Эллиот Хейдонни ҳеч ким  
эсламади. Фақат Саймондс тўсатдан унинг қаерда-  
лигини сўраб қолди. Кечаги воқеани айтганимдан  
сўнг, авзойи бузуқ докторнинг кайфияти баттар  
ёмонлашди.

– Яхшиси, бундай қилмагани тузук эди. Бу... тел-  
балик-ку!

– Сиз бирор нохушлик рўй беришини ўйламаяпсиз-  
ми мабодо?

– Ўйлайманки, ҳеч нарса бўлмайди. Ундан кўра  
мен билан юринг! Ўша ёққа.

У ҳақ эди. Лекин яна сирли ўрмонни кўриш учун  
мен ақл-ҳушимни жойига қўйишим ва жасур бўли-

шим керак. Биз биргаликда машъум ўрмонга йў олдик. Икки марта «Эллиот!» деб қичқирдик, бироқ ҳеч қандай садо чиқмади. Эрталабки қуёшнинг заррин нурлари кўриниб турган яйдоқ жойга кўтарилдик. Саймондс ҳовлиққанча қўлимни шундай қаттиқ қисдики, бақриб юборишимга сал қолди. Кеча амакиваччаси ётган жойда бутун Эллиотнинг ўзи худди шу алфозда ётарди.

– Худойим! – аста шивирлади Саймондс. – Уни ҳам...

Жон ҳолатда югуриб борганимизда Эллиот Хейдон ҳушсиз ётарди. Энди фожиа сабаби аён: унинг елкасига узун ва ингичка бронза ханжар қадалган эди.

– Яхшиямки зарба юракка эмас, елкага тегибди. Нима дейишга ҳам ҳайронсан. Ҳар қалай у тирик, нима бўлганини ўзи сўзлаб беради, – деди доктор.

Афсуски, Эллиот Хейдоннинг ҳикояси ҳам бизга ёрдам беролмади. Унинг сўзларига ишониш қийин эди. Эллиот ханжарни қидириб кўрмоқчи бўлган. Аммо ҳаракатлари беҳудалигини тушунган ва бутхона ёнида тўхтаган. Ўша жойда гўёки уни кимдир дарахтлар орасидан кузатаётгандек туюлган. Унинг сўзларига қараганда, кутилмаганда ибодатхона ичкарисидан кучли совуқ шамол эсган. У ибодатхонанинг ички қисмини кўздан кечириш учун кирибди ва маъбуданинг мўъжаз ҳайкалчасини кўрибди. Айтишича, маъбуда тобора катталашиб бораётгандек эмиш гўё. Шунда бошига қандайдир зарба еб, қулаб тушибди. Йиқилаётиб чап елкасида қаттиқ оғриқ сезибди...

Ханжардаги белгилардан бири унинг шу ерда ўтказилган қазिशмалар чоғида топилганини ва Ричард Хейдонга тегишли эканлигини тасдиқлади. Аниқланишича, ҳеч ким ханжар аслида қаерда – уйда ёки ўрмондаги ибодатхонада сақланганими, билмас экан.

Полиция Ричардни Мисс Эшли ўлдирган деган тахминга борди, аммо бизнинг кўрсатмаларимиздан

сўнг бу тахминдан воз кечишга мажбур бўлди. Сирли ўлим сирлилигича қолаверди.

Ҳикоячи бир зум тўхтади ва орага жимлик чўкди.

– Нима ҳам дейиш мумкин? – сукунатни бузди Жойс Ламприер. – Кўриниб турибдики, юракни сескантирувчи ғайритабiiй воқеа. Доктор Пендер, содир бўлган воқеа хусусида ўзингизнинг мулоҳазаларингиз борми?

– Ҳа, – бошини қимирлатди руҳоний, – бироқ менинг мушоҳадаларим барча нарсага ойдинлик киритолмаса керак.

– Мен кўп марта спиритик сеансларда бўлганман, – деди Жойс. – У ерда шундай ғаройиб ҳодисалар рўй берадики, асти қўяверасиз. Балки бу сеҳр-жодудир. Ўша аёл ўзини ростакамига маъбуда Астарта деб ҳис қилган бўлиши мумкин. Маннеринг хоним унинг қўлида кўрган ханжарни у ирғитгани ҳам эҳтимолдан холи эмас.

– Балки бу ўқдир? – тахмин қилди Реймонд Уэст. – Бундан ташқари, билишимча, ўша тун унчалик ойдин бўлмаган. Ким билади, балки унинг қўлида бошқа бир қурол бўлгандир? Мен оммавий гипнозни назарда тутяпман. Ўйлашимча, ўшанда ҳар бир киши қандайдир ҳалокат рўй беришини ич-ичидан сезган.

– Циркда қуроллар ва пичоқ билан турли мўъжизалар кўрсатишганига кўп маротаба гувоҳ бўлганман, – деди жаноб Генри. – Менимча, дарахтлар орасида биров яширинган ва нишонни мўлжаллаб, пичоқ ёки ханжарни отган. Тушуниб турибман, бу сизга ғайритабiiйдек туюлиши мумкин, аммо бу ягона тўғри тахминдир. Бир эсланг-а, жабрланган иккинчи кишига дарахтлар панасидан кимдир пойлаётгандек туюлганэди. Лекин Маннеринг хонимнинг айтишича, мисс Эшлининг қўлида ханжар бўлган. Судда эса далиллар бошқалар томонидан инкор этилади, бу эса мени ҳайратлантирди. Тажрибаларимга таяниб

шуни айтишим мумкинки, битта қотиллик ҳақида бешта гувоҳнинг кўрсатмалари шунчалик даражада тафовут қилиши ақл бовар қилмас ҳол.

– Биз барча тахминлар орасида энг муҳим нарсага эътиборсизлик билан қараяпмиз, – деди томоқ қириб жаноб Петерик. – Қурол нима бўлди? Мисс Эшли наҳотки очиқ жойда туриб ўқ узган бўлса, бу ишонарли эмас. Мабодо найза яширинган кимса томонидан санчилган бўлса, унда ўлган одам йиқилганда унинг баданида бўлиши керак эди. Шунинг учун биз ҳар хил тахминий гапларга чек қўйиб, аниқ далилларга мурожаат қилайлик.

– Улар қайсилар?

– Нима бўлгандаям бир ҳолат аниқ. Ўлаётган одамнинг олдида ҳеч ким бўлмаган. У ўзига ўзи қурол санчган бўлиши мумкин. Хулоса шуки, Ричард ўзини ўзи ўлдирган.

– Уни бундай қилишга нима мажбур қилдйкин? – ҳайрон бўлди Реймонд Уэст.

– Бу масаланинг бошқа жиҳати, – жавоб берди адвокат йўталиб. – Ҳозир мени назария қизиқтирмайди. Илоҳий кучларга эса сира ишонмайман. Агар адашмасам, ҳаммаси худди мен айтгандек содир бўлган. Яъни, у йиқила туриб ўзига тиф санчган ва ханжарни суғуриб олиб дарахтлар панасига ирғитган. Унчалик ишонарли далил эмас-у, лекин шундай бўлгани ҳам эҳтимолдан узоқмас.

– Тўла ишонч билан айтолмайман-у, аммо ҳаётда баъзан ғалати ҳодисалар ҳам рўй бериб туради, – деди мисс Марпл.

– Холажон, сиз Ричарднинг ўлимида бировнинг қўли йўқ демоқчисиз, шундайми? – сўради Реймонд.

– Афсуски, йўқ азизим! – жавоб берди мисс Марпл. – Менимча, бу ерда бир сир бор, бечора Ричард қасддан ўлдирилган бўлиши ҳам мумкин. Нега у қоқиниб кетган, ҳозир шуни билгим келяпти. Балки

дарахтнинг илдизи сабаб бўлгандир. Ричард аёлдан кўзини узмай унга қараб юрган, шунда оёғи нимагадир илашган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

– Сизнингча, жаноб Ричардни ўлдиришнинг ягона йўли бўлган? Сизни тўғри тушундимми, мисс Марпл? – дея руҳоний унга қизиқсиниб қаради.

– Воқеанинг бу ёғи жуда қайғули, шу боис унга тўхталгим келмаяпти. У ўнг қўлидан фойдаланган, шундай эмасми? Мен чап елкани жароҳатлашнинг ягона йўлини назарда тутяпман. Бечора Жек Бейнзга ҳар доим раҳмим келади. Эслайсизми, Аррасдаги қирғинбарот урушдан кейин у ўзини оёғидан отган. Госпиталга борганда оёғини кўрганман. Сўнгра ўзининг бу аҳмоқлигидан узоқ вақт уялиб юрди. Мен шунга аминманки, бадбахт Эллиот Хейдон ўзининг бу даҳшатли жиноятидан кўп фойда кўрмайди.

– Эллиот Хейдон дейсизми? – сўради Реймонд. – Бу ишни у қилганми?

– Ундан бошқа ким ҳам қилиши мумкин? – дея қўл силтади мисс Марпл. – Ўткинчи тахминий гумонларни тўхтатаиб, келинг, яхшиси жаноб Петерикнинг маслаҳатига қулоқ тутиб далилларга мурожаат қилайлик.

Шундай қилиб, Эллиот биринчи бўлиб амакиваччасининг олдига келди... Фақат угина бошқаларни гавдаси билан тўсган ҳолда ўзи учун муҳим ишни қилиши мумкин эди. Чунки у қароқчилар бошлиғи либосини кийганди, шунинг учун ҳам белида қандайдир қурол бўлгани табиий...

Меҳмонларнинг нигоҳи доктор Пендерга қаратилди.

– Бор ҳақиқатни, – дея сўзини давом эттирди у, – фожиа содир бўлганидан кейин орадан беш йил ўтгач, барча тафсилотлари билан билиб олдим. Буларнинг барчаси Эллиот Хейдон менга жўнатган мактубда битилган эди. У ўз хатида ушбу қотилликда



унинг қўли борлигидан гумонсираб юришимни аввалдан сезганини, мазкур мудҳиш қотиллик унинг ўзи учун ҳам кутилмаган воқеа бўлганини таъкидлаганди. Эллиот ҳам Диана Эшлини яхши кўрган, бироқ у бор-йўғи камбағал ҳуқуқшунос эди. Агар Ричард унинг йўлига тўғаноқ бўлмаганида, у насаб ва кўрғон меросхўрига айланар ва келажаги порлоқ бўлар эди. Эллиот амакиваччаси устига эгилганида белидаги ханжар сирғалиб ерга тушган ва у фурсатни бой бермай ханжарни санчишга ва беркитишга улгурган. Шубҳа уйғотмаслик учунми, кейин ўзига ҳам ханжар урибди... У бу хатни Жанубий қутбга экспедицияга жўнаш олдидан, баъзи сабабларга кўра, ортга қайтмаслиги ҳам мумкинлигини назарда тутиб ёзган. Шуниси аниқки, мисс Марпл пайқаганидек, бу жиноят унга ҳеч қандай наф келтирмади. «Беш йилдан бери, – деб ёзади у, – мен руҳий қийноқдаман. Ўйлайманки, гуноҳдаримни ўзимнинг муносиб ўлимим билан юваман».

Ҳамма бирдан сукутга кетди.

– Ва у ўз ор-номуси билан ўлди, – деди жаноб Генри. – Сиз бу ҳикоянгизда исм-шарифлар ва жой номини ўзгартирган бўлсангиз ҳам, доктор Пендер, гап ким ҳақида кетаётганлигини дарров пайқадим.

– Юқорида айтиб ўтганимдек, – сўзини давом эттирди кекса руҳоний, – биз бари бир воқеанинг тубига етолмадик. Лекин нима бўлгандаям, мен ҳозиргача ўйлайманки, бу бад-бахтсиз ўрмонда бечора Эллиот Хейдонни Астарта маъбудаси йўлдан урган. Ҳар доим шуни эсласам изтиробга тушаман.

## ЎЛИМ ГИЁҲИ

– Шундай қилиб, миссис Б... – деди руҳлантирадиган оҳангда Генри Клитеринг.

Уй эгаси, Бэнтри хоним, унга совуқ таъна билан қаради.

– Сиздан мени Б. хоним деб атамаслигингизни сўрагандим.

– Унда – Шаҳризода...

– Мен сиз айтгандай ҳеч қанақа Шаҳ... эмасман. Камина яхши ҳикоячи ҳам эмасман. Сиз менга ишонмасангиз, Артурдан сўранг.

– Далиллар баён этиш бўйича сенда барчаси яхши, – сўз қотди полковник Бэнтри. – Иш далилларини бўрттиришга келганда, шартга таслим бўласан, Долли.

– Ҳа, сен ҳақсан, – тасдиқлади Бэнтри хоним. У стол устидаги ўсимликлар каталогини ўзидан нарироқққа суриб қўйди. – Мен ҳаммаларингизни тингладим, сизларда бу қандай юз беришини ҳеч тушунолмаيمان. «У айтди, сиз ҳайрон қолдингиз, улар ўйлашди, таклиф этишди...» Йўқ, мен бундай қилолмайман! Ҳа, қолаверса, мен нимани сўзлаб беришим мумкинлигига ақдим етмаяпти.

– Мана бунга, Бэнтри хоним, биз мутлақо ишонмаймиз, – ишонқирамай оппоқ сочли бошини қимирлатди доктор Ллойд.

– Шундайми, азизим?.. – мулоим оҳангда қўшиб қўйди кекса мисс Марпл.

Бирров рад жавоби билан яна бошини чайқади миссис Бэнтри.

– Менинг ҳаётим қанчалик бир хил эканлигини сиз ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз. Сиз тарбияли

ошхона ходимасини топиш қанчалик қийинлигини биласизми? Кейин кийим бўйича шаҳарга қатнашлар, тиш дўхтирлар, Артур тоқат қилолмайдиган Эскотдаги отчопишлар. Ва ниҳоят боғ...

– Э-ҳа, боғ! – доктор Ллойд хитоб қилди. – Биз сизга нима ёқишини билмаймиз.

– Шахсий боғи бўлиш қандай ажойиб-а! – дея сўз қотди ёш чиройли актриса Жейн Хэйлиер. – Албатта, агар ерни чопиш керак бўлмаса. Мен гулларни яхши кўраман!

– Боғ... – сўзлади жаноб Генри. – Буни бошланғич нуқта сифатида қабул қилсак-чи? Келинг, шундай қабул қиламиз, миссис Б. – Заҳарли пиёзча, ўлим келтирувчи нарғис, ўлим гиёҳи...

– Бу ҳақда сўзлашингиз, ғалати, – деди Бэнтри хоним. – Сиз менга ўша содир бўлган ҳодисани эслатдингиз. Артур, сен Клодерхем Кортдаги воқеани унутганинг йўқми? Мен жаноб Эмброуз Бирсе ҳақида айтяпман. Эслагин, биз уни боадаб, хушмуомала қария сифатида тасаввур қилгандик.

– Ҳа, албатта эслайман, Долли. Бу ғалати иш эди. Давом эт, илтимос.

– Балки бу хусусда сен гапириб берарсан?

– Йўқ, ўзинг бошладинг, ўзинг давом эттир. Мен айтадиганларимни айтиб бўлдим.

Бэнтри хонимнинг юзида ҳаяжонланиш пайдо бўлди. У асабий тарзда бармоғини сиқиб қўйиб юборарди. Шу баробарида чуқур хўрсиниб, тез ва эркин сўзлай бошлади.

– Тўғриси айтганда, сўзлайдиган нарсаси кўп эмас. Гап ўлим гиёҳи ҳақида кетмоқда. Гарчи мен ўзим уни шалфей билан пиёз деб атасам ҳам.

– Шалфей билан пиёз? – ҳайрон бўлиб сўради доктор Ллойд.

Бэнтри хоним бошини чайқади.

– Бу мана қандай содир бўлганди, – тушунтирди у. – Биз Артур иккимиз жаноб Эмброуз Бирсеники-

да Клодерхэм Кортда тўхтадик. Бир куни тушликка орасига кўкат билан ёғ тиқилган ўрдак гўшти беришади. Кимдир билмасдан (менимча, аҳмоқлиги туфайли) дигиталис баргларини юлиб олган. Худди шу ўт билан ўрдакнинг ичи тўлдирилган. Овқатни тановул қилганларнинг барчаси касалланди, бир қиз эса вафот этди. Дарвоқе, бечора қиз жаноб Эмбрузанинг ғамхўрлиги остида эди.

У жим бўлиб қолди.

– Қандай даҳшат! – сўз қотди жаноб Марпл.

– Ҳа, тўғри.

– Тушунарли, – деди жаноб Генри. – Хўш, ундан кейин нима бўлди?

– Кейин ҳеч нарса бўлгани йўқ, – деб жавоб берди Бэнтри хоним. – Шу билан тугади.

Бу сўзлардан кейин барчанинг ҳайратдан оғзи ланг очилиб қолди. Гарчи улар ҳикоянинг шундай йўналиш олишини кутишган бўлишса-да, бироқ бундай яқун топишини кутишмаганди.

– Азизам, бу ҳали ҳаммаси эмас, – таъкидлади жаноб Генри. – Сиз сўзлаган нарса даҳшатли, бироқ жумбоқ шундай ечилмай қолди.

– Бу ерда, эҳтимол, бизга баъзи нарсалар маълум бўлмай қоляпти, – Бэнтри хоним рози бўлди. – Мен барчасини қандай бўлса, шундайлигича сўзлаб бера олганимда эди.

У яна куюнчаклик билан қўшимча қилди:

– Айтганимдек, ҳаммасини жой-жойига қўйиб айтиб бера олмаяпман. Шунинг учун ҳикоя яхши таассуротни қолдирмаяпти.

– Аҳа! – дея сўз қотди жаноб Генри стулдан тураётиб ва кўзойнагини тўғрилаётди. – Тўғри, Шаҳризода, бу янги фикр. Сиз бизнинг нафсониятимизни кўзгаб қўйяпсиз. Балки буни бизнинг қизиқувчанлигимизни уйғотиш учун қилгандирсиз? Олдинда бизни «Йигирма савол» кўринишидаги фикрлар алмашуви

кутмоқда. Хўш, буни Марпл хонимдан бошлаймиз, агар у қаршилиқ қилмаса.

– Мен ошпаз ҳақида билишни истардим, – дея сўзлади Марпл хоним. – Менимча, у аёл ўта ақлсиз ёки бутунлай тажрибасиз.

– У шунчаки ақлсиз, – тасдиқлади Бэнтри хоним. – Бечора кейин кўз ёш тўккан ва ошхонага шалфейни олиб келишмаганини билмаганини такрор-такрор таъкидлаган.

– Менимча, кекса аёл овқатни ёмон тайёрламайди, – жаноб Марпл таъкидлади.

– О, жуда ажойиб! – Бэнтри хоним ҳам қайд этди.

– Сизнинг навбатингиз, Хэйлиер хоним, – деди жаноб Генри.

– Савол бериш навбати сизга демоқчимисиз? – Жейн бир дақиқа ўйланди ва ниҳоят, қўлларини иложсиз очди. – Мен нима ҳақида сўрашни ҳам билмайман.

Унинг ялинганнамо нигоҳи жаноб Генрида қотди.

– Амалдаги шахслар ҳақида нима дейиш мумкин, Хэйлиер хоним? – таклиф қилди у жилмайиб.

Афтидан, бу савол Жейнни янада мушкул аҳволга солди.

– Мен бу ҳодисанинг барча қаҳрамонлари ҳақида гапиряпман, яъни пайдо бўлиш кетма-кетлигида, – мулоким тушунтирди жаноб Генри.

– О, бу унчалик ёмон фикр эмас, – жонланди Жейн.

Шу орада Бэнтри хоним бармоқларини букиб, одамларни бир-бир санай бошлади.

– Жаноб Эмброуз, Сильвия Кин (бу ўша вафот этган қизча). Кейин уйда турган дугонаси Мод Вай. Биласизми, қора сочли, жинни-тантқиқ атрофдагиларга тушунарсиз тарзда таассурот уйғотадиганлардан. Кейин у ерда яна қандайдир жаноб Кэрли ҳам бор эди. Улар Эмброуз жаноблари билан китоблар, лотин тилидаги эски ноёб китобларни муҳокама қилишганди. Яна

Жерри Лорример ҳам иштирок этган, билишимча, бу унинг яқин кўшниси. Унинг Ферлидаги ҳовлиси жаноб Эмброузнинг мулкига яқин. Бундан ташқари, Карпентер хоним бор эди. Бу танноз хоним ўрта ёшли, ҳар қандай жойга мослашиб кетадиган эди.

– Агар менинг навбатим келган бўлса, ўйлашимча, худди шундай. Бу шунинг учунки, мен жаноб Хэйлиер билан ёнма-ён ўтираман, – деди жаноб Генри. – Чунки Бэнтри хонимда муҳим илтимосим бор. Сиз ҳозир санаб ўтганларингизни қисқача портретини тасвирлаб беролмайсизми?

– О! – беқарорликдан иккиланиб қолди Бэнтри хоним.

– Хўш, жаноб Эмброуздан бошлаймиз, – қўлаб-қувватлади уни жаноб Генри. – У қандай кўринишда эди?

– Ҳа, бу қария феъл-атворли шахс эди. Унчалик кекса эмасди, олтмиш ёшлардан ошмаганди. Унинг соғлиги жойидамас, юраги безовта қилиб турарди. У ҳеч қачон юқорига яёв чиқмасди, доимо лифтдан фойдаланарди. Шунинг учун кекса кўринарди, бироқ ёқимтой, ҳаракатлари нозик киши эди. Уни жаҳли чиққан ҳолатда кўришмаган, у ҳеч қачон қуюшқондан чиқмаган. Ўзига ярашган оппоқ чиройли сочлари, қўнғироқдай овози бор эди.

– Тушунари, – деди жаноб Генри. – Жаноб Эмброуз менинг шундоққина кўз олдимда турибди. Энди соҳибжамол қиз Сильвияга ўтамиз. Унинг фамилияси нима эди?

– Сильвия Кин. Ажойиб, мўъжизанинг ўзи. Оппоқ, биласизми, териси нозиккина. Тўғри, у балки жуда ақлли эмасди. Тўғрироғи, бефаҳм эди.

– Ҳай, Долли, тўхтаб тур! – унинг эри эътироз билдирди.

– Артур, албатта, буни ҳеч қачон тан олмасди, – Бэнтри хоним қуруққина қилиб гапирди. – У ҳақиқа-

тан ҳам бир оз ақсиз эди. Бирор бир тайинли нар- сани мен ундан ҳеч қачон эшитмаганман.

– Мен учратган қизларнинг энг зебоси эди, – ҳая- жонли овоз билан сўз қотди полковник Бэнтри. – Унинг қандай теннис ўйнаганини кўрганмисиз? О, жуда ажойиб. У қувончдан шунчалик чақнаб кетар- дики, аломат, дилбар мавжудот. У жуда хушмуомала эди. Гаров боғлайман, унинг тенгдошлари фикримга кўшилишади.

– Шу жойда сен ноҳақсан, – эътироз билдирди Бэнтри хоним. – Ҳозир ёшларни тенгқурлари унчалик мафтун этмайди. Артур, фақат сенга ўхшаган қари хотинбозларнинг хаёли ёш қизларда.

– Ёш бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди, – деди Жейн. – Кўзга яқин бўлиш керак.

– Нимани назарда тутяпсиз? – сўради Марпл хоним.

– Жозибаторликни.

– Тушунарли. Менинг ёшлик йилларим, бу – «шай- до қилмоқ» деб айтиларди, – чуқур хўрсинди Марпл хоним.

– Ҳар қалай ёмон тасвишлаб бермадингиз, – сўзга кўшилди жаноб Генри. – Омманинг юраги, бу худди момиқ мушукча кабими, Бэнтри хоним?

– Биласизми, мушукнинг бунга алоқаси йўқ, – жа- воб берди Бэнтри. – Гап бошқа ёқда. Мен шунчаки, йирик, оқбадан ажойиб, ёқимли овозли аёл деган бўлардим. Мана Аделаида Карпентер қандай!

– У тахминан неча ёшда?

– Қирқ ёшларда. Менимча, Сильвия ўн бир ёшга тўлганда у уйда пайдо бўлганди. Жуда назокатли хоним. Кўплаб зодагон қариндошлари қуршовида бўлишига қарамай бир чақасиз юрадиганлар тоифа- сидан эди. У ўзимга ҳам ёқмайди, бунинг устига мен ўзи узун оқ қўлли инсонларни ёқтирмайман. Умуман, менга ёқимтойлар умуман ёқмайди.

– Жаноб Кэрли-чи?

– Оддий букчайган қария. Улар атрофда шунчалик кўпки, бирини бошқасидан ажратиш қийин. Моғорланган китоблари ҳақида гапиришни бошлагандагина жонланарди. Жаноб Эмброуз уни танишига шубҳам бор.

– Жеррининг қўшниси-чи?

– Ажойиб болакай! У Сильвия билан унаштирилган эди. Бу нарса эса ишга қайғули тус беради.

– Қизиқ... – Марпл хоним сўз бошлади-ю, жимиб қолди.

– Нима?

– Ҳа, йўқ, ҳеч нарса, жоним.

Бироқ жаноб Генри меҳр билан кекса хонимга нигоҳ ташлади.

– Демак, бу ёшлар унаштирилган экан-да, – ўйла-ниб сўз қотди у. – Улар унаштирилганига кўп вақт бўлганмиди?

– Чамаси бир йил. Жаноб Эмброуз Сильвия ҳали жуда ёш деб унаштиришга қарши чиққан эди. Бироқ бир йилдан сўнг у таслим бўлди ва тўй ҳам режалаштирилаётган эди.

– Ҳўш! Қизнинг бирор бойлиги бормиди?

– Йўқ, деярли ҳеч вақоси йўқ эди, эҳтимол икки йилга етадиган маблағи бор эди, холос.

– Аммо бу ерда, менимча, пичоққа илинадиган нарса йўқ.

– Энди докторнинг савол бериш навбати келди, – эълон қилди жаноб Гэнри. – Мен гувоҳлик ўрнини тарк этаман.

– Менинг қизиқишим профессионал хусусиятга эга, – сўз бошлади доктор Ллойд. – Уй бекасининг терговдаги тиббий хулоса қандай бўлганини эсла-шини истардим.

– Билишимча, дигиталисдан заҳарланиш эди, – деди Бэнтри хоним.

Доктор Ллойд бош ирғади.



– Наперстянканинг фаол қисми, дигиталис юракка таъсир кўрсатади. Бу ҳақиқатан ҳам юракнинг баъзи касалликларига фойдалидир. Умуман олганда, фалати ҳолат. Мен ушбу баргларни овқатга қўшиб истеъмол қилишдан ўлиш мумкинлигига ҳеч қачон ишонмайман. Барглар ва мевалар тўғрисидаги сўзлар ҳаддан ташқари бўрттирилган. Экстракт олиш учун жуда эҳтиёткорлик билан ўсимликка ишлов бериш кераклигини қўпчилик тасаввур эта олмади.

– Мак Артур хоним яқинда жаноб Тумига қандайдир тушунарсиз пиёзлардан жўнатганди, – суҳбатга Марпл хоним қўшилди. – Ошпаз Туми хоним уларни оддий пиёз деб ўйлаган ва натижада Туми оиласидагиларнинг барчаси касалланган.

– Лекин улар бундан вафот этишмагандир? – сўради доктор Ллойд.

– Йўқ, улар вафот этишмади, – жавоб берди Марпл хоним.

– Заҳарланиб вафот этган қизни танийман, – Жейн Хейлиер сўз қотди.

– Келинглар, жиний терговни давом эттираминиз, – таклиф қилди жаноб Генри.

– Жиноят? – сесканди Жейн. – Менимча, бу бахтсиз ҳодиса.

– Агар бу бахтсиз ҳодиса бўлса, Бэнтри хоним бизга умуман бу воқеани айтиб бермаган бўларди, – мулойимгина сўзлади жаноб Гэнри. – Йўқ, менинг тушунишимча, бу бахтсиз ҳодисага ўхшаса-да, бироқ унинг ортида бир мудҳишлик турибди.

Меҳмонлар бир кун кечқурун уйда кеча ташкил этиб, овқатдан кейин бемалол суҳбат қуриб ўтиришгани ёдимда. Девор турли қадимий қуроолар билан безатилган. Ўтириш иштирокчиларидан бири катта тўппончани қўлига олди-да, бир одамга тўғрилаб ҳазиллашиб отаман, деди. Бахтга қарши тўппонча ўқданган бўлиб, ундан ўқ узилди, натижада ўша

киши вафот этди. Бу ҳолатда биз, биринчидан, ким тўппончани билдирмай ўқлаб қўйганини, иккинчидан, қатнашчилардан қайси бири суҳбатни шу қадар усталик билан маълум мақсадда ташкил этиб, қалтис ҳазил билан туташига сабаб бўлганини аниқлашимиз керак. Чунки тўппончадан отган одамнинг айби йўқ эди. Менимча, биз ҳозир айнан шундай муаммога дуч келдик. Таркибида дигиталис баргларини кимдир, натижаси нима билан якун топишини жуда яхши англаган ҳолда, шалфей билан аралаштириб юборган. Модомики, биз ошпаз аёлни оқлаётган эканмиз – ахир биз ундан айбни соқит қиляпмиз – савол туғилади: баргларни ким терган ва уни ошхонага олиб келган?

– Бунга осонгина жавоб бериш мумкин, – деди Бэнтри хоним. – Ҳеч бўлмаганда, саволнинг иккинчи қисмига. Ошхонага баргларни Сильвиянинг ўзи келтирган. Салат ва турли ўтларни, барра сабзи ўрамларини териш, унинг кундузги ишлари мажмуига кирарди. Яъни, боғбонлар бажаришдан қочадиган юмушлардан бири. Улар ҳеч қачон янги новдаларни узишмасди, доим ўсимликларнинг тўла етилишини кутишарди. Шунинг учун бундай вазиятларда Сильвия ва Карпендер хонимнинг ўзлари ташаббус кўрсатишарди. Модомики, наперстянкалар шалфей ўсадиган жойда ўсар экан, адашиш ҳеч гап эмасди.

– Уларни Сильвиянинг ўзи узиб олмаганмикин?

– Эҳтимол, буни ҳеч ким била олмайди. Умуман олганда, шунини мўлжаллашган.

– Мўлжаллаш – қалтис иш, – дея жаноб Гэнри таъкидлади.

– Нима бўлганда ҳам, Карпендер хоним уни узиб келтирмаган, – дея қатъий сўзлади Кэнтри хоним. – Афсуски, ўша мудҳиш тонгда шундай бўлган. Биз у билан нонуштадан сўнг айвонда бирга сайр қилгандик. Ҳаво илиқ ва жуда ажойиб эди. Сильвия бир ўзи боққа тушди, бироқ кейин мен уни Мод Вей билан қўлтиқлашиб юрганини кўрдим.

– Демак, улар қалин дўст экан-да? – сўради Марпла хоним.

– Ҳа, – тасдиқлади Бэнтри хоним. У ниманидир қўшимча қилмоқчи бўлди-ю, аммо жимиб қолди.

– У узоқ муддат қолдими? – қизиқсинди Марпла хоним.

– Икки ҳафтага яқин, – жавоб берди Бэнтри хоним. Унинг овозида безовталиқ сезилди.

– Менимча, сиз Вей хонимни унчалик ёқтирмайсиз шекилли, – тахминини айтди жаноб Генри.

– Ҳа, сиз ҳақсиз, худди шундай.

Бу сафар унинг овозида қандайдир ғамбодалиқ сезилди.

– Сиз ниманидир айтмаяпсиз, Бэнтри хоним, – сўз қотди жаноб Гэнри.

– Мен ҳам буни сездим, – гапга қўшилди Марпла хоним. – Аммо мен бошингизни қотиришни истамагандим.

– Сиз бунга қачон эътибор бердингиз?

– Сиз ёшлар унаштирилганлигини айтганингиз-даёқ. Бундан ташқари, сиз айнан шу нарса қайғули эканлигини, қўшимча қилдингиз. Бироқ овозингиз унчалик ишончли янграмади.

– Қанчалик синчков аёлсиз-а! – дея сўз қотди Бэнтри хоним. – Ҳар бир нарсани охирига етмагунга қўймайсиз. Кўнглимда нимадир бор эди. Фақат уни айтишим шартмикин, шуни билолмай турибман.

– Айтишингиз шарт, – деди қатъий жаноб Генри. – Нималигидан қатъи назар, яшириш керак эмас.

– Хўп, майли, – таслим бўлди Бэнтри хоним. – Қисқа қилиб айтганда, шундай бўлди, ўша фожиа содир этилган кеча мен уй айвонига чиққандим. Меҳмонхонанинг деразаси ланг очиқ эди. Мен бехосдан Жерри Лорример ва Мод Вейларни кўрдим. У... умуман... улар ўпишдилар. Йўқ, мен ҳеч нарса демоқчи эмасман... Балки бу тасодифий «воқеа»дир, яна ким билади дейсиз... Мен яна аминманки, жаноб Эмброуз,

Жерри Лорримерни ҳеч қачон севмаган. Эҳтимол, у бу йигитнинг қандай эканлигини биларди. Мен мутлақо аминманки, бу қиз – Мод Вей ҳақиқатан ҳам уни севарди. Уларни ўнғайсиз ҳолатда кўришганида қизнинг йигитга қандай нигоҳ билан қараб турганини кўрганингизда эди. Менимча, у шу қиз Сильвиядан кўра яхшироқ жуфтлик ҳосил қилган бўларди.

– Марпл хонимдан илгарироқ, савол бермоқчиман, – деди жаноб Гэнри. – Айтинг-чи, ўша кунги фожиадан кейин Жерри Лорример Мод Вейга уйландими?

– Ҳа. Уйланди, орадан олти ой ўтгандан сўнг, – тасдиқлади Бэнтри хоним.

– О, Шаҳризода, Шаҳризода! – дея сўзлади жаноб Гэнри. – Ҳикоянгизни қандай бошлаганингиз эсингиздами? Аввалига қуруқ суяклар эди, қаранг, ҳозир улар ҳар томондан гўштлар билан қопланди.

– Оғзингизга қараб гапиринг! – Бэнтри хонимнинг жаҳди чиқди. – Менга «гўшт» сўзи умуман ёқмайди, уни гўшт емайдиганлар кўп ишлатади. Биласизми, улар «мен мутлақо гўшт емайман» дейиши билан овқат егим келмай қолади. Мисол учун, ажойиб бишфтекс. Жаноб Кэрли гўшт емайдиганлар тоифасидан. Нонуштага у ғалати, кепакка ўхшаган нарсаларни ейди. Умуман, бу қариялар, айниқса, соқоли борлари, одатда ғалати бўлади. Ҳатто ички кийимларнинг ҳам бошқачасини кияди.

– Жуда ошириб юбординг, Долли! – эътироз билдирди унинг эри. – Жаноб Кэрлининг ички кийимларини қаёқдан биласан?

– Ҳеч қаердан, – мағрурона сўз қотди Бэнтри хоним. – Мен шунчаки тахмин қилдим.

– Мен олдинги фикримга баъзи тузатишлар киритмоқчи эдим, – деди жаноб Гэнри. – Сиз сўзлаб берган воқеада, барча қаҳрамонлар жуда қизиқ ва мен бу инсонларни энди тушунишни хоҳлайман. Шундай эмасми, Марпл хоним?

– Инсон феъли ҳар доим қизиқ, жаноб Генри. Айримлар маълум вазиятларда мутлақо бир хил йўл тутишлари ғалати эмасми?

– Икки нафар аёл ва бир эркак, – деди жаноб Генри. – Бу доимий учбурчак. Барча ишлар шу муаммо атрофида айланади.

Доктор Ллойд йўталди.

– Мен ўйлаётгандим... – у унчалик ишонқирамай бошлади, – сиз ўзингиз бетоб бўлдингизми, Бэнтри хоним?

– Нафақат мен, жаноб Артур ҳам! Умуман, ҳамма-ҳамма!

– Гап шундаки, барча! – сўз қотди доктор. – Мен нима ҳақда гапираётганимни тушуняпсизми? Ким буни ўйлаб топган бўлса ҳам, у ўзини ғалати тутган: ё у омадга кўр-кўрона ишонган ёки инсонлар ҳаёти унинг учун бир чақалик қиммати йўқ. Кимдир бир инсонни йўқотиш учун саккиз нафар кишини заҳарлашига ишониш қийин.

– Мен сизни тушундим, – ўйланиб деди жаноб Генри. – Афсуски, шу ҳақда ўйлаб кўрмабман.

– Ахир унинг ўзи ҳам заҳарланиши мумкин эди-ку? – шубҳаланди Жейн.

– Кимдир ўша кунни дастурхон атрофида йўқмиди? – сўради Марпл хоним.

Бэнтри хоним бошини қимирлатди.

– Ҳамма ўша ерда эди.

– Ўйлашимча, жаноб Лорримердан ташқари. У уйда қолмасди.

– Йўқ. Бироқ у ўша оқшом ўша ерда овқатланганди, – жавоб берди Бэнтри хоним.

– О! – овоз чиқарди Марпл хоним. – Ахир бу ишни бутунлай ўзгартиради-ку!

У афсусдан афтини буриштирди.

– Мен нақадар аҳмоқман-а, – тўнғилади у. – Нақадар аҳмоқ-а!

– Сиз айтган нарса мени хавотирга солганини тан оламан, – таъкидлади жаноб Генри. – Айнан қиз ўлдирадиган даражадаги миқдорда истеъмол қилишига кафил бўлиш қийин эди.

– Албатта мумкин эмасди, – қўшилди доктор. – Бу баъзи бир фикрларга олиб боради. Масалан, дейлик, қурбон сифатида умуман қиз танланмаганди.

– Нима?!

– Овқатдан заҳарланиш ҳолатларининг барчасида натижа доимо ноаниқ. Бир овқатдан бир неча киши татиб кўришган. Хўш, нима содир бўлади? Баъзиларнинг мазаси қочган, бошқалар жиддий касалланган, кимдир ҳатто вафот этган. Кўряпсизми, ҳеч қандай аниқлик йўқ. Аммо шундай воқеалар бўладики, барчаси бошқача юз беради. Дигиталис (доривор ўсимлик тури) айтганимдек, у бевосита юракка таъсир этадиган дори ва баъзи ҳоллардагина буюрилади. Ушбу вазиятда юрагидан фақат бир киши шикоят қилган. Дейлик, қурбон сифатида айнан уни танлашган. Бошқалар учун эса ҳеч қандай хавф туғдирмайдиган нарса, унинг учун ўлим олиб келиши мумкин. Қотил шуни режалаштирган. Барчаси бошқача рўй бергани менинг сўзларимни тасдиқлаяпти: турли одамларга дорилар турлича таъсир қилади.

– Айнан жаноб Эмброузни мўлжалга олишган деб ўйлайсизми? – сўради жаноб Генри. – Қизнинг вафот этгани шунчаки хатолик бўлганми?

– У вафот этгандан кейин пул кимга қолган? – ўз навбатида қизиқди Жейн.

– Асосли савол, Хэйлиер хоним. Менинг собиқ касбим билан шуғулланадиган инсонлар бундай вазиятларда берадиган саволларнинг биринчиси, – деди жаноб Генри.

– Жаноб Эмброузнинг ўғли бор, – секин сўзлади Бэнтри хоним. – Бу воқеа содир этилгунча кўп йиллар илгари улар жанжаллашиб қолишган. Йигит, меним-

ча, бебош ҳаёт кечирмаган. Бундан ташқари, жаноб Эмброуз уни меросдан маҳрум қилиш ваколатига эга эмасди, чунки Клодерхем Корт мероснинг ўзига хос шароит доирасида эди. Мартин Бирси унвон ва ер-мулк мерос қилиб олганди. Бироқ жаноб Эмброузда бундан ташқари истаганча тасарруф қилиши мумкин бўлган яна бир қанча мол-мулк бор эди ва уларни васийлиги остидаги Сильвияга қолдирганди. Буларни билишимнинг сабаби, мен айтиб берган ушбу воқеа содир этилгандан роппа-роса бир йилдан сўнг жаноб Эмброуз вафот этди ва ҳатто янги васиятнома ёзишга ҳаракат ҳам қилмади. Менимча, маблағ давлат ҳисобига ўтганми ёки энг яқин қариндош сифатида ўғлига қолганми, аниқ билмайман.

– Бундан маълум бўляптики, содир бўлган ҳодисадан, ҳатто у ерда бўлмаган ўғли ва вафот этган қизи манфаатдор эканда, – ўйланиб жавоб берди жаноб Гэнри. – Йўқ, буларнинг барчаси ҳеч нарсани аниқлаштирмайди.

– Бошқа аёлга нимадир қолдими? – сўради Жейн.  
– Бэнтри хоним «мушукча» деб ном берган хонимга.

– У васиятномада тил олинмаган, – деди Бэнтри хоним.

– Марпл хоним, сиз негадир умуман эшитмаяпсиз, – деди жаноб Гэнри... – менимча, сиз бошқа нарса ҳақида ўйлаяпсиз.

– Ҳа, мен кекса дорихоначи Баджерни эсладим, – сўзлади Марпл хоним. – Унинг иш бошқарувчиси шунчалик ёш эдики, нафақат қизликка, ҳатто набираликка ярарди. Ва бу хусусда у ҳеч кимга оғиз очмаган, ҳаттоки мерос ҳақида ўйлаб юрган қариндошлари, кўп сонли жиянларига ҳам. У вафот этгандан кейин, у икки йил илгари унга уйланганлиги маълум бўлди. Тасаввур қиляпсизми? Албатта, жаноб Баджер – дорихоначи, бундан ташқари кўпол, шунингдек, оддий инсон. Жаноб Эмброуз Бирси эса Бэнтри хонимнинг айтишича, жуда тарбияли жаноб экан.

Жимлик чўкди. Жаноб Генри Марпл хонимга совуқ назар ташлади. Жавоб сифатида эса мовий кўзлардаги мулойим нозли нигоҳга дуч келди. Ҳукмрон сукунатни Жейн Хэйлиер бузди.

– А, Карпентер хоним соҳибжамолмиди? – сўради у.

– Ҳа, аввал айтганимдек: қайсидир даражада. Бироқ ҳайратланарли даражада эмас.

– Унинг овози жуда ажойиб эди, – қўшимча қилди полковник Бэнтри.

– Ажойиб эмас, балки мушук хириллашидек эди, – уни тўғрилади Бэнтри хоним.

– Долли ҳали кўрасан, яқинда ўзингни ҳам мушукча деб аташади.

– Менга уй шароитида мушукча бўлиш ёқади, – деб эълон қилди Бэнтри хоним. Мен аёлларни унчалик ёқтирмаслигимни биласан-ку. Менга кўпроқ эркалар ва гуллар ёқади.

– Таъбингиз нозик экан, – таъкидлади жаноб Генри. – Айниқса, эркаларни биринчи ўринга қўйганингизни эътиборга олсак.

– Ахир, бу одоб-ахлоқ масаласи, – эътироз билдирди Бэнтри хоним. – Энди, Артур, мен сўзлаб берган нарса ҳақида. Мен ахир барчасида адолатли йўл тутдим, шундай эмасми, Артур?

– Албатта, азизам. Ўйлайманки, кимдир сенинг бу ўйинни барча қоидалар бўйича бошқарганингга шубҳаланмаса керак.

– Унда, биринчи сўз сизга, – деди Бэнтри хоним жаноб Генрини кўрсатиб.

– Мен кўп гапирмоқчи эмасман. Кўриб турибсизки, мен иш бўйича аниқ фикрга кела олмадим. Жаноб Эмброуздан бошлайман. У ўз-ўзини ўлдиришнинг ноёб йўлини ўзи танламагандир. Бошқа бир томондан эса васийлигидаги қизнинг ўлимидан ҳеч нарса ютмасди. Ҳўш, жаноб Эмброузни мустасно қиламиз. Жаноб Кэрлига ўтамиз. Унда ҳам бу қизчанинг ўлдириш истагига сабаб бўладиган ҳеч қандай баҳона йўқ.



Агар қурбон сифатида жаноб Эмброузни мўлжаллаган бўлса, йўқолса ҳеч ким билмайдиган бир нечта нодир қўлёмаларни ўғирлаб олиши мумкин эди. Ундан гумонсираш мутлақо мумкин эмас. Менинг фикримча, Бэнтри хонимнинг бадгумонлигига қарамай, жаноб Кэрлининг бу ишга ҳеч бир алоқаси йўқ. Нима бўлганда ҳам унда жаноб Эмброузнинг ўлимидан ҳеч бир манфаат кўрмадим. Сильвиянинг ўлимига келсак, бу ерда аксинча далиллар шундоқ кўриниб турибди. Вай хоним Сильвиянинг севгилисини уники бўлишини жуда-жуда истаган. Бэнтри хоним таъкидлаганидек, уни жон-дилидан севган. Ўша эрталаб Сильвия билан бирга боққа боришганда баргларни узиб олишга тўла имконият бор эди. Йўқ, биз Вай хонимни ҳисобдан осонликча чиқариб юбора олмаймиз. Ёш Лорример. Унда ҳар иккала ҳолатда ҳам сабаб бор. Агар у ўзининг севгилисидан халос бўлса, бошқа қизга уйланиш имкони бўлади. Бироқ бунинг учун қотилликка қўл уриш, менимча, сира тўғри келмайди, ахир унашти-рувни бекор қилиш қийин иш эмас. Агар жаноб Эмброуз вафот этса, унда у камбағал қизга эмас, бойга қизга уйланади. Бу эса муҳим аҳамият касб этиши мумкин эди, балки ундай эмасдир, бу унинг моддий аҳволига боғлиқ. Агар мен унинг мулклари гаровга қўйилганини билсаму, Бэнтри хоним бу ҳақда ата-йин бизга айтмаган бўлса, унда эътироз билдираман. Энди Карпентер хонимга ўтамиз. Биласизми, мен унга шубҳа билан қарайман. Унинг оппоқ қўллари, бундан ташқари унинг гиёҳ терилаётган пайтда бошқа жойда бўлгани, ажойиб алибиси... Умуман, мен алибига шубҳа билан қарайман. Ундан шубҳаланаётганимнинг бошқа сабаблари ҳам бор, бу ҳақда ҳозир гапирмайман. Бари бир агар менга танлашни таклиф этишса, мен Мод Вай хонимни кўрсатардим. Чунки унга қарши далиллар кўп.

– Кейингиси, – Бэнтри хоним сўз қотди ва доктор Ллойдга ишора қилди.

– Менинг фикримча, Клитеринг, кимдир қизнинг ўлимини хоҳлаган, деб сиз адашяпсиз. Мен қотил жаноб Эмброузни тинчитишни истаганига аминман. Ёш Лорримерга келсак, бунинг учун унда фаросат етарли бўлмаган. Мен, айбдор Карпентер хоним бўлиши мумкин, деган фикрга қўшиламан. У бу оила билан анчадан буён таниш эди, жаноб Эмброузнинг соғлиги ҳақида яхшигина маълумотга эга бўлган ва айтганингиздек бефаҳм қиз Сильвияга ўша барглари узишни маслаҳат берган бўлиши мумкин эди. Тан оламан, бундан унга нима нафлигини билмайман. Жаноб Эмброуз васиятномасида унинг ҳам исмини тилга олган бўлиши мумкин-ку, деб тахмин қила оламан, холос. Бу мен ўйлаб топишим мумкин бўлган ягона хулоса.

Бэнтри хоним Жейн Хэйлиерга ишора қилди.

– Нима дейишни ҳам билмайман, – сўзлади Жейн.  
– Нима учун бу қиз барчасини ўзи бажармади? Ахир охир-оқибатда барглари ошхонага у олиб келган-ку. Мана, сиз жаноб Эмброуз қатъий равишда унинг турмушига қарши чиққанини айтдингиз. Агар у вафот этганида, маблағ унга ўтарди, ана шунда у дарров турмушга чиқарди. Қиз жаноб Эмброузнинг соғлиги тўғрисида Карпентер хоним қанчалик маълумотга эга бўлса, у ҳам шунчалик билимга эга эди.

Ниҳоят бармоқлари билан ярим доирани тасвирлаб бўлгач, Бэнтри хоним, Марпл хонимда тўхтади.

– Хўш, устоз, – деди у Марпл хонимга қараб.

– Жаноб Генри барчасини аниқ қилиб тушунтирди, – хулоса берди Марпл хоним. – Доктор Ллойд ҳам ўз ўрнида ҳақ эди. Умуман олганда, уларнинг ҳар иккаласи вазиятга ойдинлик киритишди. Бироқ, менимча, доктор Ллойд, ҳаммасини унчалик тўғри ижро этмаяпти. Мен мана нима ҳақида сўзламоқчиман. У жаноб Эмброузнинг шахсий вақти эмасди-ку, у юрак хасталигининг аниқ қайси тури билан оғришини билмасди. Ёки мен ноҳақманми?

– Тушунмадим, сиз бу билан нима демоқчисиз, Марпл хоним, – деб сўради доктор Ллойд.

– Сиз жаноб Эмброузнинг юрагида дигиталис ёмон асорат қолдирганига аминмисиз? Шундай бўлганига исбот борми? Балки аксинчадир.

– Аксинча?

– Албатта. Уни юрак хасталигига буюрадилар, деб сиз ўзингиз айтдингиз-ку.

– Нима бўпти? Мен буни бари бир тушунмайман, бундан нима хулоса келиб чиқади?

– Яхши. Бундан кўринадики, унда доимо дигиталис бўлган, бошқаларга унинг нима учун кераклигини тушунтиришга ҳожат бўлмаган. Эҳтимол, мен фикрларимни керакли тарзда баён қила олмасман, бироқ айти дамда айтмоқчиманки: мисол учун, сиз кимнидир хавфли миқдорда дигиталис бериш орқали ўлдиришга қарор қилдингиз. Ахир айнан дигиталис барглари ёрдамида оммавий заҳарланишни уюштириш қулай-ку! Албатта, бунда алоҳида ўлимга олиб келадиган заҳарланиш бўлмайди, бундан бирор киши ўлганига ҳеч ким ҳайрон қолмайди. Бундай вазиятда доктор Ллойд тушунтирганидек, барчаси ноаниқ. Лекин, эҳтимол, ҳеч ким қиз дигиталис ёки шунга ўхшаш нарса ичмаганмикан, деган саволни бермайди. У қизнинг қаҳваси ёки коктейлига қўшиб бериши ёхуд шунчаки қувват берувчи дори деб ичиб кўришни таклиф қилиши мумкин эди.

– Наҳотки сиз жаноб Эмброуз ўзи яхши кўрадиган гўзал тутинган қизини заҳарлаган, деб ўйламайсиз?

– Ҳа, мен худди шундай демоқчиман, – сўзлади Марпл хоним. – Худди Баджер жаноблари ва унинг хўжалигини бошқарувчи аёл билан ҳам содир бўлгани каби. Мени фикримдан қайтаришга ҳаракат қилманглар, гўёки олтиш яшар эркак йигирма ёшли қизни севиши мумкинмасдай. Сизни ишонтириб айтманки, жаноб Эмброуз сингари кишиларда бундай вазиятда нима бўлишини олдиндан билиш қийин. Бу

эса баъзида инсонни ақдан оздирадиган ҳолатга келтиради. Эмброуз фикран унинг турмушга чиқишини тасаввур эта олмаган, бироқ қандай бўлмасин қизнинг никоҳига тўсқинлик қилишга уринган. Бироқ бундан натижа чиқмаган. У кучли рашқдан ақдан озишига бир бахя қолган. Ёш қизча Лорримерга қолишини хаёлига келтириб, уни ўлдиришга жазм этган. Балки буни илгаридан режалаштиргандир. Чунки дори уруғини шалфей орасига экиш керак эди. Вақти келиб барглари узган ва уни ўзи ошхонага жўнатган. Буларнинг барчаси даҳшат. Бироқ бу ҳолатда иложи борича раҳмдиллик кўрсатиш лозим. Ёш қизлар масаласида катта ёшдаги эркаклар ўзини жуда ғалати тутадилар. Бизнинг сўнгги органчимиз... йўқ. Мен миш-миш тарқатмоқчи эмасман...

– Бэнтри хоним, барчаси худди шундай содир этилганмиди? – деб сўради жаноб Генри.

– Ҳа, – бошини қимирлатди Бэнтри хоним. – Мен бу ҳақда ҳеч нарса билмасдим... Доимо бу бахтсиз ҳодиса деб ўйлардим. Эмброузнинг ўлиmidан сўнг хат олдим. Хатда у барча ҳақиқатни ёзиб кетган экан. Гарчи бунга катта сабаблар бўлмаса-да, биз жаноб Эмброуз билан дўстона алоқада бўлганмиз.

Чўккан жимлик ҳукми остида ўтирганларнинг шубҳали нигоҳларини сизди ва секин давом этди:

– Сиз, ўйлайсизки, мен унинг ишончини суиистеъ-мол қиялпман деб, йўқ, бундай эмас. Мен барча исмларни ўзгартирдим. Ҳақиқатан унинг ҳақиқий исми жаноб Эмброуз Бирси эмас. Мен Артурга бу номни айтганимда унинг менга қандай тикилиб қолганини сезмадингизми? Дастлаб, у ҳеч нарсага тушунмади. Чунки мен барчасини тубдан ўзгартиргандим. Муаллифлар баъзида ўз ўқувчиларини огоҳлантирганларидек: «Бу ҳикоянинг барча қаҳрамонлари тўқиб чиқарилган». Шунинг учун сиз ҳеч қачон унинг кимлигини билолмайсиз.

## ҚИШЛОҚ КОТТЕЖИДАГИ ЖИНОЯТ

Политт хоним қўлига эшик болғачасини олиб, коттеж эшигини секингина тақиллатди. Бир оздан кейин яна тақиллатди. Чап қўлтиғига сиқиб олган ўроғлиқ буюм пастга қийшайиб қолди ва уни дарҳол тўғрилаб олди. Ушбу ўрамда Спэнлоу хонимга кийиб кўриши учун янги қишки тайёр яшил кўйлакни келтирган эди. Политт хонимнинг чап қўлида қора шойи сумка осилиб турар, унда ўлчов тасмаси, игна тўғноғич қадаб қўйиладиган ёстиқча ва катта қайчи бор эди.

Политт хоним новча ва озғин, қирра бурун, ингичка қисиқ лабли, малла-қудранг сочли аёл эди. У учинчи марта эшикни тақиллатишга шошилмади. Секин қайрилиб кўчага қаради-да, илдам қадамлар билан яқинлашиб келаётган шарпани сизди. Хушчақчақ, шамолдан қуруқшаган юзли, элик ёшли аёл ўзининг одатий йўғон овозида Хартнелл хонимга бақирди: «Хайрли кун, Политт хоним!»

– Хайрли кун, Хартнелл хоним, – жавоб берди унинг тикувчиси. Политт хоним ҳаётини бой аёлнинг уйида мураббияликдан бошлаганди, унинг ингичка овозидан яхши тарбияланганлиги сезилиб турарди.

«Кечирасиз, – давом этди у, – сиз мабодо билмайсизми, Спэнлоу хоним уйдаими?»

– Хабарим йўқ, – деди Хартнелл хоним.

– Негадир ноқулай бўляпти. Мен Спэнлоу хонимнинг янги кўйлагини кийдириб кўришим керак эди. У уч яримда келишни тайинлаганди.

Хартнелл хоним қўлидаги соатига қаради:

– Ҳозир уч яримдан ошди.

– Хўш. Мен уч марта тақиллатдим, бироқ ҳеч ким жавоб бермади, балки Спэнлоу хоним эсидан чиқиб кетиб қолгандир, деб ўйлаяпман. Лекин у одатда белгилаган учрашувни эсдан чиқармайди, бундан ташқари, у бу кўйлакни индинга киймоқчи эди.

Хартнелл хоним кўча эшиқдан кирди ва Лабэр-нэм коттежи эшиги олдида турган Политт хонимга яқинлашди.

– Нега Глэдис қўнғироққа жавоб бермаяпти? – хитоб қилди у. – Ў, тушунарли, тушунарли, бугун пайшанба-ку, Глэдиснинг дам олиш куни. Менимча, Спэнлоу шунчаки ухлаб қолган. Сиз, билишимча, бу жониворни унчалик қаттиқ тақиллатмагансиз.

Хартнелл хоним эшик болғачасини олиб, бор кучи билан эшикни бангиллатиб урди. Шу билан бирга қўли орқали зарб билан эшикни тақиллатди. Овозининг борича: «Эй, биров борми?» – деб бақирди.

Ҳеч қандай жавоб бўлмади.

– Нима бўлганда ҳам, эҳтимол, Спэнлоу хоним эсдан чиқиб кетиб қолган, – дея Политт хоним мингиллади. – Бошқа пайт келарман.

У йўл чеккасидан сўқмоқ бўйлаб юриб узоқлаша бошлади.

– Бўлмаган гап, – қатъий сўзлади Хартнелл хоним. – У кетиб қолиши мумкин эмас. Мен уни учратишим керак эди. Ҳозир деразадан қарайман, у ерда бирор тирик жон бормикин?

У кулди, ҳар доимгидек, хайрихоҳ тарзда, ҳазиллашганини билдирмоқчи бўлгандек, эътиборсизлик билан яқиндаги деразадан ичкарига қаради. Гарчи жаноб Спэнлоу хоним билан биргаликда камдан-кам бу ерда бўлиши, орқа томондаги кичик меҳмонхона-ни бу ердан афзал кўришларини биларди. Эътиборсизлик билан нигоҳ ташлаганига қарамай, ўз мақсадига эришди. Ҳақиқатан ҳам бу ерда тирик жондан асар йўқлигини Хартнелл хоним билди. Аксинча, у

дераза орқали Спэнлоу хонимнинг гиламчада камин олдида ўлиб ётганини кўрди.

– Албатта, мен ўзимни қўлга олдим, – деди кейинчалик Хартнелл хоним. – Ўзимни дарров қўлга олдим. Бечора Политт хоним эса нима қилишини билмасди. «Руҳингизни туширманг, – дедим мен унга. – Сиз шу ерда тулинг, мен эса констебль Полкни чақириб келаман». У эса бир ўзини ташлаб кетмасликни сўраб алланималар деб минғирлади, мен парво қилмадим. Бундай инсонларга ҳамиша қаттиқ туриш керак. Мен тажрибамдан биламанки, улар ҳар қандай шароитда шовқин-сурон кўтаришни ёқтиришади. Худди шу пайтда мен кетганимдан сўнг уйнинг бурчагидан жаноб Спэнлоу пайдо бўлди.

Шу жойда Хартнелл хоним узоқ тин олди. Шу йўл билан: «Айтинг-чи, у қандай аҳволда эди?» – деб мурожаат қилишларига имкон берди. Хартнелл хоним давом этди: «Тўғриси айтсам, мен дарров нимадандир шубҳаландим! У жудаям хотиржам ҳолатда эди. Ҳатто ҳайрон ҳам бўлмади. Нима десангиз денгу, инсон рафиқаси ўлганини билгач, унда ҳеч қандай ҳиссиёт намоён бўлмаса, бу нотабиийдир». Барча бу фикрга қўшилди. Шу қаторда полиция ҳам.

Жаноб Спэнлоунинг ўзини ҳиссиз тарзда тутиши уларга шунчалик шубҳали туюлдики, улар дарҳол рафиқаси вафотидан сўнг ушбу жентльменнинг аҳволи қай томонга ўзгаришини суриштиришга киришиб кетишди. Спенлоу хоним анча давлатманд аёл эканлиги ва тўйдан сўнг унинг васиятига қўра барча мол-мулк эрга ўтишини аниқлашгач, уларнинг шубҳа-гумонлари янада кучайди.

Қонун ҳимоячиларидан биринчилар қаторида суҳбатлашган инсон, ёқимтой юзли, бироқ баъзиларнинг таъкидлашича, тили бурро кекса аёл Марпл хоним эди. У қишлоқ руҳонийси билан ёнма-ён яшайди. Жиноят ҳақида билганларига бор-йўғи ярим соат вақт ўтга-

нига қарамай, полициячи Полк унинг олдига келди. У ясама савлат билан ён дафтариини варақдай бошлади.

– Агар қаршилиқ қилмасангиз, хоним, мен сизга бир нечта савол бераман.

– Спэнлоу хонимнинг ўлими билан боғлиқми? – деди мисс Марпл. Полк ҳайратдан бир сесканиб тушди.

– Айтинг-чи, хоним, сиз буни қаердан билдингиз?

– Балиқ, – жавоб берди мисс Марпл.

Констебль Полк унинг нима ҳақида гапираётганини дарров тушуниб етди. Демак, балиқ дўконидаги болакай кечки овқат билан биргаликда ушбу янгликни олиб келган.

Шундан сўнг мисс Марпл давом этди:

– У меҳмонхонада полда ётарди. Қандайдир ингичка нарса билан бўғилган. Нима бўлсаям, у нарса гойиб бўлган.

Бу сўзлардан Полкнинг жаҳли чиқди:

– Бунча нарсани бу қаердан билди экан?..

Марпл хоним чаққонлик билан унинг гапини бўлди:

– Кителингиз нина тўғноғичлими?

Констебль Полк ҳайрон бўлиб пастга қаради.

– Шундай мақол бор, – деди у. – Тўғноғични кўрсанг, дарров уни олгин, шунда сенга омад кулиб боқади.

– Умид қиламанки, барчаси рўёбга чиқади. Хўш, сиз мендан нимани сўрамоқчи эдингиз?

Констебль Полк йўталди, яна ўзини жиддийлаштириб ён дафтарига қаради:

– Артур Спэнлоу жаноблари, марҳумнинг эри, менга баёнот берди. Унинг сўзига кўра, соат икки яримда Марпл хоним унга қўнғироқ қилиб, соат ўн бешта кам тўртга етиб келолмайсизми, сиз билан нимадир ҳақида гаплашиб олишимиз керак, деган. Хўш хоним, шу тўғрими?

– Албатта, йўқ, – жавоб берди Марпл хоним.

– Сиз жаноб Спэнлоуга соат икки яримда қўнғироқ қилмадингизми?



– Ҳеч қандай, икки яримда ҳам, бошқа пайтда ҳам телефон қилганим йўқ.

– Х-ў-ш, – деди констебль Полк ва мўйловини ҳузур билан чайнади.

– Жаноб Спэнлоу яна нима деди?

– Унинг айтишича, иккидан ўн дақиқа ўтганда уйдан чиқиб кетиб шу ерга етиб келган. Лекин хизматкор аёл Марпл хоним уйда йўқ, деб айтган.

– Мана шу сўнгиси ҳақиқат, – деди мисс Марпл. – У ростдан ҳам бу ерга келган, бироқ мен аёллар клубида йиғилишда эдим.

– Хў-ш... – деди яна констебль Полк.

– Айтинг-чи, констебль, сиз жаноб Спэнлоудан гумонсирайсизми?

– Ҳали бу ҳақида гапиришимга эрта, бундан ташқари, менимча, кимлигини айтмайман, кимдир ҳийла-найранг ишлатяпти.

– Жаноб Спэнлоу? – ўйланиб сўзлади мисс Марпл.

У жаноб Спэнлоуни севарди. Бу ўрта бўйли, қотмадан келган, мурожаат қилганда ҳаддан ташқари расмиятчи ва хушмуомала инсон эди. Ташқаридан қараганда, унинг қишлоқда қолиб кетгани галати кўриниши мумкин эди, зеро, у бутун ҳаётини шаҳарда ўтказган эди. Бироқ бир куни жаноб Спэнлоу Марпл хонимга тан олган. «Мен болалигимда қишлоқда яшашни хоҳлардим, – деб ишончли тарзда тушунтирганди жаноб Спэнлоу. – Менинг шахсий боғим бўлишини орзу қилардим. Доимо гулларга боғлангандим. Биласизми, рафиқамнинг гуллар дўкони бор эди. Биз ўша ерда танишганмиз».

Худди шу саналган қуруқ далиллардан сўнг романтик манзара пайдо бўларди: Ёш жозибадор Спэнлоу хоним мўл-кўл гуллар фонида.

Аммо жаноб Спэнлоу гуллар ҳақида ҳеч нарса билмасди. У қандай уруғ сотиб олиш лозимлиги, гулларни қандай қирқиш ва экишни, бир йиллик

ҳамда кўп йиллик ўсимликларни фарқлай билмасди. У шунчаки атрофи боғ билан коттеж ва гуллаган дарахтлардан таралаётган ширин исни орзу қиларди. Марпл хонимга маслаҳат учун мурожаат қилиб, унинг изоҳларини ён дафтарчасига ёзиб қўяётгандек ўзини тутишида қандайдир таъсирчанлик бор эди.

Бу инсон ортиқча шовқинсиз ҳаракат қиладиганлар тоифасидан эди. Балки феълнинг шу жиҳати учун ҳам хотинининг ўлимидан кейин полиция унга эътибор қаратгандир. Синчковлик ва сабр-тоқат билан марҳум Спэнлоу хонимнинг ўтмишини иложи борича пухта ўрганишди. Бу хусусда барча Сэйнт Мери<sup>1</sup> Мид округидагилар билишди.

Спэнлоу хоним ўз ҳаётини бой хонадонда хизматкорликдан бошлаган. Боғбонга турмушга чиқиб, Лондонда гуллар дўконини очишгандан кейин бу жойдан бўшади. Дўконда ишлар юришиб кетди-ю, бироқ эри тезда касал бўлиб, вафот этди.

Ёлғиз, бева бўлиб қолгач, Спэнлоу хоним ишни давом эттириб, дўконни чиройли қилиб безатди, уни кенгайтирди. Ҳаммаси кўнгилдагидек кетаётган эди. Кейин у дўконни яхшигина нархга сотиб, иккинчи маротаба ўрта ёшдаги эркак, унчалик катта бўлмаган серташвиш меросга эга, заргар жаноб Стэнлоуга турмушга чиқди. Бир оздан кейин бу меросни ҳам пуллаб, Сэйнт Мери Мидга кўчиб ўтишди.

Спэнлоу хоним ўзига тўқ аёл эди. У гуллардан тўплаган жамғармасига «руҳлар ёрдамида эришилган»-лигини учраган одамга сўзла. Буларнинг бари унинг спиритизмга бўлган ишончини оширганига қарамай, Спэнлоу хоним адолатли йўл тутмади. Медиум ва спиритик сеансларни тўхтатди. Лекин у Сэйнт Мери Мидга кўчиб келгач, яна инглиз черковига қатнай бошлади. У чин дилдан черковнинг барча маросим-

<sup>1</sup> Марпл хоним билан боғлиқ асарларда воқеа-ҳодисалар юз берадиган тўқима қишлоқ.

ларига қатнар, қишлоқ дўконларига ҳомийлик қилар, маҳаллий ахборотларга қизиқар ва бридж ўйнарди.

Умуман олганда, оддий қишлоқ ҳаёти давом этарди. Аммо бу ҳаёт бирдан узилиб қолди.

\* \* \*

Полиция бошлиғи полковник Мелчэт инспектор Слэкни ҳузурига чақирди.

Слэк ўзига тўла ишонган одам эди. Агар у бир нарсага қарор қилса, албатта бунга тўлиқ ишонарди. Ҳозир ҳам у қатъий ишонч ҳосил қилганди.

– Бунининг эри қилган, жаноб, – деди у.

– Сен шундай ўйлайсанми?

– Бунга мутлақо ишончим комил. Унга бир қарасангиз эди. Бир оз бўлса-да, қайғу ва умуман бирор ҳиссиётни намоён қилмаяпти... У уйга хотинининг ўлганини билган ҳолда қайтган.

– Хўш, у тушкунликка тушган эр ролини ўйнамадимми?

– Йўқ, бу инсон унақалардан эмас, жаноб. Ўзини ҳаддан ташқари севади. Баъзи жентльменлар роль ўйнашга қодир эмас. Ўтакетган расмиятчи! Умуман, менинг билишимча, хотини унинг жонига теккан. Унинг пули жуда кўп эди, мен шунини айтмоқчи эдим, у билан яшаш қийин бўлган, чунки бир тантқиқликдан бошқасига сакрашдан тўхтамаган. Совуққонлик билан уни йўқотишга ва шу билан ўз ҳузурини ўйлаб яшашга қарор қилган.

– Ҳа, балки шундайдир.

– Ишонаверинг, шундай! Режасини пухталиқ билан ишлаб чиққан. Унга худди ўзига қўнғироқ қилишгандек тутган...

Мелчэт Слэкнинг сўзини бўлди:

– Демак, ҳеч қандай қўнғироқни аниқлашмадимми?

– Йўқ, жаноб. Демак, бу иккитадан бирини англади: ёки у ёлғон гапиряпти ёки жамоат телефон буд-

касидан қўнғироқ қилишган. Қишлоқда фақат иккита телефон будкаси бор: бири станцияда, бошқаси эса почтада. Почтани албатта олиб ташлаш керак. Блэйд хоним у ерга кирганларнинг барчасини кўради. Станция эса бошқа масала. Поезд иккию ўттиз еттида келади, шунда қий-чув бошланади. Айтишича, унга Марпл хоним қўнғироқ қилган. Бу – ёлгон. Унинг уйдан ҳеч ким қўнғироқ қилмаган, ўзи эса уйда бўлмаган.

– Сиз Спэнлоу хонимни ўлдирмоқчи бўлган киши унинг эрини атайлаб уйдан чиқармоқчи бўлган деган фаразни ҳисобдан чиқармаяпсизми?

– Сиз ёш Тэда Жерарани назарда тутяпсизми, жаноб? Мен шу тахмин устида ишладим, бироқ бундан унга манфаат йўқ.

– Бундан ташқари, бу мавҳум шахс. Маблағни ўзлаштириш унга шараф келтирмайди.

– Мен уни бунга алоқадор эмас деётганим йўқ.

– Ниҳоят, у ўзининг бошлиғи олдига келиб барчасини астойдил ўз бўйнига олган.

– Нима, у Оксфорд гуруҳи<sup>1</sup> аъзосими? – сўради Мелчэт.

– Ҳа, жаноб. Янги динга кирган ва пулни ўзлаштирганини очиқ тан олиш учун иш билан тўғридан-тўғри шуғулланган. Мен фақат шуни айтмоқчиманки, бу ерда ҳеч қандай алоҳида зийраклик талаб этилмайди. Шунчаки у, эҳтимол, ундан шубҳаланаётганларини сезган ва астойдил тавба қилувчи қаҳрамон ролини ўйнашга қарор қилган.

– Сиз бадгумонсиз, Слэк, – эътироф этди полковник Мелчит. – Дарвоқе, сиз ҳеч бўлмаса Марпл хоним билан гаплашдингизми?

– Унинг бу ишга нима алоқаси бор, жаноб?

---

<sup>1</sup> Оксфорд гуруҳи – диний ҳаракат, 1921 йили Оксфордда америкалик евангелист Франк Бухман томонидан ташкил этилган. Унинг аъзолари тўртта принципга асосланган: мутлақо тўғрисиўзлик, тўғрилиқ, муҳаббат ва холислик.

– Ҳеч қандай. Бироқ у барча гап-сўзлардан хабардор. Олдига бориб у билан бир гаплашиб кўрмайсизми? Бу кекса аёл жуда зийрак.

Слэк суҳбат мавзусини ўзгартирди.

– Жаноб, мен сиздан қуйидагиларни сўрамоқчи эдим: мархума ўз иш фаолиятини уй хизматкори сифатида жаноб Роберт Аберкромби кўрғончасида бошлаган. Худди шу жойда унинг қимматбаҳо буюмлари, яъни жуда қиммат турадиган зумрадларини ўғирлашган. Уларни шу билан топишмади. Мен бу ишни қайта кўрдим. Ўғирлик Спэнлоу хоним ишлаган пайтда содир этилган. Тўғри, унда у жудаям ёш қиз эди. Жаноб, бу ишга қиз қандайдир мақсадда аралашганга ўхшаб кўринмаяптими сизга? Сиз биласизми, жаноб Спэнлоу унда майда заргар эди, яъни ўғирланган буюмларни сотиб олган бўлиши мумкин эди.

Мелчэт бош ирғади.

– Бундан бир нарса чиқади, деб ўйламайман. Унда у жаноб Спэнлоу ҳақида ҳеч нарса билмасди. Полиция бу ишда Аберкромби Жимнинг ёш ҳаддан ташқари исрофгар ўғли аралашган деб ҳисоблаганди. Унинг қарзи жуда кўп эди. Ўғирликдан кейин бир бойвачча хотин унинг ҳамма қарзларини тўлаган... Нима бўлгандаям, шундай дейишган. Бироқ кекса Аберкромби ишнинг эълон қилинишини сира хоҳламаган, полицияни чалғитишга ҳаракат қилган.

– Мен фақат ўз тахминларимни айтдим, холос, – сўз қотди Слэк.

\* \* \*

Марпл хоним Слэки полковник Мелчэтнинг ўзи юборганини эшитиб, уни ниҳоятда дўстона қабул қилди.

– Полковникнинг бу иши жуда ажойиб бўлди. Мен унинг ёдидаман деб ўйламагандим.

– Ёдидасиз, жуда ҳам яхши ёдида қолгансиз. Дарвоқе, у айтдики, Сэйнт Мери Мидда нимадир содир

этилса, сиз бу ҳақда эшитмаган бўлсангиз, демак, бу нараса эшитишга арзимаиди.

– Ҳа, жуда ажойиб, – қайтарди мисс Марпл. – Фақат мен бу ҳақда ҳеч нарсани билмайман. Мен бу қотиллик ҳақида айтяпман.

– Сиз бу ҳақида нима дейишганидан хабардорсиз-ку?

– Кераксиз гаплар такрорлашга арзирмикин?

– Биласизми, бу расмий суҳбат эмас, – мулоим сўзлади Слэк. – Бу шунчаки ишончли бир суҳбат.

– Сиз ростдан ҳам одамлар нима ҳақида гапираётганини билмоқчимисиз? Бунда бирор ҳақиқат борми?

– Ҳа, худди шундай.

– Хўш, кети йўқ гап-сўзлар, турли тахминлар айтиляпти. Бироқ асосан инсонлар икки қисмга бўлинди, агар мени тушунган бўлсангиз. Биринчиси, бу ишни эри қилган дейдиганлар. Мазкур вазиятда гумон эрга ёки хотинга тушишини биласиз. Бу табиий, албатта.

– Бўлиши мумкин, – секин сўзлади инспектор.

– Мен нима ҳақида гапираётганимни тушуняпсизми, бу – яқин муносабатлар. Кейин кўпинча бунга пулни ҳам аралаштиришади. Эшитишимча, Спэнлоу хоним ўзига анча тўқ, Спэнлоу эса унинг ўлимдан бевосита манфаатдор. Афсуски, бу гуноҳга тўла дунёда энг даҳшатли тахминлар ҳам ўз тасдиғини топади.

– Ҳа, у каттагина маблағни мерос қилиб олган.

– Айнан шундай. Эҳтимол, уни бўғиб ўлдирган, унинг орқа эшигидан чиқиб кетган, далалардан менинг уйим томон йўналган, гўёки мени кўрмоқчи бўлган, чунки мен унга қўнғироқ қилганман, у эса орқага қайтган, уйда йўқлигида хотинини ўлдиришганини билади ва бирор дайди ёки ўғрининг бўйнига қўйишади, деб қарор қилган.

– Пул масаласига келсак... Охирги пайтларда ёмон муносабатларда бўлишган бўлса-чи?

– Бироқ бундай бўлмаган, – унинг сўзини бўлди Марпл хоним.

– Сиз аниқ биласизми?

– Жанжаллашганларида сиз билган бўлардингиз. Оқсоч Глэдис Брэнг буни бутун қишлоққа ёярди.

– У билмаслиги ҳам мумкин эди, – мулоийм эътироз билдиришга ҳаракат қилди инспектор.

Жавобига эса Марпл хоним афсус билан жилмайди.

– Бироқ кимдир умуман бошқа нарса ҳақида ўйлаяпти. Тер Жерар – ташқи кўриниши чиройли йигит. Сиз, албатта, ташқи кўриниши чиройли инсонларнинг бошқа турли ўхшаш шароитларда кўпроқ таассурот қолдиришини бир неча бор кузатгансиз. Аввалги руҳонийимизни олайлик, жуда ҳайратланарли таъсир. Қизлар, мисол учун, кечки ва тонги ибодатларда черковга ёғилиб келганди. Кўпгина ёши каттароқ аёллар шипшак ва шарфлар тикиш бўйича черков жамоати ишларида ўзига хос фаоллик кўрсата бошлаганди. Шу тариқа бечора йигитни саросимага солиб қўйишганди.

Шундай қилиб мен нимага тўхтагандим? Ҳа, бу ёш йигит Тэд Жерар... Албатта, у тўғриси жуда кўп гап-сўзлар юрганди. У Спэнлоу хонимни кўргани кўп борарди. Спэнлоу хоним менга бошқалар таърифлагандек Оксфорд гуруҳи аъзоси эканлигини айтганди. Менимча, уларнинг бари жуда самимий ва жиддий, бу эса Спэнлоу хонимда катта таассурот қолдирди.

Мисс Марпл бир оз нафас ростлади ва давом этди:

– Ишонаманки, бу ерда мен айтганлардан бошқа нарса ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ахир одамларнинг гап-сўзини биласиз-ку!.. Кўпчилик, Спэнлоу хоним ёш йигитни ниҳоятда яхши кўради ва унга катта миқдорда пул берган, деб ҳисобларди. Уни эса ўша куни станцияда кўришгани айни ҳақиқат. У роппа-роса соат икки яримлик поездга чиқиб кетган. Вагоннинг бошқа томонидан осонгина тушиб,

темир йўл орқали ўтиб, девордан ошиб, тўсиқдан кечиб станциянинг кириш қисмида умуман пайдо бўлмасликнинг иложи бор-ку. Шунинг учун коттежга йўл олганини ҳеч ким англамайди. Албатта, Спэнлоу хонимнинг ғалати кийимига эътибор қаратишади.

– Кимоно. Қўйлак эмас... – Марпл хонимнинг юзлари уятдан қизарди. – Тушунасизми, булар ўйлантирадиган нарсалар.

– Сиз нима деб ўйлайсиз, бу ерда бирор ахлоқсизлик бўлганми?

– Йўқ, ундай эмас. Менга бу табиий бўлиб туюляпти.

– Сиз буни табиий деб ҳисоблайсизми?

– Бу вазиятда ҳа, – ўйланиб, бироқ совуқ тарзда жавоб берди Марпл хоним.

– Демак, эрида бошқа сабаб бўлиши мумкин эди, яъни – рашк, – таъкидлади инспектор Слэк.

– Йўқ, жаноб Спэнлоу ҳея қачон рашк қилмаган бўларди. У бундай масалаларга эътибор берадиган инсонлардан эмас. Агар хотини кетиб қолиб, тўғноғич ёстиқчасига «мен кетдим», деб хатча қолдириб кетганидагина нима содир бўлганини билган бўларди.

Инспектор Слэк Марпл хоним унга бундай синчковлик билан тикилаётганидан мушкул аҳволда қолди. Инспектор хоним гапирганларининг барчасини тушунди-ю, нимагадир бўлаётган шамаларни тушунмай қоларди.

– Инспектор, сизда жумбоқни ечиш учун бирор бир калит борми? – қатъий сўради у.

– Ҳозир ўзидан кейин ҳеч ким бармоқ изларини, сигарет қолдиқларини қолдирмаяпти, Марпл хоним.

– Бироқ жинойт, менимча, анча эски услубда амалга оширилган, – дея сўз юритди у.

– Бу билан нима демоқчисиз? – дарҳол сўзлади Слэк.

– Ўйлайманки, констебль Полк сизга ёрдам бериши мумкин. У жинойт жойига биринчилардан бўлиб етиб келган.



\* \* \*

Жаноб Спэнлоу шезлонг (енгил оромкурси)да ўтирарди. У нимадандир хижолат чеккандек эди.

– Албатта, мен нима бўлганини тўла англаб турибман. Гарчи, менинг эшитишим олдингидек бўлмаси-да, бир болакай орқа томонимда: «Хўш, Криппен ким?» – деб бақирганини эшитдим<sup>1</sup> ва менда шундай фикр пайдо бўлди: у айтмоқчики, гўёки... мен... мен... ўз севимли хотинимни ўлдирибман.

– Таассуротларингиз сизни алдамабди, – деб мулозим оҳангда сўзлади боғдаги атиргулларни қайчи билан кеса туриб Марпл хоним.

– Бундай фикр болакайнинг миясига қаердан келиб қолдйкин?

Марпл хоним йўталди.

– У албатта катта кишиларнинг фикрини эшитган.

– Сиз... сиз бу билан нима демоқчисиз, бошқалар ҳам шундай фикрдами?

– Сэйнт Мери Миднинг ярим аҳолиси.

– Бироқ, азизам, бундай фикр қаердан пайдо бўлиши мумкин? Ахир мен рафиқамга қаттиқ боғланиб қолгандим. Афсуски, у қишлоқда яшашни мен ўйлаганчалик хоҳламасди, барчасига тўлиқ розилик, бу – амалга ошмас комиллик-ку. Сизни ишонтириб айтаманки, уни йўқотгандан бери мен қаттиқ изтиробдаман.

– Эҳтимол. Нима бўлганда ҳам, мени кечирасизу, ўзингизни тутишингизда бу унчалик сезилмаяпти.

Шунда ўзининг жавоби билан жаноб Спэнлоу ошириб юборди:

– Азизам, кўп йиллар илгари хитой файласуфларидан бири ҳақида ўқишга тўғри келганди. Севимли хотини вафот этгач, у хотиржам кўчада бемалол,

---

<sup>1</sup> Бу ерда гап Холи Харвел Криппен (1862–1910) ҳақида, у хотинини заҳарлаганликда айбланиб, осиб ўлдирилган. Мазкур суд Англиядаги энг шов-шувли воқеалардан бири бўлган.

худди ҳеч гап бўлмагандек бонг уришда давом эта-  
верган, бу хитойликларнинг оддий вақт ўтказиши  
усули. Бу инсоннинг руҳий қуввати шаҳарликларда  
кучли таассурот қолдирган.

– Бироқ Сэйнт Мери Мид аҳолиси буни бутунлай  
бошқача қабул қиляпти, – эътироф этди Марпл хоним.  
– Хитой фалсафаси уларни мутлақо қизиқтирмайди.

– Аммо сиз тушуняпсиз-ку?

Марпл хоним бошини чайқади.

– Менинг тоғам ўзини тута билишдек ноёб хис-  
латга эга эди, – тушунтирди у. – Тоғамнинг шундай  
шиори бор эди: «Ҳеч қачон ўзингнинг ҳисларингга  
эрк берма». У ҳам гулларни севарди.

– Мен ўйлаётгандим, – қизиқиб хитоб қилди жаноб  
Спэнлоу. – Коттежнинг ғарбий қисмида ўсимликлар-  
дан шийпонча қуриш мумкин эди. Биласизми, атир-  
гулдан ёки печакгуллардан. Яна мен номланишини  
билмайдиган очиқ – оқ рангли гул бор.

– Мана, менда яна чиройли расми каталог бор,  
– деди Марпл хоним бошқача оҳангда гапириб, у  
ўзининг уч яшар невараси билан шу йўсинда сўзла-  
шарди. – Балки сиз уни қараб чиқарсиз, мен мар-  
казга боришим керак.

Каталогни ўрганишга шўнғиб кетган жаноб Спэн-  
лоуни боғда қолдириб, Марпл хоним ўз хонасига  
кўтарилди. Кўйлакни бир бўлак жигарранг қоғозга  
ўраб, шошилганича почта бўлими томон йўналди.  
Тикувчи Политт хоним худди шу хонада, почта идо-  
раси жойлашган уйнинг тепасида яшарди.

Аммо Марпл хоним юқорига кўтарилишга ошиқ-  
мади. Соат миллари икки яримни кўрсатарди. Бир  
дақиқадан кейин почта подъездида Матч Бэнхем  
(Матч Бэнхэм – ўйлаб чиқарилган жой)дан автобуси  
келиб тўхтади. Сэйнт Мери Мид учун бу кун воқеаси  
эди. Почта бўлими бошлиғи одатдагидек, ўзининг  
пакетлари ва жўнатмаларини қабул қилиб олишга

шошилди. Почта тижорат ишлари, яъни ширинлик-лар, арзон китоблар ва болалар ўйинчоқлари билан шуғулланарди.

Шунинг учун Марпл хоним почтада тўрт дақиқача бир ўзи қолди. Бошлиқ почтага қайтишга улгурмади ҳам. Марпл хоним юқорига кўтарилди ва унинг кўйлагини кулранг крепдан янада замонавий кўриниш учун қайта тикиш мумкинми-йўқлигини сўради. Политт хоним ёрдам беришга ваъда берди.

\* \* \*

Полиция бошлиғига уни Марпл хоним кўрмоқчи эканлигини айтишганида ҳайрон қолди. Ҳузурига кирган заҳотиёқ ундан узр сўради.

– Мени кечиринг, сизни безовта қилдим. Жуда банд эканлигингизни биламиз. Сиз менга доимо яхши муносабатда бўлгансиз, полковник Мелчэт. Шунинг учун мен инспектор Слэнкнинг эмас, айнан сизнинг ҳузурингизга келдим. Барчасидан олдин мен констебль Полк қандайдир нохуш ҳолатга тушишини хоҳлайман. Қатъий қилиб айтганда, у умуман ҳеч нарсага тегмаса яхши эди..

Полковник Мелчэт унга тушунмай қаради.

– Полк? – чақирди у. – Бу констебль Сэйнт Мери Миддан, мен сизни тўғри тушундимми? У яна нима қилиб қўйди?

– Биласизми, у игнақадоқни кўтариб олди. У эса унинг кителига қадалганди. Мен уни кўрганим заҳотиёқ, у буни Спэнлоу хоним уйидан олиб қўйган бўлса керак, деган ўй хаёлимдан ўтганди.

– Хўш, хўш... Айтинг-чи, нинақадоқ бу ерда қандай роль ўйнайди? У бу нинақадоқни ҳақиқатан ҳам Спэнлоу хонимнинг жасади ёнидан олган. У кеча келиб, буни Слэка айтган. Менимча, шундай қилишни сиз айтгансиз. Албатта, у ерда ҳеч нарсага тегмаслиги лозим эди, яна қайтараман, бу нинақадоқ нимани

ҳам англатарди? Бундай матоҳдан ҳар қандай аёл фойдаланади.

– Йўқ, худди мана шу ўринда сиз ноҳақсиз, жаноб полковник Мелчэт. Эркаклар нуқтаи назаридан бу нинақадоқ оддий бўлиши мумкин, бироқ ундай эмас. Ушбу нинақадоқ махсус бўлган, жуда ингичка, уни фақат қутичада сотиб олишади ва асосан тикувчиларда бўлади.

Мелчэт Марпл хоним нимага шама қилаётганини англаётгандек бўлиб унга тикилиб қолди. У эса бир неча марта бетоқат бўлиб бошини чайқади.

– Ҳа, албатта, менимча, ҳаммаси оддий. Унинг эгнида кимано бўлган, чунки янги кўйлагини кийиб кўрмоқчи бўлган. Политт хоним ўлчам ҳақида гапирётганида у олдинги хонага кирган, сўнгра у бўйин атрофига ўлчаш тасмасини айлантирган. Қилиниши лозим иш уни фақатгина қаттиқ тортиш қолган, холос. Ҳеч бир қийин жойи йўқ! Кейин Политт хоним уйдан чиққан, эшикни ёпиб, уни бошқача кўринишда тақиллата бошлаган, гўёки ҳозиргина келгандек. Аммо нинақадоқ унинг уйда бўлганлигидан гувоҳлик бермоқда.

– Спэнлоуга айнан Политт хонимнинг ўзи қўнғироқ қилганми?

– Ҳа. Икки-ю ўттизда почтадан автобус келган, деярли ҳеч ким бўлмайдиган пайтда.

– Лекин, азизам, нега Марпл хоним? – хитоб қилди полковник Мелчэт. – Худо ҳаққи, нима мақсадда? Ахир ҳеч бир жиноят сабабсиз содир этилмайди.

– Хўш, полковник Мелчэт, айтишларича, бу жиноятнинг сабабини ўтмишдан излаш лозим. Содир этилган воқеа менинг укаларим Антони ва Гордонни эслатапти. Антони нимани бажарса, унинг фойдасига ҳал бўларди, Гордонники эса аксинча: чопқир отлари шикастланарди, акциялари тушиб кетарди, мол-мулки сув-текинга сотиларди. Тушунишимча, ҳар иккала аёл ҳам шундай ишга аралашган.

– Аниқ нимага?

– Ўғирликка. Аллақачонги иш. Эшитишимча, бу зумрадлар жуда қимматбаҳо бўлган. Оқсоч ва хизматкор қиз. Қандай қилиб хизматкор ва боғбон турмуш қуриб, гул дўкони очишга шунча пул топганлари тушунарсиз. Жавоби шундай бўладики, бу ўғирлик улуши. У қаерда нима қилган бўлмасин, унга омад доимо ҳамроҳ бўлган. Айтишади-ку, пул пулни топади, деб. Бошқа аёл, оқсоч аёлга келсак, унга омад кулиб боқмаган. У оддий қишлоқ тикувчиси бўлиб қолган. Кейин улар яна учрашишган. Бари кўнгилдагидек кетаётган эди, токи улар ўртасида Тэд Жерар пайдо бўлмагунча.

Спэнлоу хонимни анчадан буён виждон азоби қийнаётганди, у тўлиғича кучли диний ҳиссиёт ҳукми остида қолган. Бу ёш йигит уни худди шунга: «гуноҳлардан халос бўлиш», «покланиш»га ундаган, ишонтириб айтаманки, у шуни қилиш арафасида бўлган. Бу эса мисс Политтни ҳеч қанақасига қониқтирмасди. Бу ерда унга фақат бир нарса: узоқ йиллар аввал содир этган шу ўғирлик учун қамоққа ўтириши кўринган. Шунинг учун у бу хавфни бартараф этишни ўйлаган. Сиз балки билмассиз, бу аёл жуда бадхулқ. Ишончим комилки, агар шу тартибли, бироқ бир оз содда жаноб Спэнлоуни осийса, бу аёл кипригини ҳам қоқмаган бўларди.

– Биз бажарамиз... э... барчасини текширамыз, сиз айтаётганларнинг барчасини текширамыз... қандайдир даражада ... – секин гапирди полковник Мелчэт. – Мен шуни айтмоқчиманки, ҳақиқатан ҳам Аберкромбида хизмат қилган ва Политт хоним – битта одамми ёки...

– Ўзингизни уринтиришингиз шарт эмас, – деди Марпл хоним. – У шундай аёлки, ҳақиқат билан деворга тақасангиз барчасини айтиб беради. Бунинг устига унинг ўраладиган тасмаси менда. Кеча мен

қўйлакни кийиб кўраётиб... билдирмай олгандим. У йўқолганини сезса, биладики, тасмаси полиция қўлида, у калтафаҳм аёл, дарров буни ўзига қарши жиддий далил, деб ўйлайди.

Марпл хоним полковникка гайрат бағишлайдиган тарзда кулиб қўйди.

– Ишонинг, безовта бўлишингизга ҳожат йўқ.

Бу сўзларни Марпл хоним, бир вақтлар полковникка севимли холаси кириш имтиҳонларидан йиқилмаслигини айтиб хавотирланмасликка ишонтирганидагидек оҳангда айтди.

Ва у имтиҳондан ўтди.

## ГРИНШОУ ҚАСРИ

Бутазор билан ўралган хиёбон бурилишида икки киши пайдо бўлди.

– Ниҳоят етиб келдик, – деди Реймонд Уэст. – Мана, Хорейс Биндлернинг ҳаяжони чексиз эди.

– О худо, – деди ҳаяжон билан. – Қандай мўъжиза! – аввалида унинг овози ҳаяжонли жаранглади. Кейин эса бирдан тушқун ҳолда янгради: – Ишониш қийин. Фаройиб. Ажойиб санъат асари.

– Сизга ёқишини билгандим, – деди хурсандчилигини яширолмай Реймонд Уэст.

– Ёқади деганингиз нимаси? Бўлмасам-чи! – деди Хорейс ҳовлиқиб сўз тополмасдан. У фотоаппарати филофини ечишга киришди. – Бу коллекциянинг дурдонаси бўлади, – деди у бахтиёр қиёфада. – Коллекция йиғишга қизиқаман. Ҳайратга соладиган бундай мўъжизани охирги бор Генуядаги Кампо-Сантода учратганман. Лекин буниси бўлакча. Дарвоқе, у қандай аталади?

– Билмадим, – елкасини қисди Реймонд.

– Бари бир, унинг биронта номи бўлиши керак-ку.

– Албатта, бўлиши керак. Фақат бу ерни ён атрофдаги одамлар «Ғалати Гриншоу» деб аташларини эшитганман.

– Гриншоу Уни қурган одамми?

– Ҳа, тахминан 1860–1870 йилларда. Жулдур кийинган бир болакайдан бундай машҳур киши етишиб чиққанлиги ҳақидаги қизиқарли ҳодиса. У нима учун бу уйни қурганлиги тўғрисида ҳар хил баҳс-мунозаралар бор: бировлар унинг бойлиги ошиб-тошиб кетгани учун шу ишга қўл урган дейишади, айримлар

эса сармоядорларни жалб этиш учун шундай қилган деди. Аксига олиб, у сармоядорларнинг эътиборига туша олмади. Охир-оқибат ишлари юришмай касодга учраган бўлса керак. «Ғалати Гриншоу» ҳам шунга ишорадир балки.

– Ана бўлди, – деди қониқиш билан Хорейс фотоаппаратини чиқиллатиб. – Менга қачон бўлмасин коллекциядаги 310 рақамлисини кўрсатишни эслатинг, бу Италия услубидаги бетакрор камин, – у уйга бир назар ташлади-да, қўшимча қилди. – Тасаввур қилолмаёпман, жаноб Гриншоунинг хаёлига бундай фикр қаердан келдидикин?

– Буни тушуниш қийинмас, – жавоб қилди Реймонд. – У Лаура қасрида бўлган. Мана бу миниатюраларга бир эътибор беринг-а. Кейин Шарққа саёҳат қилган. Ўз-ўзидан Тож Маҳал унда кучли таассурот қолдиргани шундай сезилиб турибди. Анави Мавритания деворлари ва Венеция саройига хос безаклар ҳам ёмон эмас.

– Қизиқ, у ўзининг барча гоёларини рўёбга чиқариш учун меъморни қаёқдан топдидикин?

Реймонд елка қисди.

– Бу унчалик қийин иш бўлмаса керак, – деди у.

– Бу ерда ишлаган меъмор, умрининг охиригача етадиган мўмайгина ҳақ олган. Бироқ унга ҳақ тўлайвериб бечора қария Гриншоу хонавайрон бўлган.

– Бошқа томондан ҳам томоша қилсак бўлади-ми? – деди Хорейс. – Бу билан хусусий мулкка даҳл қилмаймизми?

– Албатта шундай, – жавоб қилди Реймонд. – Лекин энди бунинг аҳамияти йўқ.

У уйнинг бурчагига етиб бурилди ва йўл бошлади, Хорейс унинг ортидан эргашди.

– Ҳозир бу уй кимга қарашли? Етимларга бошпа-нами? Ё меҳмонхонами? Ҳар ҳолда мактаб бўлмаса керак. Чунки болалар майдончаси кўринмайди. Уларнинг шовқини ҳам эшитилмайди.



– Бу уй ҳалиям Гриншоуники, – Реймонд сўз қотди. – Уйнинг ўзи касодга учраши билан у сақланиб қолди. Уни катта Гриншоунинг ўғли мерос қилиб олди. Бу одам ўтакетган зиқна бўлиб, шу атрофда яшаган. Умри давомида бир пенс ҳам сарфламаган. Ҳозир бу уйда унинг турмушга чиқмаган қизи туради. Қандайдир ғалати ва жумбоқли қариқиз.

Реймонд ана шуларни айта туриб, меҳмонга «Ғалати Гриншоу»ни кўрсатиш фикри калласига келганидан хурсанд бўлди. Адабиётчиларнинг барчаси шунақа: ўзларини табиат жинниси қилиб кўрсатишади-ю, шаҳарни тарк этишлари биланоқ зерикиб қолишади. Бугун эса Хорейс Биндлернинг машҳур коллекциясини тўлдириш учун «Ғалати Гриншоу»ни кўрсатишга кетаётганидан Реймонд Уэст мамнун эди.

Улар бинони айланиб ўтиб, қаровсиз қолган майсазорга чиқишди. Ўтлоқ ёнида тошлардан қилинган тепачалар, ажойиб боғ бор эди. У ерда энгашганча бир аёл ишлаётган эди.

Уларни кўрган аёл қўлида боғбонлар куракчасини қўймасдан ўрнидан турди. У нисбатан анча бўйдор эди. Оқ оралаган, таралмаган сочлари, елкасига тушган, бошидаги похолдан тўқилган шляпаси худди Италияда отларга кийгизиб қўйиладиган қалпоқчаларга ўхшаб кетарди. Унинг гулли чит кўйлаги тўпигигача тушарди. Аёлнинг юзларини шамол ялаган, губорли кўзларида қувлик аломати зоҳир эди.

– Қўққисдан бостириб келганимиз учун узр, мисс Гриншоу, – деди унга яқинлашаркан Реймонд Уэст. – Биласизми, менинг меҳмоним Хорейс Биндлер, – Хорейс шляпасини ечиб, эгилиб таъзим қилди. – Қадимги тарихга, яъни меъморий обидаларга жуда қизиқади. Реймонд Уэст ўзини худди ҳамма нарса унга мумкиндай, гўё машҳур ҳурматли одамдек оҳангда тутарди. Реймонд Уэст орқасига ҳашаматли қасрга бир қараб олди.

– Ростдан ҳам жуда ажойиб бино, – деди гурур билан, – уни бувам мен туғилмасимдан ҳам олдин қурган. Айтишларича, у маҳаллий аҳолини лол қолдиришни жуда-жуда истаган экан.

– Хоним, менимча бувингиз мақсадга эришган, – деди Хорейс Биндлер.

– Жаноб Биндлер – таниқли адабиётшунос қўшиб қўйди Реймонд Уэст.

Мисс Гриншоу адабиёт ихлосманди эмаслиги кўри-ниб турарди. У Реймонднинг сўзларини охиригача бепарво эшитди.

– Бу уйни бувамнинг даҳосига тикланган ёдгорлик деб ҳисоблайман, – деди мисс Гриншоу. – Уйни нега сотмаслигим ёки ижарага бермаслигим ҳақида жуда кўп одамлар келиб сўрашади. Квартирада нима қиламан. Уй меники бўлса, унда мен яшасам, – мисс Гриншоу ўз ўтмишини эслаб, жим бўлиб қолди. Сўнгра яна сўзлай бошлади: – Биз оилада уч киши эдик. Лаура узоқда ишлайдиган руҳоний ёрдамчисига турмушга чиқди. Отам руҳонийларга боқий дунё неъматлари ёт, деб уларга ҳеч қандай бойлик бермади. Лаура тўлғоқ пайтида оламдан ўтди. Бола ҳам ўлди. Нетти эса бир ефрейтор билан қочиб кетди. Отам уни ҳам меросдан маҳрум қилди. Унинг эри – Флетчер жудаям келишган бўлса-да ярамас одам эди. У билан кетиб, Неттининг бахти очилди деб ўйламайман. Шундоғам кўп яшамади. Улардан бир ўғил қолди, холос. Ҳозир айрим пайтлар ундан менга хат келиб туради. Шундай бўлса-да, у Гриншоулар авлодидан эмас. Мен – бу авлоднинг сўнгги вакилиман.

У букчайган елкасини кибр билан тўғрилаб, похол шляпасини чаққонгина тўғрилаб қўйди. Кескин бурилиб:

– Ҳа, миссис Крессуэлл, нима гап? – деди.

Уй томондан келган одам, айниқса ёнма-ён турганда мисс Гриншоуга сираям ўхшамасди. Миссис

Крессуэлнинг ҳафсала билан бўялган сочлари ажойиб турмакланганди. Гўё у катта тантанага тайёргарлик кўрган француз хонимларидек ясанган эди. Унинг эгнидаги қора кўйлак ипақдан тўқилгандек туюлса-да, аслида яқиндан қараганда, сатиннинг бир тури экани маълум бўларди. Унинг овози салобатли эшитиларди.

– Трески балиғидан олиб келишни Альфредга айтгандим, у боришни хоҳламади, – деди миссис Крессуэлл.

– Истамади дейсизми?

– Хоним, Альфред жуда димоғдор-да.

Кутилмаганда мисс Гриншоу лой бўлган икки бармоғини лабига яқинлаштириб қулоқни қоматга келтирар даражада ҳуштак чалди. Шундай қилиб, у Альфредни чақирди.

Ҳуштак овозидан боғ бурчагидан қўлида белкурак ушлаган ўспирин чиқиб келди. Унинг чеҳраси очиқ, мулойим эди. Яқинлашиб келиб, миссис Крессуэллга бошқача қараб қўйди.

– Мени чақирдингизми? – сўради у.

– Ҳа, Альфред. Нима гап ўзи? Нега балиқ олиб келишга бормадинг?

– Сиз айтсангиз бораман, мисс, – деди ийманиб Альфред. – Фақат буюрсангиз бўлгани.

– Ҳа, мен шунга хоҳайман. Кечга балиқ ейишни истайман.

– Хўп бўлади, мисс.

У миссис Крессуэллга ёвқараш қилди-ю нимадир деб тўнғиллади.

– Меҳмонларнинг келиши гўёки биз кутгандек бўлди, – деди миссис Гриншоу. – Шундай эмасми, миссис Крессуэлл?

Миссис Крессуэлл шошиб қолди:

– Кечирасиз, хоним.

– Негалигини ўзингиз биласиз, – деди бошини қи-мирлатиб мисс Гриншоу.

– Номига васиятнома ёзилаётган одамнинг унга аралашшига ҳаққи йўқ. Тўғрими? – деди у Реймонд Уэстга юзланиб.

– Тўғри, – тасдиқлади Реймонд.

– Мен қонунларни яхши тушунаман, сизлар ҳам бундан эмассизлар, деб ўйлайман.

У қўлидаги куракни саватга ташлади.

– Мен билан кутубхонага чиқиш сизларга малол келмайдими?

– Бундан жуда хурсанд бўлардик, – дадил жавоб берди Хорейс.

У олдинга қараб йўл бошлади. Улар француз услубидаги дераза олдидан узун сариқ-олтинранг меҳмонхонадан ўтиб, кенг даҳлизга чиқишди. Зинапоя орқали эса учинчи қаватдаги хонага кўтарилишди.

– Бувамнинг кутубхонаси, – деди у.

Хорейс эса теварак-атрофни роҳатланиб томоша қилди. Унинг фикрича, бу уй ғаройиб нарсалар билан тўлганди. Мебелларнинг ҳеч қутилмаган жойларида сфинксларнинг бошлари кўриниб қоларди. Худди тасаввурдагидек, мисдан ясалган улкан жуфтлик авлиё Павел Биби Марям сиймоси кўзга ташланади. Бундан ташқари, яна у ерда ниҳоятда катта, мисдан тайёрланган классик услубдаги соат бор эди.

– Ажойиб китобларни кўряпсизми? – деди мисс Гриншоу.

Реймонд алақачон китобларни варақлашга тушиб кетганди. Оддий қараганда, бу ерда бирорта ҳам қизиқарли ва ўқилмаган китоб йўқ, деган хулоса чиқариш мумкин эди. Китобларнинг барчаси дабдабали муқоваланган бўлиб, тўқсон йил илгариги боёнларнинг кутубхонасини эслатарди. Улар орасида алоҳида эски романлар ҳам учраб қоларди. Бироқ бу асарлар саҳифаларига умуман қўл теккизилмаган эди. Мисс Гриншоу кенг ёзув столининг ғаладонларини титкилаб, у ердан пергаментда ёзилган бир парча ҳужжатни топиб олди.

– Менинг васиятномам, – деди у. – Ахир кимгадир бу бойликни қолдириш керак-ку! Агар васиятнома қолдирмасам, буларнинг бари анови от жаллобининг ўғлига қолади. У Херри Флетчердек кўзга иссиқ кўринганди, аммо ундай бўлиб чиқмади. Мен унчалик тушунмадим, нега энди ҳамма нарса унга мерос бўлиб қолиши керак экан? Йўқ, меросни Крессуэллга ёзиб қолдираман. Қарорим қатъий.

– Сизнинг хўжалик юритувчингиз?

– Ҳа, унга ҳаммасини тушунтирдим. Бисотимдаги бор нарсамни унга васият қилиб қолдираману, аммо бир чақа ҳам тўламайман. Бу бўлғуси харажатларимни тежайди ва ҳамёнимни тўлдиради. Энди у ўзи хоҳлаган пайтида ҳисоб-китоб қилиб кета олмайди. Сиз жуда кўп фронтларда қатнашгансиз ва кўпгина таниқли инсонларни кўргансиз. Унинг отаси оқибатли, диёнатли қувур тузатувчи эди.

Мисс Гриншоу пергаментни ағдариб кўрди ва ручкани олиб, патни сиёҳга ботириб ўз исм-шарифини ёзди: Кэтрин Дороти Гриншоу.

– Ана кўрдингизми, мен қандай имзо чекдим, – деди у. – Энди барчангиз имзо чекишингиз шарт, шундагина у қонуний бўлади.

Гриншоу ручкани Реймонд Уэстга тутқазди. У бирдан қайрилиб, имзоси қатъий эканлигини сезиб, ўз имзосини чекди. Ундан бир кунда олти донадан хат ўқишни илтимос қилишди.

Хорейс унинг қўлидан ручкани олди ва ўз имзосини чекди.

– Марҳамат, тайёр, – деди мисс Гриншоу. У китоб жавонлари олдидан ўтиб тўхтади-ю, истар-истамас Реймонд ва Хорейсга бир қараб қўйди. Сўнгра китоб жавонини очиб, у ердан битта китобни олиб ичига керакли пергаментни қўйди.

– Менинг махфий жойим, – деди у.

У китобни қўяётганда Реймонд Уэст китобга кўз ташлаб, леги Одлининг махфий жойими, деди. Мисс Гриншоу эса заҳарханда қилиб қулди.

– Ўз даврида у жуда машҳур эди, – деди.

– Бироқ сизнинг асарларингиздай эмас.

У Реймондни дўстона қучиб, бурчакка олиб борди. Менинг китоб ёзишимни қаёқдан билдийкин дея Реймонд ҳайрон бўлди. Реймонд Уэстнинг ёзувчилигини ҳамма ҳам билавермасди. Аммо унинг машҳурлигига шубҳа йўқ. У ўз асарларида ҳаётнинг муҳим қирраларини тасвирлар, шунинг учун ҳам Реймонд ўсмирларни ўзига жалб қила бошлаганди.

– Ана шуларни суратга туширсангиз ажойиб иш бўларди, – деди ҳаяжонланиб Хорейс.

– Хоҳишингиз, – жавоб берди мисс Гриншоу. – У Париждаги кўргазмалардан сотиб олинганга ўхшайди-ку?

– Балки шундайдир, – деди-ю, Хорейс уларни суратга тушира бошлади.

– Бувам вафот этганидан буён бу уйга ҳеч ким кирмаган, – деди мисс Гриншоу. – Мана бу ёзув столи эса унинг қундаликлари билан тўла. Жуда қизиқ бўлса керак? Уларни мен ҳам ўқимаганман. Чунки кўзим яхши кўрмайди. Уни нашриётга топширишдан олдин синчиклаб таҳрир қилиш керак.

– Сиз бу ишни кимгадир топшира оласизми, – деди Реймонд Уэст.

– Тўғри айтдингиз, мен ҳам шу фикрдаман, – Реймонд Уэст соатига қаради.

– Энди бизга рухсат берсангиз, кетайлик.

– Сиз билан учрашганимдан гоятда хурсандман, – дея миннатдорчилик билдирди мисс Гриншоу. – Бу ёққа келаётганингизни кўриб қандай полициячи экан, деб ўйловдим.

– Нега энди айнан полициячи? – қизиқиб савол берди Хорейс.

– Соат нечалигини билмоқчи бўлсангиз, полициячидан сўранг, у сизга аниқ жавоб беради, – деди мисс Гриншоу. Бу қутилмаган жавоб эса Хорейсни кулишга мажбур қилди.

Хорейс уйига кетаётиб: «Бугун қандай ажойиб кун бўлди», – деди.

Бу уйда тирик жондан бўлак ҳамма нарса бор. Кутубхонада истаган китобларингиз – қадимий саргузашт романлар дейсизми, жуда қўп хоҳлаган асарларингиз мавжуд. Ким бундай бой кутубхонаси бўлишни хоҳламайди?!

– Агар сизни қотиллик мавзуси қизиқтирса, – деди Реймонд, – Жейн хола билан бир суҳбатлашсангиз бўларкан.

– Жейн холангиз биланми? Сиз мисс Марпл ҳақида гапиряпсизми? – Хорейс бир оз саросимага тушди.

Кеча танишганида бутунлай бошқача эди. Бугун эса эски урфда чиройли кийинган хоним аллақачон ўз киёфасини йўқотган. У қотиллик тўғрисида бирор нарсани эслай олмайди.

– Ҳа, албатта, – деди Реймонд, – қотиллик бу яхши эмас.

– Вой, худо! Қандай қизиқарли-а! Сиз нималарни назарда тутяпсиз?

– Мен шуни айтмоқчиманки, – деди Реймонд, – кимдир қотиллик содир этади, айримлар эса унга ўзи бехосдан сабабчиси бўлади.

– Нималар деяпсиз? Ҳазиллашяпсизми?

– Ҳеч ҳам ундай қилганим йўқ. Сизни Скотланд-Ярднинг собиқ раҳбари, бир неча бош констеблларга ва жиной-тергов бўлими инспекторига жўнатишим мумкин.

Хорейс бундан хурсанд бўлиб, мен ҳозир қизиқарли воқеаларни билиб келаман, деб чиқиб кетди. Ошхонада эса Жоаной Уэт, Реймонднинг хотини, Луиза Оксли, унинг жияни ва кекса мисс Марпл йўқолган нарсалар

ҳақида фикрлашишаётган эди. Мисс Гриншоу сўзлашганларга унутилган жойларни эслатиб турди.

– Нима бўлганда ҳам даҳшатли ҳодисалар рўй берган, – деди Хорейс. – Энди хўжалик юритувчи аёлга қийин бўлади. У маргимушни чойнакка солиб ичаверсин. Хўжайини унинг номига васиятнома ёзганини ҳар ким ҳам билавермайди.

– Жейн хола, сиз айтинг-чи, бу ерда қотиллик содир этилганми, йўқми, – деди? – Сиз нима деб ўйлайсиз?

– Туфлиси боғичини боғлай туриб қовоғини уйган Реймонд, сизга бундай ишларда ҳазил қилиш ярашмас экан, деди. Маргимушни топиш қийин эмас, у саройда тўлиб ётибди.

– Ҳа, тўғри, – майин сўзлади Жоанна Уэст.

– У мерос қолдириб жуда ажойиб иш қилган, – деди Реймонд. – Бечора кампир мана бу ҳайбатли уйдан бошқа нимани ҳам қолдиради? Уй кимга ҳам керак.

– Балки у киночиларга ёки бирор бир ташкилотга керак бўлиб қолар, – деди Хорейс.

– Агар улар буни текинга олишмаса, – гапни бўлди Реймонд.

Мисс Марпл бошини чайқади.

– Реймонд иккаламиз бу масалада келишолмас эканмиз. Мен айтмоқчи бўлганим маблағ билан боғлиқ. Бувамга худо бойлик бергану, ўзи уни уддалай олмаган. У зарар кўриши ҳам мумкин эди-ку! Бироқ бир амаллаб бойлик тўплаган. Агар шундай қилмаганида ўғлига ҳеч нарса йиғолмасди-да. Ўғли ҳам отасининг худди ўзи. Бир чақа учун жонини берадиган ўта хасис одам. Менимча, у бутун умрини бойлик тўплаш билан ўтказган. Мисс Гриншоу ҳам уларнинг бир тури. Пул сарфлашни ёмон кўради. Унинг яширган мўмайгина даромади бор.

– Мен Луиза ҳақида ҳам шундай фикрдаман, – деди Жоана Уэст.

Улар печка ёнида жимгина ўтирган Луизага қарашди.



Жоана Уэстнинг жияни Луиза яқинда турмушга чиққанди. Унинг икки нафар фарзанди бўлиб, мўмайгина маблағи ҳам бор экан. Энди гап ўша қўлга киритилган маблағни сақлашда экан.

– Мен ана шуни назарда тутаяпман, – сўзини давом эттирди Жоана. – Агар мисс Гриншоу ҳақиқатан ҳам кимнингдир кундалигини олиб, уни китоб қилиб чоп этишни хоҳласа.

– Бу ҳали хом хаёл, – деди Реймонд.

Луиза, бу ишни қойиллатиб бажариш қўлимдан келади, деб секин сўзлади. Ўйлайманки, бу иш менга ёқади, қўшимча қилди у.

– Унга ёздираман, – деб ўрнидан турди Реймонд.

– Қизиқ, бу кекса полициячи хоним нима демоқчи ўзи?

– Ҳа, бу шунчаки ҳазил.

Мисс Марпл бошини сарак-сарак қилиб, бу менга жаноб Нэйсмитни эслатади, деди.

– Ким у жаноб Нэйсмит? – қизиқиб сўради Реймонд.

Мисс Марпл, у асаричилик билан шуғулланади, деб жавоб берди. У якшанба кунги газетада ажойиб классик шеър эълон қилдирди. У одамларни чалғитишни яхши кўради. Баъзи пайтлар бу унга омад ҳам келтиради.

Даврада ўтирганлар жаноб Нэйсмит ҳақида фикр юритишди-да, кейин жим бўлиб қолишди. Баҳс тугагунча, кекса Жейн хола ўзини йўқотиб қўйди... Хорейс Бандлер ўз коллекциясига ҳеч қандай янгилик киритолмасдан Лондонга қайтиб кетди. Реймонд Уэст эса мисс Гриншоуга хат ёзиб, мисс Луиза Окслига ишонч билдирганини эсдаликлар устидан иш олиб боришга қодир эканлигини билдирди. Бир неча кундан сўнг мактабга жавоб хати келди. Мисс Гриншоу мисс Окслининг унинг олдига келиб, у билан учрашишини айтибди. Луиза таклифномани қабул қилиб, у билан учрашиб, ишни бошлаб юборди.

– Сиздан беҳад миннатдорман, – деди у Реймондга. – Менга жудаям яхши бўлди. Болаларни мактабга элтаман, кейин эса «Ғалати Гриншоу»га бораман. Қайтишда эса болакайларни уйга олиб қайтаман. Ишларимнинг бундай тез юришиб кетганини ақлим бовар қилмайди. Ҳалиги кампирни худди тушимда кўргандайман. Уни яна бир кўришим керак-да.

Кеча ишдан уйга қайтаётганимда у илк бор кун қандай ўтганини сўради.

– Хўжаликни юритувчи аёлни бирров кўрдим, холос, – деди илтифот билан Луиза. – Соат ўн икки яримда қўлида чашкали қаҳва ва бир бўлак торт кўтариб ноз ила олдимга кирди-да, лом-мим демай чиқиб кетди. Унга мени ёмонлашгани ёқмаяпти шекилли? – У сўзини давом эттириб, – менимча боғбон Альфред билан улар ўртасида адоват борга ўхшайди, – деди. – У иш ёқмас маҳаллий болалар билан гаплашмас экан. Мисс Гриншоу шундай деди. Мен эсимни таниганимдан бери боғбон ва уй хизматкори ўртасида низо бор. Бувам пайтида ҳам аҳвол шу эди. Унда боғда уч киши ва бир бола – уйда эса саккиз оқсоч хизмат қиларди. Улар орасида доимо келишмовчиликлар бўлиб турарди. Эртаси куни Луиза жуда хурсанд ҳолда уйга қайтди.

– Эшитяпсизми, мендан жиянимга кўнғироқ қилишни сўрашди.

– Жиянингиз мисс Гриншоугами?

– Ҳа, у актриса. Ёз мавсумида Борхэм-он Сида ўтказиладиган труппада ўйнайди. Театрга кўнғироқ қилиб, эртага тушда боришимни айтиб қўйишларини илтимос қилдим. Қизиқ-да, тўғрими? Кампир бу ҳақда хўжалик юритувчи билишини хоҳламайди. Мисс Крессуэл унинг жаҳдини чиқариш учун бирон бир гап айтганга ўхшайди.

– Эртага энг зўр серияларидан бири бўлади, – дея тўнғилади Реймонд.

– Ростданам кўп серияли фильмми? Жиянимни мурасага келтириш ва қон тўқилмаслиги учун васиятнома қайта ёзилади. Жейн хола сиз жудаям жиддийлашиб кетибсиз.

– Шунақами? Сен, азизим, полиция ҳақида бошқа ҳеч нарса эшитмадингми?

Луиза ўзини ноқулай сезди.

– Полиция ҳақида ҳеч нарса билмайман.

– Азизим деб мурожаат қилиш, бу – унинг огоҳлантириши, – деди мисс Марпл. – Аммо нимадир бўлиши керак эди.

Эртаси куни Луиза ишга аъло кайфиятда келди. У ўз хонасига фақат байрамлардагина очиладиган эшикдан кириб борди. Уйнинг эшик ва деразалари доимо очиқ турарди. Бундан фақат мисс Гриншоугна хабардор эди. У эшикбузар ўғрилардан кўрқмасди. Чунки уйда бир неча тонна ҳар хил ўтмас матоҳдан бошқа ҳеч вақо йўқ.

Йўлакда унга Альфред тўқнаш келди. Луиза кўрганда у тамаки чекиб ўтирарди. Луиза яқинлашиши билан зарда қилиб супургини олдию ердаги хазонларни супура бошлади. Болакай бекорчи бўлса-да, бироқ анча одобли эди. Унинг юз тузилиши кимнидир эслатди. У зал орқали ўз хонасига ўтди. Кейин эса зинапоялардан юриб кутубхонага борди. У Натаниелнинг ҳурмат тахтасидаги тошга ишланган чиройли катта портретига қаради. У ҳашаматли креслода ёнлама ястаниб ўтирар, қўлларида эса тилла соат занжири кўзга ташланиб турарди.

Луиза портретга бошдан-оёқ разм соларкан, миясига, унча ёмонмас экан-ку, деган фикр келди. У Альфредга бир оз ўхшаб кетаркан...

У учинчи қаватдаги кутубхонага чиқиб, эшикни ёпди ва ёзув машинкаси ёпқичини олиб ташлади. Хона бурчагидаги ёзув столдан кундалик дафтарни олди. Луиза кўз қири билан дераза ойнасидан пастга

қараб, тўқ-қизил кўйлак кийган мисс Гриншоуни кўрди. У гулзордаги гулларнинг бегона ўтларини юлиш билан овора эди.

Икки кун тинмай ёққан ёмғир гулларни ўтлардан тозалашга имкон бермади.

Луиза шаҳарлик қиз эмасми, ўзи ҳақида ўйлай бошлади. Унинг қачондир ўз боғи бўладими? Дарахтларни парваришлаш осон эмас. Бунинг учун кўп меҳнат қилиш керак. Луиза шуларни ўйлади-ю, яна ўз ишига шўнғиб кетди.

Мисс Крессуэлл ўн икки яримда кутубхонага патнисда қаҳва кўтариб кирди. Бир қарашда у нохуш хабарни айтмоқчидек эди-ю, аммо айтмади. У қўлидаги патнис билан столга урилди ва хуш кайфиятда шундай деди:

– Тушликка меҳмон чақирилган, бироқ уйда ҳеч вақо йўқ. Нима қилишим керак, шуни билмоқчи эдим. Альфред хижолатдан ерга кириб кетгудек бўлди.

– Мен бу томонга келаётганда, у йўлакларни супураётганди, – деди Луиза.

– Сиз тўғри гапиряписизми, унда мукофотга лойиқсиз. Мисс Крессуэлл хонадан чиқиб, эшикни ёпди. Луиза ўзича кулимсираб қўйди. У нимани ўйлаётгани номаълум, бироқ уни жияни қизиқтираётган бўлса, эҳтимол.

Луиза қаҳва ичиб, ўз иши билан машғул бўлди. Вақт эса ўтиб борарди. Натаниел Гриншоу талвасага тушмай, очиқчасига кундалик тутарди. Қўшни шаҳарлик официант ҳақида мароқ билан ёзилган жойни қайта ёза туриб, Луиза, бу жой ҳали жиддий таҳрирга муҳтож экан, деб ўйланиб қолди.

Унинг бу ширин хаёлларини боғ томондан қўққисдан келган нохуш овоз бўлиб юборди. Луиза сесканиб кетиб, сакраб ўрнидан турди ва дераза томонга қаради. Мисс Гриншоуни боғ томондан шошимай

одимлаб келаётганини кўрди. У қўлини кўкрагига босиб олган, бармоқлари орасидан ручканинг учи чиқиб турарди. Шу алфозда ҳушидан кетиб қолди. Ўзи келгач эса қўлида ручкаси борлигини сизди. Бошидагиғижимланган шляпаси сирғалиб кўкрагига тушди. У Луизага илтижо қилиб шундай деди:

– Отди... у мени отди... найзада... ёрдам беринглар!

Луиза эшикни очмоқчи бўлиб тутқични бураганди, эшик очилмади. У эшикни очишга қанчалик ҳаракат қилмасин, бефойда эди. Шундан кейин қулфланиб қолганига амин бўлди.

Луиза югуриб дераза олдига борди ва бақира бошлади.

– Мен бу ерданман, қулфланиб қолганман.

Мисс Гриншоу Луизага тескари ўтирилиб, қўшни хоадаги хўжалик юритувчи аёлга шундай деди:

– Полицияга қўнғироқ қилинг... Телефон...

Мисс Гриншоу маст кишидек у ёқ бу ёққа чайқала бошлади. Кейин эса бирданига ғойиб бўлди. Биринчи қаватдаги меҳмонхонага қандай қилиб йиқилиб тушганини ақл бовар қилмайди. Бир оздан сўнг Луизанинг уйдаги чинни идишларни синдираётган овози эшитилди. Бир зумдан кейин эса жимиб қолди. Ўтириб ўзича ўйлай кетди. Мисс Гриншоу уйда ёлғиз ўзи зерикиб боши айланган ва чой ичиладиган стол устидаги идишларга қоқилиб тушган.

Луиза кутубхонани бошига кўтариб ёрдамга чақира бошлади. Деразадан тушишнинг сира иложи йўқ эди.

Ниҳоят у эшикни уришдан тўхтаб, дераза олдига келди. Шу пайт қўшни хонадаги деразадан хўжалик юритувчи аёл бошини чиқарди.

– Мени қутқаринг, мисс Оксли, қулфланиб қолганман.

– Мен ҳам.

– Вой худо, бу қандай даҳшат. Мен полицияга қўнғироқ қилдим. Мисс Оксли бу ердаги телефон-

лар бир-бирига уланган, ҳеч фойдаси йўқ. Бизни ким қулфлади? Эшикни кимдир қулфлаганини мен эшитганим йўқ. Сиз-чи?

– Мен ҳам беҳабарман. Худо-ей, энди нима қиламиз? Балки Альфред бизга ёрдам берар, – Луиза бор овози билан Альфред, Альфред, дея бақирди.

– Ҳозир биринчи навбатда овқатланиб олиш керак. Соат неча бўлди?

Луиза соатига қаради.

– Ўн иккидан йигирма беш дақиқа ўтди.

– Жиноятчи қочиб кетиши мумкин. Тезроқ ҳаракат қилиш керак.

– Сиз шундай ўйлайсизми?.. Сиз шундай ўйлайсизми?..

Луиза: «Сиз ўйлайсизки, у ўлганми?» – деб сўрамоқчи бўлди. Бироқ айтмоқчи бўлган гапи эшитилмади.

Кутишдан ўзга чора йўқ. У дераза тоқчасига чиқиб ўтирди. Бу кутиш унга жуда узоқдек туюлди. Уй муюлишида беўхшов темир қалпоқ кийган полиция констеблининг гавдаси кўринди. Луиза деразадан кўриниш берди. Буни полициячи пайқади-ю, юзини кафти билан қуёшдан беркитиб бақириб юборди:

– Бу ерда нима бўляпти ўзи? – қатъий сўради у! Луиза ва миссис Крессуэллар бу уйда рўй берган воқеалар хусусида тушунтиришга шошилишарди.

Констебль ручка ва ёзув дафтарини олиб ёза бошлади.

– Леди, сиз иккинчи қаватга чиқиб қулфланиб қолибсиз! Исмнингиз нима эди, хоним?

– Бизни кимдир қулфлаб қўйди. Тезроқ юқорига чиқингда, бизни қутқаринг!

Констебль эса жаҳл билан, шошилманг, деди-ю, биринчи қаватдаги деразадан уй ичига кириб ғойиб бўлди.

Вақт жуда секин ўтарди. Бир соатдан кейин машиналарнинг овози эшитилди. Дақиқалар ичида

полиция сержанти аввал миссис Крессуэллни, сўнгра Луизани озод қилди.

– Ҳой, мисс Гриншоу? – Луизанинг овози бўғилди.  
– Унга нима бўлди?

Сержант томоғини қириб қўйди.

– Хоним, қайғули бўлса ҳам сизга айтиб қўйишим керак. Мисс Гриншоу вафот этди.

– Уни кимдир ўлдириб кетибди, – деди миссис Крессуэлл. Яъни қотиллик содир этилган.

Сержант ўзича тахмин қила бошлади.

– Балки бу бахтсиз ҳодисадир ёки кимдир отган-микин?

Машинанинг овози эшитилди.

Сержант, ҳойнаҳой бирорта каттароқ офицер келган бўлса керак деди-да, пастга тушиб кетди.

Шундан сўнг Луиза ва миссис Крессуэлл зинапоядан пастга тушишди. Эшиқдан нотаниш ёш йигит кириб келди ва талмовсираб ўзини Луизанинг яқин танишидек кўрсатиб, овозини Гриншоуга ўхшатиб, «кечирасизлар, бу ерда мисс Гриншоу яшайдими?» – деб сўради.

– Марҳамат қилиб фамилиянгизни айтсангиз, – деди унга яқинроқ бориб, сержант.

– Флетчер, – деди ёш йигит. – Аниқроғи, Нет Флетчер, мисс Гриншоунинг жияни.

– Сизни тушундим, жаноб, энди нима бўлди? Сизга қийин бўлди-да!

– Нима бўпти? – сўради Нэт Флетчер.

– Бахтсиз ҳодиса рўй берган. Холангизнинг кўкрагидан ўқ тегибди. Холангизни ўлдириб кетишибди, ана нима бўпти. Тушундингизми?

Инспектор Уэлч столга яқин ўтириб хонадаги тўрт кишини кузата бошлади. У миссис Луиза Оксли кўрсатмасини яна бир бор тасдиқлаш учун Уэст олдига борди.

– Отди, у мени отди, деб ёрдам сўраганига аниқ ишонасизми?

Луиза елкасини қисди.

– Соат неча эди?

– Соатга орадан бир оз вақт ўтгач қарадим. Ўн иккидан йигирма беш дақиқа ўтганди...

– Соатингиз тўғри юрадимиз?

– Ўша заҳотиёқ девордаги соатга ҳам қарагандим.

Луизанинг бу сўзлари шубҳага ўрин қолдирмади.

Реймонд Хорейс Биндлер билан тушдан сўнг «Ғалати Гриншоу»да бўлган воқеаларни қисқача сўзлаб берди.

– Сизнинг бу кўрсатмангиз масалани ҳал қилиши мумкин, – деди Уэлч. – Мисс Гриншоу васиятнома-ни миссис Крессулл фойдасига ҳал бўлишини сизга аниқ айтган, шундай эмасми? Худди шундай, агар борди-ю, у вафот этса, унинг хўжалик юритувчиси фойданинг маълум қисмини мисс Крессуэллга бер-маслиги ҳам мумкин.

– У менга худди шундай деди.

– Миссис Крессуэллнинг бу воқеалардан хабари борми? Сиз нима деб ўйлайсиз?

– Ҳа, албатта, у билади. Миссис Гриншоуга нотариал идораси ходими васиятни гувоҳсиз қолдириш мумкин эмаслигини айтди. Миссис Крессуэлл гап нима ҳақида бораётганини жуда яхши биларди Биз у билан ҳамма-сини келишиб қўйганмиз, – деди мисс Гриншоу.

– Бу эса миссис Крессуэлл учун ҳам жуда қизиқ эди. Бунинг учун унда асос бор эди. Агар шундай бўлмаганида, у энг олдинги гумондорлардан бири ҳисобланади. Ёки у ўз уйида қамалиб қолмаганда ҳам уни эркак киши отган.

– Унинг ўз хонасида қамалиб қолгани аниқмикин?

– Ҳа, бўлмасам-чи? Уни сержант Кейли қутқарди. Эшикларда катта эски қулф солинган бўлиб, калит оғзида қолдирилганди. Албатта, уни ичкаридан қан-дайдир йўллар билан қулфлаш мумкин эди. Ишонч билан шуни айтиш мумкинки, миссис Крессуэлл уйда қамалиб қолган ва у хонадан чиқиб кетолмаган. Бун-дан ташқари, уйда на камон, на ўқ бор эди. Қизиқ,



мисс Гриншоуни қандай отишганикин, деразада ҳам бирон бир тирқиш йўқ?

У бир оз жим турди-да, сўнг сўзида давом этди:

– Айтинг-чи, сизнингча, мисс Гриншоу бу хусусда бирор ҳийла ишлатиши мумкинми?

Мисс Марпл ўтирган жойида узоқ хаёлга чўмиб қолди.

– Демак, васиятнома миссис Крессуэлл фойдасига ҳал бўлмаган экан-да, – деди у.

Инспектор Уэлч бошини кўтариб, унга ажабланиб қаради.

– Хоним, у пухта режа асосида амалга оширилган иш, – деди у. – Ҳақиқатан ҳам миссис Крессуэлл васиятномада меросхўр сифатида тилга олинмаган.

– Мисс Марпл жаноб Нэйсмитга ўхшаб бошини қимирлатди.

– Мисс Гриншоу унга бутун бойлигини қолдирмоқчи экан. У бунга ўзига тўла ишонган. Нима учун «Леდი Одалинг сири»да васиятномани яшириб хурсанд бўлганини мана энди тушундик.

– Яхшиямки миссис Оксли васиятномани қаердалигини айтиб берди, – деди инспектор. – Бўлмаса биз анча овора бўлардик.

– Викториядаги кулгили воқеаларга ўхшайди, – деди Реймонд Уэст.

– У, энг аввало, ўз жиянига маблағ қолдириши керак эди, – деди Луиза.

Инспектор бошини чайқаб, – йўқ, бундай эмас, деди. – У барча пуллариини Нэт Флетчерга қолдирган. Гарчи, мен бу ерга энди келган бўлсам-да, у ҳақдаги шов-шувлар менгача етиб келди. Мисс Гриншоунинг синглиси билан илгаридан муносабати яхши эмас экан. Шу боис инспектор айтганидек, маблағни ёш ва чиройли синглисига қолдирган. Йўқ, у ўз пуллариини жиянига ҳам қолдирмаган... – деди инспектор. – Барча маблағни Альфредга мерос қилиб қолдирган.

– Боғбон Альфредгами? – ҳайрон бўлиб сўради Жоанна.

– Ҳа миссис Уэст, Альфред Поллакка.

– Нега энди? – дея Луиза ҳаяжонланди. Мисс Марпл йўталиб тез гапирди:

– Менимча, балки мен адашаётгандирман, бу ерда бир сир борга ўхшайди. Бу ҳам бўлса оилавий можаро бўлса керак.

– Эҳтимол шундайдир, – деди инспектор. – Қишлоқда барчага таниш Томас Поллок Альфреднинг бобокалони кекса жаноб Гриншоунинг никоҳсиз туғилган фарзанди эди.

Бу гапни Луиза ҳаяжонланиб тасдиқлади. У Альфредни четлаб туриб уйга кирди ва кекса Гриншоунинг қиёфасини кўрди.

– Менимча, – деди мисс Марпл, – Альфред Поллок бу уй билан фахрланади деб ўйлаган. Ҳатто, агар хоҳласа бу хонадонда яшаши ёки сотиб юбориши мумкин эди. У актёр-ку, шундай эмасми? У ҳозир қайси пьесада роль ўйнапти?

«Кекса леди бир четга суриб қўйилган шекилли», – ўйлади инспектор Уэлч. Кейин у шундай деди:

– Менимча, жаноб, улар бу мавсумда Жеймс Бэрринг пьесасини қўйиши керак.

– Мисс Марпл, – ўзича ғудранди Бэрри.

– «Ҳа бу аёл нимани ҳам биларди», – инспектор шундай деб бирдан тутақиб кетди. – Пьесанинг номи шундай. Мен бунни ўзимча тўқиганим йўқ. Ўтган ҳафта хотини кўрган экан, – деб қўшиб қўйди инспектор.

– Бэрри жуда кўп ажойиб пьесаларни ёзди, – деди мисс Марпл. – Бэрриевлик эски дўстим генерал Истерли билан «Кичкина Мэри»ни кўргани борганимизда уятдан ерга кириб кетгудек бўлдик.

«Кичкина Мэри» пьесаси билан нотаниш бўлган инспектор ўзини йўқотиб қўйди.

Мисс Марпл ўзича изоҳ бера кетди:

– Менинг қизалоқлик пайтимда ҳеч ким «хайвон» сўзини ишлатмасди.

Мисс Марпл бир талай исмларни санади. Инспектор эса ўзини бутунлай йўқотиб қўйганди.

– У «Гўзал Кричтон», «Роуз Мэрри» каби пьесаларни ёзган. Жуда яхши эслайман. Мен бу асарларни кўрганимда қаттиқ ҳаяжонланганман, ҳатто кўзимдан ёш чиқиб кетган. «Кўча зодагонлари» пьесаси менга унчалик ёқмайди. Бироқ «Шумшук қизнинг бўсаси» пьесаси ниҳоятда яхши ёзилган.

Инспектор Уэлчнинг спектакллари кўришга тоқати йўқ эди.

– У гапни бошқа ёққа бурди, қизик, – деди. – Вазиятни унга қолдирганини Альфред Поллок билармикин? Унинг бундан хабари бор. Альфред Поллок Борхэмеда Лучниклар клубининг аъзоси. Бунинг устига у жуда яхши мерган ҳам.

– Ҳаммаси тушунарли, – деди Реймонд Уэст. – Эшиклар қандай қулфланганлигига энди тушундим. У бу икки аёл қайси хонадалигини билган.

Инспектор унга ачиниб қараб чуқур хўрсинди-да, шундай деди:

– Айбдорни аниқлаш керак.

Реймонд Уэст эса: – қуроли кишилар ҳар доим шубҳали туюлади, – деди.

– Эҳтимол шундайдир, жаноб, – деди инспектор Уэлч. – Сиз жуда ақлли одамдай фикрлайсиз.

– Мен детектив романларимда бундай кўрқинчли воқеаларни тасвирламайман, – деди Реймонд Уэст.

– Шуни айтиш керакки, алибилар шубҳали, – давом этди инспектор Уэлч, аммо, афсуски, фактлар исботланмай қолмоқда, – у жимиб қолди. – Бизнинг уч аслзодалардан шубҳамиз бор. Улар ўзлари сезмаган ҳолда жиноят содир этилган жойга бориб қолишган. Қандай шубҳа-гумонларга борилмасин, улар жиноят қилишмаган кўринади. Мен хўжалик юридувчининг жияни ҳақида айтгандим. Нэт Флетчер

мисс Гриншоу ўлдирилган пайтда бензин олаётган бўлган. Ундан кейин кўчани қандай кесиб ўтишни сўраган. Альфред Поллокдан бошқа ўн икки нафар одам ўн иккидан йигирма дақиқа ўтганда «Кучук ва ўрдаклар» кафесига бориб, одатдагидек нон, дудланган балиқ ва пиво ичишиб, роппа-роса бир соат ўтиришган. Буни улар онт ичиб айтишяпти.

– Эҳтимол, – деди инспектор Уэлч. – Агар гапингиз рост бўлса, у ўзини ҳимоя қила олди.

Бу гапдан сўнг ўртага узоқ жимлик чўкди. Реймонд бошини мисс Марпл томон бурди. У ўз курсида ястаниб олган, чуқур ўйга чўмганди.

– Жейн хола, энди барча умидимиз сиздан, – деди у.

– Мен қанчалик ҳақлигимни билолмадим, аммо бари ойнадай равшан эмаслигини англаяпман, – деди мисс Марпл. – Қотиллик, жаноб Реймонд, бу сизга ўйинчоқ эмас. Бечора мисс Гриншоу бу қадар бемалол ўлишини ҳеч қачон билмаган. Бу режа асосида шафқатсизларча содир этилган аянчли ўлим. Шу боис ҳам мазкур жинойт билан ҳазиллашиб бўлмайди.

– Кечиринг, – деди Реймонд. – Мен сиз ўйлаганчалик бағритош эмасман. Бу даҳшатли фожиани унутиш учун шундай қилишга тўғри келади.

– Менимча, бу жинойт замонавийга ўхшайди, – деди мисс Марпл. – Балки мен адашаётгандирман.

– Биз уни умуман билмас эканмиз, – деди Жоанна.

– Мана бу ҳақиқат, – деди мисс Марпл. – Хоним, сиз Жоаннани билмас экансиз. Тўғри, мен уни яхши билмайман. Реймондда билиш мумкин бўлган суҳбат ёзилган тасма сақланган. Луиза эса у билан икки кун илгари танишган.

– Жейн хола, тушунарли, – суҳбатга Реймонд аралашди. – Бу ҳақда сизнинг фикрингиз? Сиз эътироз билдирмайсизми, инспектор?

– Йўқ, – жилмайиб жавоб берди инспектор.

– Хўш, дўстим, кекса ледининг ўлиmidан манфаат топадиган уч инсон бор. Бу қотилликни ўшалардан

бироргаси содир этган. Хўжалик юритувчининг мисс Гриншоуни ўлдириши унчалик ишонарли эмас. Чунки унинг ўзи ҳам хонасида қулфланиб қолган. Бундан ташқари, хўжайиннинг айтишича, уни эркак киши отган. Боғбон ўша дамда «Кучук ва ўрдаклар» кафе-сида бўлган. Жияни эса бензин олишга кетганди.

– Шубҳасиз, хоним, ҳаммаси тўғри, – деди инспектор.

– Ушбу далилларга тўла ишониб бўлмаса-да, бу ишни бегона қилиши мумкин эмас.

– Инспектор худди ана шуни билмоқчи, – деди Реймонд Уэст.

– Биз уйдаги барча нарсаларни синчиклаб текшириб кўрдик, – деди ҳазин оҳангда мисс Марпл.

– Яхшиси гумондорларнинг хатти-ҳаракатлари ўрнини ўзгартириб кўрсак-чи? Шунда қандай ўзгариш бўларкин? Балки ана шундан кейин қотилни аниқлармиз?

– Сизнингча, қотиллик содир этилганида соатлар тўхтаб қолган шундайми? – деди Луиза.

– Йўқ, азизим, мен ундай демоқчи эмасман, – деди мисс Марпл. – Менимча, қотиллик сиз ўйлаган вақтда эмас, бошқа пайтда содир этилган.

– Мен буни кўрганман – деди, ҳаяжонланиб Луиза.

– Биласизми, азизим, менинг тахминимча сиз буни кўришингиз керак эди. Мен ҳар доим ўзимга худди шу саволни бераман. Шунинг учун ҳам бу ишни сизга топширишди.

– Сиз нимани назарда тутяпсиз, Жейн хола?

– Ҳа, азизим, менга ҳаммаси даҳшатли туюляпти.

Мисс Гриншоу чиқимни ёқтирмасди. Аммо у сизни бу жойга хизматга ёллашга тўла рози бўлади. Менимча, кутубхонанинг учинчи қаватига юзингизни деразага қаратиш олдиндан ўйлаб қўйилган. Чунки сиз бизнинг бошимизни қотираётган содир этилиши аниқ бўлган қотилликнинг ягона гувоҳи бўлишингиз лозим эди-да.

– Сиз мисс Гриншоуни ўлдириш олдиндан режалаштирилган деб ўйлайсизми, – деди ишонмайроқ Луиза.

– Азизим, сиз мисс Гриншоуни билмас экансиз. Реймонд бир неча кун илгари кўрганини айтяпти. Бизда шундан бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ. Бу гапда жон борга ўхшайди. Луиза ўзини гўлликка солди. Унинг эгнида гулли эски кўйлак, бошида похол шляпа, сочлари тўзфиган эди. Бу Реймонд берган маълумотларга мос келади. Кўряпсизми, бу икки аёл ёши, бўйи ва бошқа жиҳатлари билан бир-бирига жуда монанд. Мен хўжалик юритувчи ва мисс Гриншоуни айтяпман.

– Аммо хўжалик юритувчи семизроқ, озгина тўлишганроқ, – деди Луиза.

Мисс Марпл йўталиб қўйди.

– Бу фикрингиз унчалик тўғримас, мен уларни дўконда ўз кўзим билан кўргандим. Ҳозир эса ҳар ким ўз тасаввурича сўзлаяпти.

– Нимани назарда тутяпсиз? – сесканди Реймонд.

– Менинг хаёлимга шундай фикр келди. Иккита ролни битта актриса ўйнаши мумкин. Буни Луиза яхши билади. Дарвоқе, сиз Луиза хўжалик юритувчи эрталаб қаҳва келтирди, деб айтдингиз-ку? Актёрлар жуда эпчил бўлишади. Улар сониялар ичида кийимни алмаштириб саҳнада ролни ижро этаверишади.

– Жейн хола! Мисс Гриншоу сиз ишга келганда у вафот этганмиди?

– Йўқ, у ҳали тирик эди. Мен унга наркотик таъсир қилган бўлса керак деб ўйлагандим. Бундай найранглар хўжалик юритувчига ўхшаганларга ҳеч гап эмас. У сизлар билан бирга келиб, жиянига қўнғироқ қилади. Сўнгра белгилаб қўйилган тушликка таклиф этади. Ақли бор одам буни тушунади. Мисс Гриншоу ҳам, Альфред ҳам уйда йўқ эди. Агар яхши эсласангиз, сиз ишлаётган вақтда ёмғир ёғаётган эди. Мисс Гриншоу эса уйда эди. Альфред хўжалик юритувчи-

нинг дастидан бу уйга ҳеч ким кирмасди. Ўша куни эрталаб мисс Гриншоу боғда хиёбонни супураётганди. У менинг боғдаги ишларга қарашимни истарди.

– Сизнингча, мисс Гриншоуни Крессуэлл ўлдирганми?

– Менимча, бу воқеа бундай бўлган: хўжалик юри-тувчи сизга қаҳва келтирганида у ердан чиқиб, сизни кутубхонада қулфлаган ва меҳмонхонада беҳуш ётган мисс Гриншоуни уйдан ташқарига судраб олиб чиққан. Сўнгра мисс Гриншоуга ўхшаб кийиниб боққа чиққанида сиз уни кўргансиз. У қўлида ёйни ушлаб, гўёки ўзини бўғаётгандек қилиб кўрсатиб уйга қараб чопган. Одамлардан эса ёрдам сўраган. Хўжалик юри-тувчи аёлдан гумонсирашлари учун «у мени отди» деган. Аслида унинг ўзи бу ишни амалга оширган. Уйда хўжалик юри-тувчи аёл кўргандек, дераза олдида борган. Кейин меҳмонхона томон югурган. Идиш-товоқ турган стол устидан сакраб ўтиб, зинапоядан тушган. Тезда ясама соч кийиб, дақиқалар ичида деразадан сакраб уйга кириб олгану сизга ўзининг қулфланиб қолганини айтган.

– Ростдан ҳам у қулфланиб қолганди, – деди Луиза.

– Мана шундай қалтис вазиятларда полициянинг ўрни яққол сезилади.

– Қайси полициячи ҳақида гапиряпсиз?

– Сиз тўғрингизда. Воқеа содир бўлган жойга қачон ва қандай етиб келдингиз?

Инспекторнинг боши қотган эди.

– Мисс Гриншоунинг хўжалик юри-тувчисига соат ўн иккидан йигирма тўққиз дақиқа ўтганда мисс Крессуэлл эрини отишгани ҳақида қўнғироқ қилишди.

Мен ва сержант Кейли зудлик билан ўн иккию ўттиз бешда воқеа содир бўлган жойга етиб бордик. Шунда мисс Гриншоунинг ўлиб ётганини, икки хонимни эса ўз хонасида қулфлоғлик эканини кўрдик.

– Ана шундай гаплар, азизим, – мисс Марпл Луизага юзланди. – Сиз кўрган полициячи констебль

полицияда ишламас экан. Сиз шу ҳақда лоақал бирор маротаба ҳам эслаб кўрдингизми? Бизнинг қонун ҳимоячиларига ҳурматимиз баланд.

– Аммо гап қандай полициячини ҳурмат қилишда? «Қуёшни ўпиб» спектаклида полициячи ролини ўйнаш учун Нэт Флетчер костюми керак бўлади. У ушбу спектаклда роль ўйнаётганида бензин қуйиш шохобчасидан ўтиши лозим эди. У ўша ердан ўта туриб соат нечалигини сўрайди. Соат ўн иккидан йигирма тўққиз дақиқа ўтган бўлади. У полициячи кийимини кийиб олади-да, ўз «роли»ни ўйнай бошлайди.

– Наҳотки?

– Кимдир эшикни қулфлаши, кимдир эса найзасини мисс Гриншоу бўйнига тираб туриши, аммо уни отмаслиги лозим эди. Бунинг учун эса куч керак эди.

– Сизнингча, улар битта жойда бўлишганми?

– Ҳа, худди шундай. Она ва ўғил.

– Мисс Гриншоунинг онаси алақачон ўлган-ку!

– Шундайку-я, лекин бу борада ҳам менда шубҳа туғилган. Мисс Флетчер икки марта уйланган. Менимча, бу ишда унинг ҳам қўли бор. Яна шуни айтмоқчиманки, унинг ўғли вафот этган, жияни деб юргани унинг иккинчи хотинидан, у ҳеч қандай қариндош эмас. Бу аёл хўжалик юритувчи аёл ўрнини эгаллаб, барчасини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлади. Ҳатто ҳазиллашиб полициячи кийимида бўлиши ҳам мумкин, дейди. Эслайсизми, полициячи кутаётганини айтган эди? Ўйлашимча, мисс Гриншоу бу ёлғондан шубҳаланган ва уни қабул қилишдан бош тортган. У васиятнома қолдирмай вафот этган тақдирда ҳам меросхўр бўлиб қолаверарди. Билишимизча, у васиятномани хўжалик юритувчи аёлга қолдирган. Бу борада унинг омади чопган.

– Ўқ нега керак бўлдикин? – ўйланиб қолди Жюанна.

– Албатта, ўйнаш учун эмас, азизим! Альфреднинг омади юришмагани шундаки, у камончилар клубида



бўлган ва ўн иккидан йигирма дақиқа ўтганда ресторанда ўтирган. Шунинг учун уни айблашга тўғри келяпти. У ҳар доим белгилаган вақтидан олдин борарди. Ҳа, бу жуда хунук иш.

Инспектор томоғини қириб қўйди:

– Хоним, бундай тахминларингиз жуда ажабтовур. Мен ҳаммасини қайта текшириб чиқаман...

Мисс Марпл ва Реймонд Уэст боғдаги қиялик йўл ёқасида турли-туман ўсимликлар билан тўлдирилган сумкага қараб туришарди.

Мисс Марпл сўз бошлади:

– Танакор циста, қўнғироқча, тош майдалагич... Ҳа, менга бошқа ҳеч қандай кўрсаткичлар керакмас. Бу жойни кеча эрталаб кимдир ўтоқ қилди. Богбон бўлмагани учун гулларни томири билан узиб ташлаган. Энди ҳаммасини тушуняпман, адашяпман. Дўстим, Реймонд, мени бу ерга олиб келганинг учун раҳмат сенга. Ўзимнинг ҳам бу жойларни жуда-жуда кўргим келганди.

Ҳозир улар бошларини эгиб, «Ғалати Гриншоу»нинг чалкаш ва аянчли тақдиридан ғазабланиб, жаҳллари чиқиб турарди.

Қарама-қарши томондан йўтал овози келди ва улар бараварига қайрилиб қарашди. Қадди-қоматлари келишган ёш йигитлар ҳам ажойиб кошонага хайрат-ла боқиб туришарди.

– Ақлни шоширадиган, маҳобатли, гўзал, улкан кошона, – деди у. – Айтишларича, бу кошона ўз даврида энг улкан иншоот бўлган экан. Лотереяга катта ютуқ чиқса, шундай улкан қаср қураб эдим.

У уялинқираб кулди ва шамолда тўзғиган сочларини тўғрилаб қўйди.

– Энди, бу ҳақда гапирса бўлади. Ушбу иншоотни бобокалоним қурган, – деди Альфред Поллок. – Бу жойга «Ғалати Гриншоу» номи берилган бўлса-да, уй бари бир асл зодагонларга тегишли!

## БУЛБУЛ ОШЁНИ

– Хайр, азизим!

– Хайр, жонгинам!

Аликс Мартин кичкина, қўпол даричага суянганча, қишлоққа элтувчи сўқмоқ бўйлаб кетаётган эрининг ортидан қараб қолди.

Мана, эри бурилишда кўздан ғойиб бўлди, Аликс эса ўша алпозда турганича, анор ёноқларини ўпиб турган қўнғир сочларини хаёлчан тузата бошлади.

Унинг қароқларида теран тахайюл ва алланечук орзумандлик акс этарди.

Аликс Мартинни ўта гўзал ва латофатли атамоқ тўғри бўлмас, унинг ҳусн-таровати тилни ожиз қолдирадиган даражада эмасди. Бироқ ёшликнинг илк босқичини аллақачон босиб ўтган чехрасида бахт ва хотиржамлик балқиб турардики, унинг собиқ ҳамкасблари аввалги ишчан, тиниб-тинчимас, уддабурон, бир оз жиззаки, хаёлпарастликдан узоқ шаддод Аликс Кингни таниёлмаган бўлишарди.

У ўрта мактабни аранг битирди. Ўн саккиз ёшидан то ўттиз учга киргунича тирикчилик важдан стенография соҳасида ишлади. Ўтган ана шу ўн беш йилнинг сўнгги етти йили давомида онаси касалланиб қолди. Бемор боқишнинг эса ўзи бўлмайди. Яшаш учун шафқатсиз кураш ёшгина қизнинг юзларида сезилар-сезилмас излар қолдириб кетди.

Рост, бу орада унинг ҳаётига муҳаббат ҳам бир мўралаб ўтди. У бир пайтлар ўзи билан бирга ишлайдиган Дик Виндифордни севиб қолган эди. У нозик жинс вакили сифатида йигитга ёқишини ич-ичидан ҳис этар, буни сиртига чиқаргиси келмасди. Ўзи ҳам

унга бепарқ эмасди. Сиртдан улар фақатгина дўст эдилар, холос.

Дик ишлаб топган пулини тежаб-тергаб унинг бир қисмини укасининг ўқиши учун сарфларди. У пайтда уйланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганди.

Иттифоқо, қиз кундалик қора меҳнатдан халос топадиган бўлди. Узоқ бир қариндоши унга бир неча минг фунтга тенг бойлиги билан бирга ҳар йили тушиб турадиган икки юз фунтлик даромадни васият қилиб ёруғ дунёни тарк этди. Аликс учун бу нарса эркинлик, фаровон ва мустақил ҳаёт ваъда қиларди. Энди у Дик билан бемалол турмуш қурса бўларди.

Аммо Дик кутилганидек ҳаракат қилмади. У шу пайтгача ўз муҳаббатини Аликсга изҳор қилмаганди. Чамаси бу ҳақда энди ҳам оғиз очишга чоғи келмаётган эди. У энди қиздан ўзини олиб қочадиган алланечук одамовига айланган эди. Аликс бунинг боисини дарров тушунди. Йигитнинг ғурур ва истиғноси қизнинг қўлини сўрагани имкон бермаётган эди. Унинг бу сажъияси Аликсга ёқарди. У дастлабки қадамни ўзи ташлашга ҳам тайёр эди, аммо кутилмаганда рўй берган бир воқеа ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборди.

У дугонасининг уйида Жералд Мартин деган йигит билан танишиб қолди. Йигит уни жуда қаттиқ севиб қолди. Орадан бир ҳафта ўтмай уларнинг унаштириш маросими бўлди. Ўзини севилишга номуносиб қизлар тоифасидан деб билувчи Аликс кутилмаган бу янгиликдан ўзини йўқотиб қўйди. У бехос Дик Виндифорднинг ҳам ҳис-туйғуларини уйғотиб юборди. У қизнинг ёнига келиб, ғазабдан дудуқлана-дудуқлана қичқира кетди.

– У сенга етти ёт бегона-ку! Сен у ҳақида ҳеч нарса билмайсан.

– Мен шуни яхши биламанки, уни севаман.

– Қанақасига билишинг мумкин ахир. У билан танишганингга энди бир ҳафта бўлди-ку!

– Ҳаммаям муҳаббатини изҳор этиш учун ўн бир йилни ўтказиб юборавермайди, – деди Аликс асабийлашиб.

Йигит оқариб кетди.

– Мен сени биринчи учратган кунимдан бери яхши кўраман. Сен мени севсанг керак, деб ўйлардим.

– Мен ҳам шунақа деб ўйлаган эдим, – иқрор бўлди Аликс. – Энди ўйлаб қарасам, муҳаббат ҳақида кўп нарсани билмас эканман. Дик аввал ялинди, ёлворди, ҳатто дўқ-пўписа ҳам қилиб кўрди. Унинг ўрнини эгаллаб олган кимса билан ҳам таллашиб-тортишди. Ўшанда Аликс яхши биламан деб ўйлаган одамнинг ташқи сиполиги остида яшириниб келаётган туйғулар туғғени уни ҳайратда қолдирди.

Аликс қуёшли тонгда дарчага суянганича ўша суҳбатни ёдга олди. Унинг турмуш қурганига бир ой тўлган, ўзини беҳад бахтиёр ҳис этарди боёқиш. Фақат ҳозиргина жонидан ортиқ кўргани, эри уйдан чиқиб кетгач, у ўзини тушуниксиз безовталиқ комида ҳис этди. Бу ҳаловатсизлик боиси эса Дик Виндифорд эди.

У эрга текканидан бери уч марта айнан бир хил туш кўрди: эри ўлиб ётганмиш, унинг тепасида Дик тиржайиб турармиш. Жувон эрининг қотили у эканини аниқ билармиш. Энг даҳшатлиси, у эрининг ўлиmidан хурсанд эмиш. Миннатдорчилик юзасидан эрининг қотилини табриклармиш. Туш ҳамиша бир хил, Дик аёлни ўз оғушига олиши билан тугарди.

Телефоннинг қўққисдан жиринглаши билан аёлнинг хаёллари бўлинди. У уйга кириб гўшакни кўтарди.

– Нима дедингиз? Ким бу гапираётган?

– Аликс, овозингга нима қилди? Мен сени танимабман. Бу мен – Дикман.

– Қ... қаердан телефон қилипсан?

– «Сайёҳ туғроси» меҳмонхонасидан. Оти шунақа эди шекилли. Сен шунақа меҳмонхона ҳақида эшит-

ганмисан? Мен фақат дам олиш кунлари бу ерга балиқ овига келгандим. Бугун сизларникига борсам майлими?

– Йўқ, – деди Аликс қатъият билан. – Келмасанг яхши бўларди.

Жимлик чўкди. Дик яна тилга кирганида овози бошқачароқ чиқди:

– Илтимос, кечир мени, – деди совуқ оҳангда. – Энди сени умуман безовта қилмайман.

Аликс шошқич унинг гапини бўлди. Унинг бу муомаласи йигитга эриш туюлди чоғи. Чиндан ҳам ғалати гапириб қўйди-да. Шу боис аёлнинг асаблари чақнаб кетгандек бўлди.

– Мен фақат... айтмоқчийдимки... биз бугун банд бўламиз... – У ўз гапини янада табиийроқ кўрсатишга тиришди. – Яхшиси эртага кечки пайт кела қол.

Бироқ Дик унинг овозидаги носамимийликни дарҳол илғаб олди.

– Раҳмат, – деди бояги оҳангда. – Эртага бирор ёққа кетиб қолишим мумкин. Бу яқин танишимнинг эртага келиш-келмаслигига боғлиқ. Хайр, Аликс. – У шоша-пиша бошқача товушда қўшиб қўйди. – Бахтли бўл, азизим.

Аликс гўшакни жойига қўяркан, энгил тин олди. «У бу ерга келмаслиги керак. Бу ерга келмаслиги керак, – дея ичида бир неча марта такрорлади. – Нақадар аҳмоқман. Наҳот унинг келишини хоҳлаётган бўлсам? Йўқ, у келмаса мен хурсанд бўламан».

У стол устида турган оддийгина шляпасини бошига илиб, яна боққа чиқди ва уйга кираверишда илиб қўйилган лавҳага кўз ташлаб қўйди: «Булбул ошёни».

– Жуда ғалати ном эканми, – дея сўраган эди у тўйдан илгари Жералддан.

– Асалим, – дея эркалаган эди ўшанда эри. – Аминманки, сен шу пайтгача булбул хонишини эшитмагансан, мен эса бундан хурсандман. Булбуллар фақат

ошиқ қалблар учун куйлайдилар. Энди кечқурунлари биз булбул фиғонини сен билан бирга эшитамиз.

У эшик олдида тўхтаб булбул овозини эшитган ва бахтдан сархуш бўлган илк оқшомни ёдга олди.

«Булбул ошёни»ни топган ҳам Жералднинг ўзи эди. Бир гал у ҳовлиқиб келган ва ўзлари учун зарур бошпанани топганини, бунақа имконият ҳаётда бир марта берилиши мумкинлигини айтган эди. Уйни кўриб Аликс ҳам бунга амин бўлди. Рост, қоқ ялангликдаги уй билан бу орадаги энг яқин қишлоқ орасидаги ма-софа камида икки мил чиқар, бироқ эскича услубда тикланган уйда ваннахона, иссиқ ва совуқ сув, электр, телефон каби зарур қулайликлар бор эдики, Аликс буларга маҳлиё бўлиб бошқа турар-жой ҳақида ўйламай ҳам қолди. Бироқ орада битта муаммо чиқиб қолди – уйнинг эгаси уни ижарага бериш фикридан қайтиб қолди, фақат нақд пулга сотишини айтди.

Жералд Мартиннинг топиш-тутиши яхшигина бўлса-да, ўзининг асосий сармойасига қўл теккизишни истамади. Унинг қўлга нақд олиши мумкин бўлган сумма минг фунтни ташкил этарди. Уйни эса уч мингга баҳолашди. Аликс уйни жуда ёқтириб қолгани учун Жералдга кўмаклашмоқчи бўлди. У чек орқали ўзига тегишли пулни нисбатан осонроқ олиши мумкин эди. У ўз маблағининг тенг ярмини уйни сотиб олишга ажратди.

Хуллас, уй уларники бўлди, Аликс эса бундан сира ҳам афсусда эмасди. Тўғри, эрининг қайсарлиги, ўзбошимчалиги хизматкорларга ёқмади, уларнинг ҳаммаси бу уйдан кетиб қолишди. Уй ишларини анча соғиниб қолган Аликс эса жон-жон деб бу юмушларни ўз зиммасига олди. Боғдаги анвойи гулларни парваришлаш учун яқин орадаги қишлоқда яшовчи кекса бир боғбон ҳафтада икки марта келиб турарди.

Уй тарафга қараб келаётган Аликс гулларга қараб юрган боғбон чолни кўриб ажабланди. У асосан

душанба ва жума кунлари келарди, бугун эса – чоршанба.

– Жорж, бу ерда нима қиялпсиз? – сўради унга яқинлашиб.

Чол қаддини ростларкан, пихилаб кулди ва эски кепкасини тўғрилаб қўйди.

– Шуни сўрасангиз керак, деб ўтирувдим ўзим ҳам, бекам. Жума куни қудамиз зиёфат бермоқчи эди. Ўзимча, жаноб Мартин ва унинг муҳтарама рафиқаси бир гал жума ўрнига чоршанба куни бориб ишлаб берсам, қарши бўлмаслар, дедим.

– Албатта, – деди Аликс. – Ўзиям мириқиб кўнгила ёзсангиз керак?

– Бу аниқ, – деди чол соддалик билан. – Пулини тўламаслигиниги била туриб, тўйгунча еб-ичиш кимга ёқмайди? Айтганча, бекам, сиз кетиб қолгунингизча бошқа кўришмаслигимиз мумкин, менга бирор зарур топширигингиз бўлса, айтиб қўйинг, демоқчи эдим. Ҳали қачон кетишингиз маълум эмасми?

– Мен ҳеч қаерга кетмоқчи эмасман.

– Ие, ҳали эртага Лондонга жўнаб кетмайсизларми? – ажабланди Жорж.

– Йўқ, бу гапни қаердан топдингиз?

Жорж елка қисди:

– Мен кеча қишлоқда хўжайинни учратиб қолдим. У эртага сиз билан Лондонга учиб кетаётганини айтди. Қачон қайтишимиз номаълум, деди.

– Шунга шунчами, – кулди Аликс. – Сиз унинг гапини бошқачароқ тушунган бўлсангиз керак.

У аслида Жералд ҳақиқатан чолга нима дегани билан астойдил қизиқаётганди. Лондонга бориш? У шу пайтга қадар бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганди.

– Лондонни кўргани кўзим йўқ, – унинг оғзидан бехос ана шу сўзлар учди.

– А-а, мен чиндан ҳам уни бошқачароқ тушунган бўлсам керак, – деди хотиржам товушда Жорж. – Ле-

кин у аниқ шунақа девди-да... Бари бир сиз шу ерда қолаётганингиз учун ҳам хурсандман. Очиги, Лондон менга ҳам ёқмайди. У ерга бориб нима қиламан. Ҳозир у ерда машиналар шунақа тиқилиб кетган дейишади. Ўзи одам машина олиши билан бир жойда тургиси келмай қоларкан. Ана, менинг аввалги хўжайиним мистер Эймс, машина олмасидан аввал ажойиб, оғир-босиқ одам эди. Бир ой ўтмай уйини сотар бўлди. У уйни таъмирлади, ҳар бир хонага электр, газ, телефон олиб кирди. Унга бунча харажат ўзини қопламайди, десам, у «биласанми, мен бу уйни нақд икки минг фунтга пуллаяпман», деди. Мана, айтганича бўлди.

– У уйини уч мингга сотди, – дея чолнинг гапини тўғрилади Аликс.

– Икки минг, – қайтарди Жорж. – Бу ҳақда неча марта эшитганман. Ҳамма биларди буни.

– Мен биламан-ку, уч мингни санаб берганмиз, – дея гапида туриб олди Аликс.

– Аёллар ҳисоб-китобда нўноқроқ бўлишади, – деди Жорж ҳам қайсарлик билан. – Сиз мистер Эймс айнан уч минг фунт сўраганини исботлай оласизми?

– У мен билан эмас, эрим билан савдолашган.

Жорж яна гуллар устига эгилди.

– Уй икки мингга сотилган, – дея ўз гапида маҳкам туриб олди.

Аликс у билан бошқа баҳслашиб ўтирмади. У узоқроқдаги гуллар тупи олдига бориб гулдаста туза бошлади. У гулларни бағрига босиб, уйга қайтаркан, йўлда, барглар орасида алақандай тўқ-зангори рангли нарса ётганини кўрди. Авайлаб қўлига олди. Эрининг қайд дафтарчаси экан. Қизиқиш билан очиб ўқишга тутинди.

Аликс тўйнинг илк кунлариданоқ эрининг ўта ҳиссиётчан, табиатан қатъиятли ва фавқулодда тартибсеварлиги билан бошқалардан ажралиб туришини пайқаб олганди. Улар биргаликда овқатни ҳам айнан



бир вақтда ейишар, у ҳар бир кунда қилинадиган ишлари учун ўз вақтини аввалдан тартиб билан ажратиб қўярди.

У дафтарчани варақларкан, мана бу ёзувларни ўқиб кулгидан ўзини тутиб турулмади: «Аликс билан никоҳ. Авлиё Пётр черкови, соат 2:30».

– Жиннивой, – деди жилмайиб Аликс бошқа саҳифани очаркан. Мана, бугунги сана. Жералд хуснихат билан ёзганди: «Кечқурун, соат 9:00». Шундан бошқа ҳеч гап ёзилмаган. «Қизик, у бугун соат тўққизда нима қилмоқчи экан?» – ажабланди Аликс. «Агар Жералд бирорта аёлга илакишиб қолган дея гумон қилинса, бу махфий дафтарчада бирор белги-аломат топиларди», ўйлади Аликс сирли кулимсираб. Бироқ унда бирорта бегона аёлнинг исми битилмаган эди. Аликс эринчоқлик билан дафтарчанинг қолган бетларига ҳам қараб чиқди: алақандай саналар, тушуниксиз белгилар ва биргина исм – унинг исми битилган эди бу ерда. У дафтарчани киссасига солиб уйига кириб кетди. Бироқ шу аснода унинг юрагига алақандай хавотир оқиб кирганини ҳис этди. Қулоғи остида Дикнинг гаплари аниқ-таниқ такрорлангандек бўлди:

«У сенга етти ёт бегона-ку! Ахир сен у ҳақда ҳеч нарса билмайсан-ку!»

Рост. У ҳақида илгари ҳеч нарса билмасди-ку! Жералднинг ёши қирқда. Шу пайтгача бирорта аёл билан бирга бўлмаганлигига ким кафолат беради?

У булар ҳақида ўйлашни истамасди. Ҳозир бундан ҳам зарур ишлари бор эди. Дик Виндифорднинг қўнғироғи ҳақида эрига айтсамикин? У қишлоқда Жералд билан учрашиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Шунда эри уйга қайтганида ўзи бу ҳақда гап очиб қолса, мушкулот ўз-ўзидан ҳал бўлади. Ўзи... очиги бу ҳақда Аликснинг ҳам эрига ҳеч нарса дегиси йўқ. Айтгудек бўлса, эри Дикни меҳмонга чақиришдан ҳам тоймайди. Унақада Дикнинг ўзи келмоқчи

бўлгани, Аликс эса бунга рўйхушлик бермаганини тан олиши керак бўлади. Жералд хотинидан бунинг боисини сўраб қолса нима бўлади? Анави алмойи-алжойи тушини айтиб берадими?

Хуллас, у хижолатдан қийналиб, охир-оқибат эрига бу ҳақда офиз очмасликка қарор қилди. Бу унинг эридан яширмоқчи бўлган биринчи сири эди.

Кечки овқат маҳали яқинлашаётганда, у эрининг қайтаётганини эшитиб, ўзининг хавотир ва ҳадигини яшириш мақсадида емак тайёрлашга уннаб кетди.

Афтидан, у қишлоқда Дик билан кўришмаган эди. Аликс хотиржамлик баробарида алланечук ноқулайликни ҳам ҳис этди. Ифорли оқшом ҳавоси оқиб кираётган дераза олдидаги эман стол атрофида икковлон кечки овқатни тановул қилиб бўлишгач, Аликс ҳалиги дафтарчани эслатди.

– Эрталаб гуллар орасидан топиб олдим, – деди у қўлидаги буюмни эрининг тиззасига ташларкан.

– Боғда тушириб қодирган бўлсам керак-да!

– Ҳа, энди сенинг анча-мунча сирларингни билиб олдим.

– Ҳеч қандай гуноҳим йўқ, – дея бош чайқади Жералд.

– Бугун кечқурун соат тўққизда ким билан учрашмоқчи эдинг?

– Ҳа, гап бу ёқда дегин? – у аввал бир оз довдираб қолди, бироқ шу заҳоти бирорта кулгили воқеани эслагандай илжайиб қўйди. – Жуда чиройли бир қиз билан учрашувимиз бор эди, Аликс билан. Унинг сочлари худди сеникидек қўнғирранг, кўзлари мовий.

– Тушунмадим, – деди Аликс ясама жиддият билан. – Нега гапни айлантиряпсан?

– Йўқ, биласанми, бугун бир-иккита негатив суратларимни оққа кўчиришим керак эди. Шунга эсимдан чиқармаслик учун ёзиб қўйгандим. Унда сенинг ҳам ёрдамнинг керак. Жералд Мартин ҳаваскор

сураткаш ҳам эди. Унинг эскироқ услубдаги, аммо ўткир линзали фотоаппарати бор эди, суратларни фотолаборатория вазифасини ўтайдиган ертўлада оққа кўчирарди.

– Шу ишни айнан соат тўққизда қилиш шарт эканми? – сўради Аликс ишончсизлик билан.

– Жонгинам, – деди унинг овози бир оз титраб, – биласан, мен ҳамма вақт пухта режа асосида ишлайман. Шунда ҳамма ишлар ўз ўрнида бўлади.

Аликс анчагача эрига қадалиб жимгина ўтирди. Эри стул суянчигига суянганича сигарет тутатди. Унинг ҳафсала билан қиртишланган юзларидаги узун-узун чизиқлар ғира-шира ёруғда ҳам яққол кўриниб турарди.

Кутилмаганда аёлни мавҳум бир ваҳима ўз исқанжасига олди ва ичидан бир савол ёриб чиқди:

– О Жералд, сен ҳақингда кўпроқ, кўпроқ нарса билишни истайман.

Эр ажабланиб хотинига ўтирилди:

– Азизим, Аликс. Ахир мен ҳақимда ҳамма нарсани биласан-ку! Сенга Нортумберлендда кечган болалигим, Жанубий Африкада яшаганим, кейин ўн йил Канадада умргузаронлик қилганим ва ўша ерда ўзимга яраша бойлик орттирганим ҳақида сенга айтиб берганман.

– Бор-йўғи шу холосми, – сўради Аликс илжайиб.

– Ҳа-а, сени нима қизиқтираётганини билдим, – дея кутилмаганда қаҳ-қаҳ уриб юборди Жералд. – Сиз аёллар ҳаммангиз бирсиз. Сизни бировнинг шахсий ҳаётидан бўлак нарса қизиқтирмайди.

Аликс томоғи қуриётганини ҳис этди ва паст овозда гудранди:

– Ахир, сен шу пайтгача бари бир бегона аёллар билан бўлгансан-ку! Мен айтмоқчи эдимки... агар билганимда эди...

Жим қолди. Жералд қовоғини уйди:

– Аликс, сен ҳалиги... «Кўк соқол хосхонаси» ҳақида эшитганмисан? Тўғри, мен шу пайтгача аёллар билан бўлганман. Буни тан оламан. Инкор этганимда ҳам бари бир ишонмаган бўлар эдинг. Бироқ онт ичиб айтаманки, улар менинг қалбимда сенчалик чуқур ўрнашиб олмаганди.

Унинг овозидаги самимият оҳанги Аликсни бир оз тинчлантирди.

– Кўнглинг жойига тушдимми? – сўради жилмайиб Жералд.

Дафъатан унинг нигоҳида негадир қизиқувчанлик аломати зухур этди.

– Нимага бугун галати нарсалар ҳақида гапириб қолдинг?

– Ўзим ҳам билмайман. Кун бўйи асабийлашиб юрдим.

– Қизиқ, – деди Жералд ўзига ўзи гапиргандек ярим овозда. – Жуда қизиқ.

– Нимаси қизиқ?

– Асалим, нега менга бунақа қараяпсан. Шуниси қизиқки, сен илгари жуда беғам ва эркатой эдинг. Бугун бунақа...

Аликс зўрма-зўраки илжайди:

– Атайин қилгандай бугун ҳамма нарса менинг асабимга тегяпти. Анави қари Жорж ҳам эрталабдан Лондонга қачон кетасизлар, деб гашимга тегди. У бу гапни сендан эшитганмиш.

– Сен уни қаерда кўра қолдинг? – Жералднинг овози туйқус жаранглаб чиқди.

– У бизникига бугун жума кунининг ўрнига ишлагани келибди.

– Лаънати қари тўнка, – деди Жералд тишларини гижирлатиб.

Аликс Жералднинг афти ғазабдан бужмайиб кетганини кўриб, ҳайрон бўлди. У эрини ҳечам бу қиёфада кўрмаганди. Аёлнинг нигоҳидаги таажжубни кўрган Жералд дарров изоҳ беришга ўтди:

– Чиндан ҳам чолнинг эси оғиб қолганга ўхшайди.

– Ахир, сенам бирор нарса дегандирсанки, у...

– Менми? Ҳеч нарса деганим йўқ. Ҳа, дарвоқе.. Ҳалиги... Бўлди-бўлди, эсладим. Мен унга ҳазиллашиб Лондонга боряпмиз, девдим, у овсар чин деб ўйлаган. Эҳтимол, нотўғри эшитгандир. Сен унга тушунтиргандирсан?

– Ҳ-ҳа... Лекин у эшитганини қўймайдиган қайсар чоллар тоифасидан экан.

Аликс эрига Жоржнинг уй икки минг фунтга сотилган, деб туриб олганини ҳам айтиб берди. Жералд бир муддат жим қолди-да, паст овозда шивирлади:

– Эймс икки мингни олдиндан санаб олди. Қолган минг фунтни кейинроқ тўғрилаб берадиган бўлдим. Чол мана шу ерида янглишган кўринади.

– Мана, ҳаммаси ойдинлашди, – деди Аликс енгил тортиб, – у шундай дея деворга илинган соатга имо қилди. – Энди ишга киришсак ҳам бўлади. Беш дақиқа кечикибмиз ҳам. Жералднинг юзида тушуниксиз табассум қалқиди:

– Мен ўйлаб кўрдим, – деди хотиржам товушда, – бугун сураткашлик билан шуғулланмасак ҳам бўлади.

Аёл табиатан ўта қизиқувчан. Аликс ухлагани кетётганида хотиржам ва бежавотир эди. Унинг бахти узра соя солаётгандек кўринган булутлар тарқалиб кетгандек эди гўё. Бироқ эртаси кечқурун у бахтига яна кимдир, нимадир кўланка ташлаётганини ҳис этди. Дик Виндифорд бошқа кўнғироқ қилмаган бўлса-да, назарида ундаги саросиманинг сабабчиси ҳам ўша эди. Унинг гапларини қайта-қайта эслади: «Бу одам сенга етти ёт бегона-ку! Сен у ҳақда ҳеч нарса билмайсан!» Шу чоқ унинг ёдига эрининг кечагина айтган гаплари тушди: «Кўк соқол хосхонаси ҳақида эшитганмисан?» У бир пайтлар ўта сирли, бешафқат ва айёр хотинбоз – Кўк соқол ҳақидаги эртакни болалигида ўқиганди. Ҳозир эри нега уни эсга олди? Бу

билан менинг шахсий ҳаётимга аралашма, оқибати ёмон бўлади, демоқчимми?

Жума куни эрталаб, Жералд зўр бериб яширишга тиришаётган бошқа аёли – «Кўк соқол хосхонаси» борлигига амин бўлди. Юрагида секин-секин уйғонаётган рашк уни тамомила маҳв эта борди. Ўша куни соат тўққизда у учрашув белгиланган! Сурат ишлаш эса шунчаки ўйлаб топилган баҳона, холос.

Бундан уч кунча илгари у эрини ипидан-игнаси-гача билишига онг ичиши мумкин эди. Бугун эса эри унга мутлақо нотаниш одам бўлиб кўриняпти. Унинг кекса Жоржга нисбатан уйғонган ўринсиз қаҳрини эсга олди. У аввалги қувноқ ва самимий Жералдга ўхшамай қолганди. Чиндан ҳам Аликсни гафлат босгандир? Эҳтимол, ҳақиқатан у эрининг кимлигини умуман билмас?

Жума куни у ул-бул харид қилиш учун қишлоққа бориши керак эди. Бу ҳақда Жералдга айтганида, эри мутлақо рад жавобини берди ва унинг боғда қолишини, қишлоққа ўзи бориб келишини айтди. Бу ҳам аёлнинг таажжубини оширди. Қизиқ, нега эри унинг қишлоққа боришига тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатяпти?

Балки Жералд унга бир оғиз гапирмасдан бориб Дик билан учрашиб келмоқчидир? Ахир Аликснинг шу пайтга қадар мудраб ётган рашки ҳам ҳозиргина уйғонди-ку! Жералдни ҳам шу туйғу қийнаётган бўлиши мумкин эмасми? Эри унинг Дик билан қайта учрашмаслиги учун қишлоққа юбормаётган бўлса-чи? Ана шу фикр аёлни бир мунча овунтирди, шубҳали ўй-хаёлларни нарироқ сурди.

Вақт ўтгани сари бесар гумонлар яна уни қисти-бастига ола бошлади. У ана шу бемаъни ҳислар қуршовидан чиқиш учун ўзини иш билан овунтирмоқчи бўлди. Қўлига латга олиб эрининг хонасини йиғиштиришга кириб кетди.

«Қанийди, ишончим комил бўлганида, ҳамма азоблардан қутулар эдим», дея шивирлади ўзига ўзи.

У фақат иккита қутини қарай олмади: биттаси пастдаги ғаладон, иккинчиси ёзув столининг чап тарафида турган кичкина қутича. Аликс айни чоғда ҳеч нарсани мулоҳаза қилиб ўтирмади. У ана шу икки қутининг бирида эрини фош этиши мумкин бўлган ашёвий далил топилишига умид қиларди. Шу аснода эри ўзига тегишли калитларни буфетнинг пастки тортмасига қўйишини эслади. У калитларни келтириб сандиқчаларга солиб кўра бошлади. Учинчи калит ёзув столидаги сандиқчага тўғри келди. Аликс ҳаяжондан қўллари қалтираб уни очди. Унда пуллар солинган қоғчиқ турар, сандиқнинг орқа бўлмасидан бир боғлам мактуб чиқди. Аликс нафаси тиқилгандек бўлиб, тасмани ечди. Унинг юзлари шу заҳоти уятдан ловуллаб кетди ва хатларни жойига қўйиб тезгина қутини беркитди. Бу хатларни Жералдга тўйга қадар унинг ўзи ёзганди. У энди ғаладонга ёпишди – Жералдга нисбатан шубҳалари тамомила барҳам топгунча ҳамма нарсага тайёр эди. У қидирмоқчи бўлган жойидан бирор нарса чиқишига кўзи етмаса-да, ҳамон асабий титроғи босилмаганди.

Аксига олиб, бирорта ҳам калит бу сандиққа тушмас экан, кўнгли ҳамон типирчилаб турган Аликс бир зум қайсидир хонадан яна бир шода калит топиб келди. Ниҳоят, комод очилди. Бироқ у ерда ҳам вақт ўтиб, сарғайиб кетган, чанг-ғубор босган газет парчаларидан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

Аликс енгил хўрсинди. Уни энди фақат бир нарса – неча йиллардан бери сақланиб келаётган газет қий-қимларигина қизиқтирарди. Уларнинг деярли бари анча йил илгари чоп этилган Америка газеталаридан қирқиб олинганди. Бу парчаларда ашаддий хотинбоз ва фирибгар Чарлз Леметрнинг кирдикорлари ҳақида ёзилганди. Уларда айтилишича, Леметр ўз тўрига илинган аёлларни ўлдиришда айбланаётганди.

У ижарага олган уйнинг поли остидан аёл кишининг гавда суюги топилган, у «уйланган» аёллар ҳақида кейинчалик ҳеч ким ҳеч нарса эшитмаган.

У ўзига билдирилган айбловдан устомонлик билан ҳимояланиш мақсадида АҚШнинг энг кучли адвокатларидан бирини ёллаб олганди. Шотландия ҳакамлик суди унинг ишини кўриб чиқиб, етарли асос бўлмагани боис, оқлашга мажбур бўлганди. Шу боис у асосий айбловдан эсон-омон қутулиб чиқди, бироқ кичикроқ бир жинояти учун бир неча йил қамоқда ўтириб чиқди.

Аликс бу ҳақда эшитган, Леметр ҳақидаги шов-шувлар бир пайтлар Англияни ҳам таҳликага солган эди. Аёл бундан уч йил илгари Леметрнинг қаёққадир қочиб кетгани ҳақида ҳам эшитган эди. Уни тута олишмади. Бу мавҳум кимсанинг шахси ва унинг аёллар устидан ваҳшиёна ҳукмронлиги узоқ муддат инглиз газеталарининг ҳам диққат марказида турган эди.

Газет парчаларининг бирида Леметрнинг сурати босилганди. Аликс зиёлисифат соқол қўйган қонхўрнинг суратига анчагача диққат билан тикилиб турди. У кимгадир ўхшаб кетарди. Бирдан унинг эсига Жералд тушди-ю, аъзойи баданига қалтироқ югурди. Суратдаги одамнинг қош-кўзлари худди Жералдники эди. У сурат остидаги матнни ўқишга тутинди. Унда келтирилган айрим саналар Аликс тасодифан топиб олган дафтарчадан қайд қилинган рақамларга айнан мос тушардики, бу кунларни Леметр ўз қурбонларини тинчителиш учун белгилаб қўйган эди.

Судда гувоҳ сифатида сўроқ қилинган аёллардан бири ишонч билан қотилнинг чап билагидида кичкина чандиқ борлигини айтган эди. Аликс қўлидаги қоғозларни ҳаяжондан тушириб юборганини сезмади. Ахир Жералднинг ҳам чап билагидида худди ана шундай чок бор эди-ку!

Бутун хона унинг назарида чархпалакдек айлана бошлади. Эс-ҳуши сал жойига келганида миясига урилган нарса шу бўлди: Жералд Мартин – бу Чарлз



Леметр. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Худди жумбоқ суратнинг таркибий қисмлари сингари хотирасида айрим лавҳалар жонлана бошлади: уй учун тўланган пул... Бу пул уники, фақат уники экан. Эри ёнидан бир чақа ҳам қўшган эмас. Демак, кўрган туши ҳам бежиз эмас экан. Демак, у савқи табиий равишда Жералд Мартиндан хавфсираб, ундан халос истаб келган. Ва ёрдамни ҳам савқи табиий суратда Дик Виндифорддан кутган экан. Демак, у Леметрнинг навбатдаги қурбони бўлиши лозим эди. Эҳтимол тез орада...

У дафтарчадаги «Чоршанба кеч соат 9:00» қайдини эслаб додлаб юбораёзди. Ёдига деворидан осонгина тош кўчириб олиш мумкин бўлган ертўла тушди. Демак, ҳаммаси кеча чоршанба кунига режалаштирилган. Лекин тарки одат қилинмай, бу фурсатни олдиндан ёзиб қўйиш... мантиқсизлик эмасми? Йўқ, ҳаммаси мантиққа асосланган. Жералд ҳамма нарсани аввалдан режалаштириб, белгилаб юрган. Қаталарнинг учун шунчаки кўнгилхушликка ўхшаш оддий бир ишга айланиб қолган.

Бироқ унинг устидан ўқилган ҳукм ижроси нима сабабдан орқага сурилди? Уни ким ёки нима қутқариб қолган бўлиши мумкин? Энг сўнгги дақиқаларда... Бўлди, эслади: кекса Жорж! Нима сабабдан эри унинг номини эшитиши билан кўкариб кетганини ҳам энди тушунди. Шаксиз, у режасини изсиз амалга ошириш учун пухта замин ҳозирлаган: кўзига кўринган одамга эртага Лондонга учамиз, деб юрган. Кутилмаганда Жорж боққа келиб қолган, бу ҳақда Аликсни воқиф этган, аёл бу гапни инкор қилган ва ҳоказо. Ўша кунини ҳукмни ижро этиш жуда хатарли – чол аёлнинг гапини эслаб қолган бўлиши мумкин эди. Демак, уни худонинг ўзи асрабди. Агар Аликс арзимасдек туюлган ўша суҳбат ҳақида эрига оғиз очмаганида борми? Аликснинг эти музлаб кетди.

Ҳар дақиқа ганимат эди. У эри келмай туриб бу ердан қочиб қолиши керак. Аликс шоша-пиша газета парчаларини жойига қўйиб, ғаладонни беркитди.

Аммо зум ўтмай у жойида қотиб қолди. У дарчанинг гийқиллаганини, қадам товушларини эшитди: эри қайтибди. Бир муддат Аликс ҳаракатсиз қотди. Кейин у оёқ учида юриб борди-да, парда ортидан ташқарига қаради. Чиндан ҳам эри. Илжайганича алақандай қўшиқни хиргойи қилиб келарди. Аликс унинг қўлидаги нарсани кўриб, қўрқувдан юраги ёрилаёзди. Яп-янги белкурак!

Аликс бу оқшом қандай мудҳиш фожиа содир бўлишига ақли етди...

Бироқ қутулиб кетиш учун ҳали имкон бор эди. Жералд хиргойини ванг қўйиб уй тарафга бурилади. Аликс ҳам фурсатни бой бермай пастга отилади. Бироқ уйдан чиқмай туриб остонада эри билан тўқнаш келди.

– Хелло, қаёққа шошиляптилар? – ажабланиб сўради Жералд.

Аликс ўзини ҳар доимгидек вазмин ва хотиржам тутишга тиришди. Ҳозир қочиб кетиш учун ҳеч қандай имконият йўқ, аммо сир бой бермай турса, бу имконият сал кечроқ туғилиши мумкин эди. Ҳатто ҳозироқ...

– Мен манави сўқмоқ бўйлаб сайр қилиб келмоқчийдим. Дарров қайтаман. – Аликс гаплари бир оз сохта ва ишончсиз чиққанини сизди.

– Яхши, – деди Жералд. – Мен ҳам сен билан бораман.

– Йўқ, илтимос... шарт эмас. Жералд, мен... Бошим қаттиқ огрияпти. Асабларим қақшаяпти. Бир ўзим бориб кела қолай. – Эри унга диққат билан разм солди. Аёл унинг кўзларидаги шубҳани тезгина илғади.

– Нима бўлди сенга, Аликс? Нега рангинг бунча оқариб кетган? Бунча қалтираяпсан?

– Ҳечқиси йўқ, – Аликс бор кучини тўплаб табиий-роқ жилмайишга тиришди. – Шунчаки, бош оғриғида! Битта айланиб келсам, ҳаммаси ўтиб кетади.

– Сен ўзингни мендан опқочишга беҳуда урин-япсан, – тўнғиллади Жералд тиржайиб, – хоҳлайсанми-йўқми, сен билан бирга бораман.

У қаттиқ туриб олмади. Агар эри унинг ҳамма нарсадан хабардорлигини билиб қолса борми? У минг машаққат билан ўзини қўлга олишга ва одатдагидек сокин тутишга ҳаракат қилди. У саросима ичида эрининг унга тез-тез шубҳали кўз ташлаб қўяётганини сизди.

Улар уйга қайтишганида, эри уни ётишга кўндирди ва одеколон келтириб, хотинининг чаккасини артиб қўйди. У ҳар доимгидек меҳрибон ва самимий эди. Аёл ўзини худди жаҳаннамга қулаб кетаётгандай ожиз ва бечора ҳис этди.

Эри уни бир дақиқа ҳам ёлғиз қолдирмасди. Ҳатто ошхонадан Аликс сал илгари тайёрлаб қўйган оддийгина кечки овқатни олиб келишга кетганида ҳам эри унинг кетидан қолмади. Дастурхон атрофида Аликснинг томоғидан бирор лўқма таом ўтмаса-да, ўзини мажбурлаб ул-бул нарса еган бўлди, ўзини имкон қадар қувноқ ва тетик тутишга тиришди. У айна чоғда ҳаёти учун курашаётганини биларди. У ҳозир ўз кушандаси билан юзма-юз турар, ҳеч қаердан нажот кутиб бўлмас, қишлоқ эса бу ердан бир неча мил олисда эди. Фақат биргина йўл бор эди, вақтинча бўлса-да, эрининг шубҳаларини ўлдириб, уни бир неча дақиқа ёлғиз қолдириш учун замин яратиш. Бу пайтда у залга тушиб телефон орқали нажот сўраши мумкин эди, холос.

Иттифоқо, бошқа тарафдан халос топиш умиди туғилди. Шу онда у биринчи марта Жералднинг ўз фикридан қай тариқа қайтгани ёдига тушди. Бугун уларникига Дик Виндифорд келмоқчи эканини айтса, нима бўларкин? У эндигина шунга оғиз жуфт-

лаганида, ниманидир ўйлаб, фикридан қайтди. Бу кимсага икки карра халақит бериш қийин. Унинг зоҳирий осудалиги замирида қандай айёрона сергаклик яширингани маълум. Бу гапи билан аёл жиноят фурсатини янада яқинлаштириши мумкин. У шу заҳоти Аликсни ўлдириб, Дикка кўнғироқ қилади ва бамайлихотир шошилинч жўнаб кетяпмиз, деб айтиши ҳам мумкин. Эҳ! Ростдан ҳам Дик келиб қолсами эди шу чоқ?.. Шу тобда унинг миясига ажойиб фикр келди. У фикримни кўзимдан ўқиб қолмасмикин дея қўрқа-писа эрига қараб қўйди. Унинг қалбида умид шуъла соча бошлагач, вужудига жасорат ва ғайрат оқиб кирганини пайқади. У шу қадар осуда тусга кирдики, ўзи ҳам ҳайрон қолди.

У қаҳва қайнатиб, эр-хотин ҳар доим кечки пайт очиқ ҳавода гаплашиб ўтирадиган айвончага олиб келди.

– Айтганча, – деди кўққисдан Жералд. – Бугун сен билан сал кейинроқ сурат ишлаймиз, бўптими?

Аёлнинг баданида чумоли ўрмалагандек бўлди, бироқ бефарқ овозда гап қотди:

– Бир ўзинг қилсанг бўлмайдими, шу ишни? Бугун анча чарчаган кўринаман.

– Ишимиз узоққа чўзилмайди, – дея совуқ тиржайди Жералд. – Айтганча, сени ишонтириб айтаманки, ишимиз битгач, чарчоқни мутлақо ҳис этмай қоласан.

Бу гап унинг ўзига ҳам нашъа қилиб кетди. Аликс бир қалқиб тушди. У ўз режасини ё ҳозир амалга ошириши мумкин ёки ҳеч қачон.

Шартта ўрнидан турди.

– Қассобга телефон қилишим керак, – деди беписандлик билан. – Унгача шу ерда ўтириб тур.

– Қассобга? Шу маҳалда-я?

– Жинни, магазин аллақачон ёпилиб бўлди. Қассоб эса уйида бўлади. Эртага шанба. Тўқмоқланган бузоқ

гўштини бошқалар илиб кетмасдан буюртма бериб қўйишим керак. Бечора чол мени жудаям ёқтиради.

У шип этиб хонасига кириб кетди ва эшикни ёпиб олди. Орқасидан эрининг «Эшикни очиқ қолдир» деганини эшитди ва совуққонлик билан жавоб қайтарди:

– Эшик очиқ қолса чивин киради. Чивинни кўргани кўзим йўқ. Тентаккинам, сен ҳали мени ўша қассоб чол билан шакаргуфторлик қилади, деб ўйлаяпсанми?

У хонада ёлғиз қолиши билан «Сайёҳ туғроси» меҳмонхонасининг рақамини терди. Дарров туша қолди:

– Бу мистер Виндифордми? Бошқа? Нима у кетиб қолдими? Уни чақириб бера олмайсизми?

Шу пайт унинг юраги қинидан чиқаёзди. Эшик очилиб эри кириб келди.

– Чиқиб тур, Жералд, – деди ранжиган товушда, – телефонда гаплашаётганимни биров эшитмасин дейман.

Жералд кулимсираб стулга ўтирди:

– Ўзи ростдан ҳам қассоб билан гаплашяпсанми?

Аликс қаттиқ ҳаяжонда эди. Унинг режаси барбод бўлганди.

Ҳозир Дик гўшакни олади. Балки таваккал қилиб телефондан ёрдам сўраб қичқирсами? У асабийлашиб телефон ричагини бир қисиб, бир бўшата бошлади. Шу паллада унинг калласига янги фикр туғилди. Ричагни босиб турса, овоз нариги тарафга эшитилмайди.

«Бу ишни амалга ошириш жуда қийин бўлса керак, – ўйлади у. – Мен ўзимни фақат қассоб билан гапираётгандек тутишим, ҳаяжонга берилмаслигим керак. Бу иш менинг қўлимдан келади, ишонаман».

Шу чоқ гўшакдан Дикнинг овози эшитилди. У чуқур нафас олиб ричагни бўшатганча гапира бошлади:

– «Булбул ошёни»дан Миссис Мартин гапиряпти. Илтимос тезроқ етиб келинг. (ричагни маҳкам қи-

сиб) Эртага эрталаб олти бўлак яхшилаб тўқмоқланган бузоқ гўшти опкелинг. (ричагни бўшатиб) Келишингиз шарт. (яна ричагни қисиб) Ташаккур сизга, мистер Хексуорси. Ўйлайманки, бунча кеч қўнғироқ қилаётганимдан ранжимасангиз керак. Котлетни шунақа яхши кўраманки, у (ричагни бўшатиб) бўлмаса, ўлиб қолишим ҳеч гап эмас. (яна ричагни босиб) Жуда яхши – эртага кутаман-а? (ричагни бўшатиб) Иложи борича тезроқ! – у гўшакни илиб, ух тортганича эрига юзланди.

– Қассоб билан ажойиб гаплашиб қўйдинг-да, а? – деди Жералд ундан кўз узмай.

– Одатдагидек, худди бошқа аёллар каби, – деди Аликс ўпкасини аранг босиб.

Жералд ҳеч нарсадан шубҳага тушмади. Дик эса ҳеч нарсани тушунмаган бўлса-да, етиб келиши аниқ.

Аёл ётоқхонага кириб чироқни ёқди. Орқасидан эри кирди.

– Афтидан ҳозир кайфиятинг аъло бўлса керак? – сўради хотинига сирли тикилиб.

– Ҳа, – деди хотини, – бошимнинг ҳам оғриғи қолди. У эрига табассум узатганича доимий жойидан, эри ўтирадиган курсининг қаршисидан жой олди. У халос бўлди. Ҳозир саккиздан йигирма дақиқа ўтди. Соат тўққизгача Дик етиб келади.

– Бугунги қаҳва менга унча ёқмади, жуда аччиқ дамлабсан, – шикоятланди Жералд.

– Бу қаҳванинг янги нави экан. Агар у сенга ёқмаган бўлса, бунақасидан энди олмаганим бўлсин, азизим.

Аликс қўлига игна олиб тўқишга ўтирди. Жералд мутолаага берилди. У бир неча саҳифани тугатиб, соатга қаради ва китобни бир четга ирғитди:

– Саккиз ярим. Юр, ертўлага тушиб сурат ишлайдиган вақт бўлди.

Тўқиётган нарсаси Аликснинг қўлидан тушиб кетди.

– Йўқ, йўқ. Кел, тўққизгача кутайлик!

– Йўқ, асалим, соат саккиз ярим. Бу ишни кечиктириб бўлмайди. Шу вақтни белгилаб қўйганман. Сенам вақтлроқ ухлайсан.

– Негадир тўққизгача кутгим келяпти.

– Ҳамма ишни ўз вақтидан кечиктирмасликка ўрганганимни биласан-ку. Кетдик, Аликс. Бир дақиқа ҳам кута олмайман. – Аликс унга қаради-ю, ранги бўздек оқариб кетди. Эри аллақачон ниқобини ечиб ташлаганди. Унинг қўллари асабий қалтирар, кўзлари бежо, қуриган лабларини тинимсиз яларди. У энди ўз туғёнини тутиб туриш ҳолатида эмасди. «Рост-да, – ўйлади Аликс, – ҳар қанча тоқатли бўлмасин, бундан ортиқ кутиб тура олмасди». Жералд унинг ёнига келди ва елкаларидан тутиб ўрнидан турғизди.

– Қани азизим, ўзим сени у ёққа олиб бораман, – унинг қувноқ оҳангда айтилган бу гапларидан кишини даҳшатга солгувчи қабоҳат иси келарди. Аёл сўнгги кучини жамлаб эрининг қўлидан юлқиниб чиқди ва қўрқувга ён бериб, беҳол деворга суянди. У алҳол ҳеч нарса қилолмас, ҳеч қаерга қочолмас, эркак эса унинг устига бостириб борарди:

– Хўш, Аликс...

– Йўқ-йўқ!

У қичқирганча қўлларини ожизона олдинга чўзиб, ўзини ҳимоя қилишга чоғланди:

– Жералд, шошма. Сенга бир гапни айтишим... иқрор бўлишим керак.

Эри бирдан сергак тортди:

– Иқрор бўлмоқчисан? – сўради ажабланиб.

– Ҳа, иқрор бўлишим керак.

У бир муддат ўйга толди-да, тезда тўлқинланиб, эрини қизиқтиришда давом этди.

– Нима, ўйнашинг бормиди? – сўради масхараомуз илжайиб.

– Йўқ, унақамас... Эҳтимол сен буни... сен буни жинойат деб аташинг мумкиндир?

У ўқ бориб нишонга текканини, эрининг қизиқиши ортиб бораётганини кўриб бир оз тинчланди ва ўзини вазият ҳокими санаб гапида давом этди:

– Жойингга ўтириб олсанг тузук бўларди, – деди Аликс сокинлик билан ва ўзи ҳам хонанинг нариги томонидаги стулга ўринлашди. Ҳатто эгилиб, боя қўлидан тушиб кетган тўқув ишини ҳам олди. У зоҳирий сокинликни сақлаган ҳолда ички таҳлика билан вақтни нажот кучлари етиб келгунча чўза оладиган гапларни ўйлаб олиш учун бир мунча тараддудланди. – Сенга аввал ҳам айтганман, – деди секин оҳангда. – Мен ўн беш йил стенографист бўлиб ишлаганман. Аслида жа унақамасди. Икки марта ишимда танаффус бўлган. Биринчисида йигирма икки ёшда эдим. Ўшанда ўзига яраша сармоёси бўлган, кекса бир киши билан танишиб қолдим. У мени ёқтириб қолди ва турмуш қуришни таклиф қилди. Унинг гапини ерда қолдирмадим. Оила қурдик. – У бир муддат жимиб қолди. – Уни алдаб-сулдаб, ўз ҳаётини суғурта қилдиришга кўндирдим.

Шунда Аликс эрининг юзида қатъий қизиқиш ифодасини илғаб олди. У энди ўзига ишонч билан ҳикоясини давом эттирди. – Уруш пайтида оз муддат госпиталдаги дорихонада ишлаганман. Ўшанда дори-дармон, ҳатто заҳарли моддалар билан ҳам ишлашга тўғри келган.

У бир нарсани ўйлаётгандек жим қолди. У эрининг эътиборини тамоман жалб этганига шубҳа қилмасди. Қотилни қотиллик қизиқтиради-да! Аёл маҳорат билан ўз ролида давом этарди. Ўғринча соатга қаради: йигирматакам тўққиз. – Шунақа бир заҳар бўлади. Оппоқ кукунга ўхшайди. Бир чимдими одамни ўлдиради. Сен шунақаси ҳақида эшитганмисан?

У жавобни ҳадик аралаш кутганди. Агар тасдиқ жавоби олинса, гапнинг бу ёғини сал ўйлаброқ гапиришга тўғри келарди.



– Йўқ, – деди Жералд. – Билсам ҳам оз нарса биламан. Аликс қониқиш билан бош ирғади:

– Унда гиосциамин ҳақида эшитган бўлсанг керак. Бу заҳар ҳеч қандай из қолдирмайди. Ҳар қандай врач оддий юрак хуружи дея ташхис қўйишдан нарига ўтмайди. Мен ўшандан озгина ўғирлаб олгандим ва уни ҳар доим ўзим билан олиб юрардим.

У куч тўплаш учун озроқ тўхтади.

– Давом эт, – деди эри сабрсизлик билан.

– Йўқ, қўрқаман. Сенга айтиб беролмайман. Бошқа сафар.

– Йўқ, ҳозир айтасан!

– Турмуш қурганимизга энди бир ой бўлганди. Мен эримга жуда мулоийм муомала қилардим, у мени ҳар доим қўшниларга мақтарди. Ҳамма мени меҳрибон ва садоқатли аёл сифатида биларди. Кечқурунлари ўзим унга қаҳва дамлаб берардим. Бир куни кечки пайт унинг финжонига бир чимдим ўша заҳри қотилдан ташлаб юбордим... – Аликс эҳтиёткорлик билан игнага навбатдаги ипни ўткази бошлаганди. У умрида саҳнага чиқмаган эса-да, айни чоғда ер юзидаги энг моҳир актриса билан беллаша оларди. У ҳозир совуққон қотил ролини маҳорат ила ўйнаётган эди. – Ҳаммаси жуда силлиқ кечди. Мен унинг қаршисида ўтириб кузата бошлади. У аввал нафас ололмай хириллай бошлади. Мен деразани очдим. Кейин у стулдан тура олмаётганини айтди. Бир неча сония ўтгач, у ўлиб қолди...

У жилмайиб қўйди. Чоракам тўққиз бўлганди. Энди Дик улгурса керак.

– Суғурта полиси бўйича қанча пул олдинг?

– Икки минг фунт атрофида. Биржа савдоларига аралашиб, бор-будимдан айрилдим. Яна аввалги ишимга қайтдим. Бироқ, у ерда яна узоқ қололмайдим. Бошқа бир одам билан танишиб қолдим. Мен яна қизлик фамилиямга қайтганим учун у менинг турмушга чиққанимни билмасди. У нисбатан ёш,

келишган ва анча бадавлат одам эди. Биз Сассексда никоҳдан ўтдик. У менинг номимга ўз ҳаётини суғурта қилишга қўнмади, бироқ бор давлатини менга мерос қолдиришини айтди. У худди биринчи эрим сингари қаҳвани унга ўз қўлим билан дамлаб беришимни ёқтирарди. – Аликс хаёлчанлик билан кулимсиради. – Қаҳвани жуда яхши дамлайман-да. Биз яшайдиган қишлоқда менинг танишларим кўп эди. Кунларнинг бирида эрим тушлиқдан сўнг юрак хуружи билан вафот этганини эшитиб, улар менга жуда ҳам ачинишди. Ҳатто аввалги ишимга қандай қилиб қайтганимни ҳам билмайман. Икки эримдан менга тўрт минг фунтга яқин мерос қолди. Бу гал биржа савдоларига аралашмадим.

Сармоймни банкка жойлаштирдим. Мана, кўриб турибсанки... У гапини тўхтатишга мажбур бўлди. Жералд бўғриққанича бармоғини унга ниқтаб пишқири кетди:

– Қаҳва! Ў Парвардигор! Қаҳва!

Аёл саросима ичида унга тикилди:

– Унинг бунчалик аччиқ бўлганини энди тушундим. Аҳ сен, иблис! Нималар қилиб қўйдинг? – у курсининг тутқичини маҳкам тутганча хотинига ташланмоққа чоғланди. – Сен мени заҳарладингми ҳали?

Аликс камин томонга қараб қочди. Кўрқувдан у ҳамма гапим ёлгон демоқчи ҳам бўлди, бироқ тилини тишлади. Бир лаҳзада эри унинг гирибонидан олиши мумкин. У бутун мадорини жамлаб эридан кўз узмай тураверди.

– Ҳа, сени заҳарладим. Заҳар ўз кучини кўрсатяпти. Сен ҳозир курсидан турулмай қоласан... Қимирлолмай қоласан.

У эрини яна бир неча дақиқа курсида ушлаб турулса эди. Нима бу? Қадам товушлари! Дарича гичирладими? Демак, улар келишди. Мана, дарвоза ҳам очилди.

– Сен энди жойингдан қимирлай олмайсан, – бор қувватини тўплаб қайтарди Аликс. У шу гапларни айтганидан кейин хонани тарк этди ва эс-хушини йўқотган ҳолда Дикнинг қўлига йиқилиб тушди.

– О, Тангрим, – қичқириб юборди Дик ва ўзи билан келган баланд бўйли полисменга ўтирилди. – Кетдик, қарайлик-чи, ичкарида нима гап экан.

Дик Аликсни эҳтиёткорлик билан кушеткага ётқизиб унинг устига энгашди.

– Менинг кичкинтойим, – деди эркалаб, – менинг шўрликкинам. Сени не кўйга солишди?

Аликс заиф товушда аранг унинг номини тилга олди. Дик полисмен унинг билагидан туртганидан кейингина ўзига келди.

– У ерда ҳеч нарса йўқ, сэр. Фақат курсида аллаким ўтирибди. У афтидан жуда қўрқиб кетган кўринади ва..

– Кейин-чи?..

– У ўлиб ётибди, сэр...

Уларнинг иккови ҳам Аликснинг овозини эшитиб, сергак тортишди. У юмуқ кўзлари билан худди алаҳсираётгандек ғўдиради:

– Унинг ўлганига анча бўлди, – у гўёки кимнингдир гапини қайтараётгандек эди.

## ШОҲИДА

Жиноий иш бўйича жалб этилган жаноб Мейхерн ўрта бўйли, қотма, дид билан кийинадиган олифтанамо киши эди. У адвокатлар ичида ўзига яраша обрў-эътиборга эга эди. Унинг кулранг ва ҳар бир нарсага диққат билан боқадиган ўткир кўзлари суҳбатдошига унинг қанчалик идрокли киши эканини кўрсатиб турарди. Адвокат ўз мижозлари билан қуруққина гаплашса-да, гап оҳангида бадхоҳлик аломати сезилмасди. Унинг бу галги мижози қасддан одам ўлдиришда айбланаётган эди.

– Сиз тушган вазият ўта жиддий экани, сиз ҳамма нарсани очиқчасига тан олсангизгина бу вазиятдан чиқиб кетишингиз мумкинлигини яна бир карра эслатиб ўтишни бурчим деб биламан.

Бу хитоб унинг қаршисида, атрофида рўй бераётган ишларга бепарқ ва ланж бир кайфиятда ўтирган, ўтгиз ёшлар атрофидаги йигитга қаратилган эди. Бир оз фурсат ўтиб, у маъносиз нигоҳларини жаноб Мейхернга қаратди.

– Биламан, – деди сўниқ ва умидсиз товушда. – Сиз илгариям огоҳлантирган эдингиз. Аммо... ғараз ниятда ва шафқатсизларча одам ўлдирилганликда айбланаётганимга ишанолмаяман.

Мейхерн фақат далилларга ишонишга кўникиб қолган, унга ҳиссиётчанлик бегона эди. У кўзойнагини олиб, шошилмасдан ҳар иккала кўзини артиб чиқди.

– Ишқилиб, жаноб Воул, бу кўнгилсизликдан қутулиб чиқишингиз учун анча тер тўкишингиз керак. Ҳали кўрмагандай бўлиб кетарсиз. Бироқ мен сизга қарши

важларнинг салмоғи ва сизни қайси йўл билан ҳимоя қилиш қулайроқ бўлишини билиб олишим керак.

Иш у қадар чалкаш эмасди ва айбланувчига қўйилган айб ҳам аниқ-тиниқ бўлиб, ҳеч кимда шубҳа туғдирмасди. Ҳеч кимда! Бироқ айти дамда жаноб Мейхернинг ўзида шубҳа туғилди.

– Сиз мени чиндан айбдор санайсизми? – сўради Леонард Воул. – Худо ҳақи қасам ичаман, менинг айбим йўқ. Шунчаки, қутулиб чиқиш мушкул бўлган тўр ичига тушиб қолганман. Лекин мен ўлдирганим йўқ. Ўлдирганим йўқ!

Бундай вазиятда ҳеч бир кимса ўз айбини бўйнига олмасдан қолмасди. Буни жаноб Мейхер ҳаммадан яхши билади. Аммо бу нарсани ич-ичидан тан олса-да, бунга тўла амин эмасди. Пировардида, Воул чиндан ҳам бегуноҳ бўлиб чиқиши ҳеч гап эмасди-да.

– Барча далиллар сизга қарши, жаноб Воул. Шундай эса-да, ишонаман сизга. Хўш, далилларга қайтсак, сиз Эмили Френч хоним билан қандай танишгансиз?

– Оксфорд стритда эдим. Бир кекса аёл кўчани кесиб ўтаётганди. У бир қанча тугунларни кўтариб кетаётганида, йўлнинг ярмига бориб, уларни қўлидан тушириб юборди. Уларни йиғиб оламан, деганида, шитоб билан кетаётган автобуснинг тагида қолиб кетишига оз қолди ва бир амаллаб пиёдалар йўлагига етиб олди. Мен сочилиб ётган тугунчаларни йиғиб, чангини қоқиб аёлнинг қўлига тутқаздим.

– Сиз унинг ҳаётини қутқариб қолганман, деган даъвода эмассиз-а?

– Албатта, йўқ. Шунчаки одамгарчилик юзасидан қилдим бу ишни. Рост, у менга қуюқ миннатдорчилик билдирди, ҳатто елкамни қоқиб, бунақа олижаноблик ҳозирги ёшлар учун танқис бўлиб қолганини ҳам айтиб ўтди. Хуллас, кейин мен йўлимда давом этдим. Мен у билан бир қуни келиб қайта кўришиб қолишимизни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Бироқ

ҳаёт кутилмаган тасодифларга тўла. Кунларнинг бирида уни бир ошнамнинг уйида кечки овқат маҳали учратиб қолдим. У мени дарров таниди ва яқиндан танишишни таклиф этди. Оти Эмили Френч экани ва Криквудда яшашини ўшанда билганман. Пича гурунглашдик. Фикримча, у киришимли аёл экан. Кейин у мени уйига таклиф қилди. Мен имкон топсам бирор кунни уникага ўтишимни айтдим, у эса аниқ бир кунни тайинлашимни сўради. Унинг уйига боргим келмаётган бўлса-да, таклифини рад этиш ноқулай ва беодоблик бўларди. Шанбани белгилаганимиздан кейин у кетди. Ошналарим унинг жуда бой аёл экани, каттакон бир уйда, биттагина оқсоч ва саккизта мушуги билан яшашини айтишди.

– Демак, сиз унинг ўзига тўқ аёл эканини чиндан ҳам у кетганидан кейин эшитдингиз? – сўради Мейхерн.

– Агар сиз буни атайлаб аёлнинг ўзидан сўраб олган деб ўйлаётган бўлсангиз... – Воул шу тариқа алам билан ўзини оқлашга эришган пайтда Мейхерн унинг гапини охирига етказиш учун имкон бермади.

– Мен ҳеч нарсани ўйлаётганим йўқ. Мен фақат айблов жараёнида қандай саволлар пайдо бўлишини олдиндан тасаввур қиляпман. Мисс Френч кўздан панада, ўта ёпиқ муҳитда яшаган. Четдан қараган киши унинг бадавлат аёл эканини билмаган бўларди. Эслаб кўринг-чи, унинг пули кўп эканини сизга ким биринчи бўлиб айтганди?

– Оғайним Жорж Гарви.

– У буни тасдиқдай оладими?

– Билмадим. Орадан анча вақт ўтди.

– Кўряпсизми, жаноб Воул. Айбловнинг биринчи вазифаси сизнинг пулга муҳтож яшаганингиз, марҳуманинг пулдор эканини билганингиздан кейин у билан ташишга ошиққанингизни исботлашдан иборат бўлади.

– Ахир, аслида...

– Жуда кўп нарса ўша оғайнингизнинг хотирасига боғлиқ. У ўша гурунгни эслармикин?

Леонард анчагина жим қолди, кейин бош чайқаб сокин жавоб қайтарди:

– Билмадим, жаноб Мейхерн. Бизнинг гапимизни кўпчилик эшитиб ўтирганди. Ҳатто бирови ҳазиллашиб, ўша бой аёлнинг бошини айлангириб олишимни маслаҳат берганди.

– Афсус, минг афсус, – адвокат ўз қизиқишларини яшириб ўтирмади. – Аммо сизнинг дангал гапларингиз менга ёқпти. Хуллас, сиз мисс Френч билан танишиб олдингиз. Бу танишув биргина ташриф ила тугамади албатта, тўғрими? Сиз Криквудга қатнашда давом этдингиз. Қизиқ, сиздек келишган, ёш ва бақувват йигитнинг ўша кекса хоним билан учрашиб туриш учун вақт топа олиши бир оз шубҳали. Уни сизга яна нима боғлаб турган бўлиши мумкин?

Леонард Воул гап тополмай бир оз чайналиб қолди.

– Тўғриси, бунинг сабабини ўзим ҳам яхши тушунмайман. Мен уникага биринчи марта борганимдаёқ у ёлғизликдан безиб кетганини айтиб, унинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришимни илтимос қилди ва менга бўлган мойиллигини яшириб ўтирмади. Мен эса унинг таклифини қайтаришни ўзимга эп кўрмадим ва тез-тез келиб туришга сўз бердим. Ахир кимнингдир ўзингга ихлоси борлигини, кимгадир кераклигини ҳис қилиш ёқимли эмасми?

Жаноб Мейхерн бу гап кўзойнагини бурнидан олиб чуқур тафаккурга чўмган ҳолда арта бошлади.

– Сизни тушундим, десам ҳам бўлади, – деди у узоқ жимлик сўнггида. – Фикримча, бу ҳолат психологик жиҳатдан асосга эга. Ким билсин, айбловчилар балки бошқача ўйлашар. Қани, давом этинг-чи. Қачон мисс Френч иш бошқаришда ёрдам беришингизни сўраб илтимос қилди?

– Албатта, биринчи борган кунимда эмас. Бунгача турли қоғозлар билан ишлаш жонига теккани ҳақида

гапириб, кўпгина капитал қўйилмалари билан боғлиқ ташвишлардан безовта эканини айтганди.

Жаноб Мейхерн Воулга тезгина ўткир бир нигоҳ ташлаб қўйди.

– Мисс Френчнинг оқсочи Жанет Маккензи ўз бекасининг ўта зийрак аёл бўлгани, барча ишларни ўзи назорат остида тутиб турганини таъкидлаган. Унинг банкирлари ҳам бу фикрни тасдиқлашади.

– У менга бутунлай бошқача гапирганди.

Жаноб Мейхерннинг нигоҳи яна Воулга қадалди. Ҳозир унинг Воулга нисбатан ишончи ортаётган эди. У қалбида мана шу ёшгина йигитга меҳр уйғонган мисс Френчнинг уни ўз уйида тутиб туришнинг энг мақбул йўлини топганини тасаввурига сиғдира олди: аёл молиявий ишларда ёрдам беришни йигитдан шахсан илтимос қилган бўлиши жуда-жуда табиий. У йигитнинг кўнглини овлаш мақсадида унга яна бир карра илтифот кўрсатмоқчи бўлгандир эҳтимол. Балки у қанчалик бадавлат аёл эканини йигитга кўрсатиб қўйгиси ҳам келгандир. Ўта сермулоҳаза ва идрокли бўлган Эмили Френч ҳар бир нарсани муносиб баҳолаб келган.

Жаноб Мейхерн Воулнинг ҳиссиз юзига термилиб туриб ана шуларни хаёл қилди.

– Демак, сиз мисс Френчнинг илтимосига кўра, унинг иш бошқарувчиси бўлишга рози бўлдингиз?

– Ҳа.

– Жаноб Воул, – адвокат ҳар бир гапини чертиб-чертиб гапира бошлади. – Мен ҳозир сизга ўта жиддий бир савол бераман ва сиз менга фақат тўғри-сини айтишингиз керак. Молиявий муносабатларда сизнинг ишингиз унча аҳамиятли бўлмаган. Марҳуманинг фикрича, сиз фақат унинг ишга алоқадор бўлмаган қоғозларини тартибга келтириш билан шуғуллагансиз. Аслида бу қоғозларнинг аксарияти жуда муҳим ва қимматли бўлган. Сиз улардан бирор марта шахсий манфаатингиз йўлида фойдаланган-



мисиз? Фақат аввал яхшилаб ўйлаб, кейин жавоб беринг.

Воул бир дақиқа ҳам ўйлаб ўтирмади.

– Ҳамма ишни ҳалол ва виждонан бажарганман. Мен нима иш қилган бўлсам, мисс Френчнинг фойдасини кўзлаб қилганман.

– Лекин назаримда бунақа жиддий ишларда қинғирлик қилиш учун сизнинг фаҳму фаросатингиз етади.

– Ким билсин, – елка қисди Воул.

– Менда уни ўлдириш учун бирорта ҳам асос йўқ эди. Қолаверса, мен фақат бойлик орттириш мақсадида у билан алоқани узмаган бўлсам, унинг ўлими ҳамма умидларимни чиппакка чиқарган бўларди.

Адвокат яна кўзойнагини артишга тушди.

– Жаноб Воул, наҳотки, сиз мисс Френч бутун бойлигини сизга васият қилиб қолдирганидан беҳабар бўлсангиз?

– Нима?

Воул стулдан сагчиб тураркан, жаноб Мейхернга ҳайрат ила тикилиб қолди. Мейхерн эса бояги гапни қайтариш ўрнига шунчаки бош ирфаб қўя қолди.

– Сиз бу васиятнома ҳақида ҳеч нарса билмасдим, демоқчимисиз?

– Ишонинг, бу мен учун қутилмаган янгилик бўлди.

– Бироқ хонимнинг оқсочи бунинг аксини айт-япти. Унинг гапларига қараганда, хоним бу қарорга келишдан илгари гапнинг бир учини ўз жориясига ҳам чиқариб қўйган экан.

– Жанет алдаган! У ўта бадгумон ва ҳасадгўй кампир. Уни бекамнинг ўзи ҳам ёқтирмасди. Менга ундан бир неча марта нолиб гапирган.

– У сизга тўхмат қиляпти, деб ўйлаяпсизми?

– Йўғ-э, унга бунинг нима кераги бор? – у адвокатга галати қараб қўйди.

– Билмадим. Лекин у сиздан қаттиқ ғазабда.

– Даҳшат! Бундан чиқди, мен турли йўллар билан қўрқитиб, мисс Френчни менинг фойдамга васият-нома ёзишга мажбур қилганим ва уйда ҳеч ким йўқ пайтда уни... Эрталаб эса аёл ўлик ҳолда топилган. О Парвардигор, бу не кўргулик?

– Уйда ўша куни марҳумадан бўлак ҳеч ким йўқ деб ўйлаган бўлсангиз, адашасиз, жаноб Воул, – дея унинг гапини шарт бўлди адвокат. – Эсингизда бўлса, Жанет ўша куни ҳар кунгидан эртароқ уйига кетган – унинг дам олиш куни эди. Бироқ соат тўққиз яримларда орқага қайтишга тўғри келган. Жанет яширин йўлакдан уйга кириб, тепага кўтарилган ва ичкаридан гўнғир-гўнғир овозни эшитиб қолган. Овозларнинг бири унинг бекасига тегишли бўлган, иккинчиси эса қандайдир эркакники экан.

– Тўққиз яримда... мен... – бирдан Воулнинг юзига қон югуриб, кўзлари чақнаб кетди. – Тўққиз яримда? Мен озодман энди!!!

– Озодсиз? Нимани назарда тутяпсиз? – ажабланди жаноб Мейхерн.

– Бу вақтда мен уйда ўтирувдим. Хотиним буни тасдиқлаши мумкин. Тахминан, ўнтакам тўққизларда мисс Френч билан хайрлашиб чиққанман. Тўққизу йигирмаларда мен кечки овқатга ўтиргандим. Ё Раб, ўзингга шукр!

– Унда мисс Френчни ким ўлдирган бўлиши мумкин?

– Эҳтимол, босқинчи ўғрилар бўлиши мумкин! Жанетнинг менга адоватига ишониб, полиция нотўғри йўлдан борди ва вақтни бекор ўтказиб юборди.

– Балки шундайдир, – деди адвокат. – Ўзингиз ўйлаб кўринг, жаноб Воул. Сиз соат тўққиз яримда уйда бўлганман, деяпсиз. Оқсоч эса уйда эркак кишининг овозини эшитган. Наҳотки, мисс Френч босқинчи билан гаплашиб ўтирган бўлса?

– Ахир, мен... – Воул нима дейишини билолмай, ўзини йўқотиб қўйди. – Ҳар ҳолда менинг бу ерда

ҳеч қанақа айбим йўқ. Талабим бор. Сиз дарҳол хотиним Ромейн билан учрашишингиз керак. У менинг гапларимни тасдиқлайди.

– Албатта, – рози бўлди жаноб Мейхерн. – Мен аллақачонлар хотинингиз билан учрашмоқчи эдим. Лекин у Лондонга жўнаб кетган экан. Миссис Воулнинг бугун қайтишини эшитганимдан кейин сиз билан гаплашиб бўлгач, унинг ёнига боришга қарор қилган эдим.

Воул қониқиш билан бош ирғади. У энди тамомила хотиржам тортиб қолганди.

– Узр, жаноб Воул, сиз хотинингизни жудаям яхши кўрсангиз керак?

– Албатта.

– У-чи, уям сизни севадимми?

– О, Ромейн менга жуда садоқатли. У мен учун ҳамма нарсага тайёр.

Воул хотини ҳақида жуда тўлқинланиб гапирар экан, жаноб Мейхерн бир оз безовталана бошлади. Ахир, ўз эрини жонидан ортиқ севадиган аёлнинг эрининг фойдасига бераётган кўрсатмасига ким ҳам ишонарди?

– Тўққизу йигирмада уйга қайтганингизни хотинингиздан бошқа яна кимдир кўрдими? Масалан, хизматкорингиз?

– Бизнинг оқсочимиз қатнаб ишлайди. У соат еттида уйига кетади.

– Кўчада ҳам биронтага кўзингиз тушмадимми?

– Танишлардан ҳеч кимни кўрмадим. Тўғри, йўлнинг ярмини автобусда босиб ўтдим. Балки чиптачи мени эслаб қолгандир?

Жаноб Мейхерн шубҳали бош чайқади:

– Хотинингизнинг кўрсатмасини яна ким тасдиқлаб бериши мумкин?

– Ҳеч ким. Ахир шусиз ҳам мени оқлаш мумкин эмасми?

– Мен ҳам шунга умид қиламан.

Жаноб Мейхерн ўрнидан тураётиб, Воулга қўл узатди.

– Ҳар ҳолда, мен сизнинг айбсиз эканингизга ишонаман ва бу судда ўз исботини топишига умид қиламан.

Леонарднинг юзига табассум ёйилди.

– Мен ҳам умидворман. Ахир менда ҳаққоний алиби бор-ку!

Жаноб Мейхерн ҳеч нарса демасдан хонадан чиқди.

Воуллар оиласи Пэддингтон-Гриндаги кичкина бир уйда туришарди. Жаноб Мейхерн ўша ёққа йўл олди.

Эшикни Воул «қатнаб ишлайди» деб айтган ўрта яшар, миқти хизматкор аёл очди.

– Мисс Воул қайтдиларми?

– Ҳа, бир соат бўлди. Лекин у киши сизни қабул қила олармикинлар?

– Манавини кўрсатсангиз қабул қилса керак, – адвокат шундай дея ташрифномасини унга узатди.

Аёл адвокатга ишонқирамай қараб турди-да, унинг қўлидаги қоғоз парчасини эҳтиёткорлик билан олди ва эшикни шундоқ унинг юзига ёпиб, ичкари кириб кетди. У бир неча дақиқадан кейин ортига қайтди, бу пайтда унинг муомаласи ҳам бир оз ўзгарган эди.

– Килинг, марҳамат.

Адвокат аёлнинг изидан ихчам ва шинам ошхонага ўтди. Унинг қаршисидан баланд бўйли, хушқомат ва қорасоч санам оҳиста одимлаб келарди.

– Мистер Мейхерн? Адашмасам, сиз эримнинг иши билан шуғулланыпсиз, ҳозир унинг ёнидан келяпсиз. Шунақами? Марҳамат, ўтиринг.

Унинг енгил ва сал гализ талаффузи ажнабий эканини кўрсатиб турарди. Жаноб Мейхерн зимдан разм солиб, аёлнинг оппоқ ва кенг елкалари, жозибали қароқлари ва қўлларининг нозик ҳаракатига эътибор берди. Унинг ташқи кўринишидаги ҳар бир белги унинг инглиз эмаслигидан далолат берарди.

– Муҳтарам Воул хоним, ўзингизни қўлга олинг, тушкунликка тушманг, – дея гап бошлади адвокат ўтираётиб, аммо аёлнинг юз ифодаларида ҳеч қандай тушкунлик аломати йўқ эди. Аксинча, у ўзини жуда эркин ва хотиржам тутаётганди.

«Ғалати аёл экан. Шунақа бетаъсирки, гашинг келади», – ўйлади Мейхерн. Бу аёл билан учрашган илк дақиқада у ўзини бир оз ноқулай сезганди. Ҳозир унинг қаршисида жавобини топиш ўта мушукул бўлган бир жумбоқ турарди, гўё.

Жаноб Мейхерн Воул билан кечган суҳбатнинг қисқача мундарижасини баён этди. Аёл эса унинг гапларини диққат билан, бошини ирғаб-ирғаб эшитди.

– Демак, – деди у, адвокат гапларини тугатгач, – у соат тўққизу йигирмада уйига қайтиб келганини тасдиқлашимни истайди, шунақами?

– Ахир, у ростдан ҳам шу пайти келмаганмиди?

– Гап бундамас. Менинг гапларимга ишонадиларми, йўқми, шуни билмоқчиман. Кимдир гапимни тасдиқлайдими?

Жаноб Мейхерн ўзини йўқотиб қўйди. Аёлнинг мақсади нима ўзи? Нега у ўзини бунчалар лоқайд тутяптийкин?

– Ҳеч ким, – деди адвокат қуруқ оҳангда.

Ромейн бир-икки дақиқа сокин ўтирди, кейин унинг лаблари орасидан кинояли табассум сизиб чиқди. Нега илжайяпти бу ўзи? Жаноб Мейхерннинг қалбидаги исён яна кучлана бошлади.

– Воул хоним, сизнинг эрингизга қанчалик содиқ эканингизни яхши биламан.

– Маъзур тутинг, нима дедингиз?

Бу савол боёқиш адвокатни тамоман шошириб қўйди ва журъатсизгина саволини қайтарди.

– Бу гапни сизга унинг ўзи айтдими? Эҳ, эркак зоти бунча аҳмоқ бўлмаса? – дея илкис стулдан туриб кетди аёл.

Мейхерннинг ичидаги гумон энди ҳақиқатга дўниб улгурган эди.

– Уни кўргани кўзим йўқ! Эшитяпсизми? Нафрат-ланаман. Уни қандай осишларини ўз кўзларим билан кўрсам эди!

Жаноб Мейхерн лол бўлиб қолди. У аёлга секин яқинлашди. Унинг нигоҳларида, овозида ҳатто нафасида ҳам ғазаб намоён эди.

– У ўша куни кечаси 9:20 да эмас, 10:20 да келди десам, нима бўпти? У васиятнома ҳақида олдиндан билгани, шунинг учун у аёлни ўлдиришга қарор қилгани ҳақида айтиб берсам-чи? Ахир, ўзи менга ҳаммасини айтиб берганди. Буларнинг барини судда айтиб берсам, нима қипти?

Мейхерннинг назарида аёлнинг кўзлари ўт чақна-тиб турарди. Адвокат бир амаллаб ўзини тутиб турди-да, қатъий жавоб қайтарди.

– Сиз эрингизга қарши кўрсатма беришга жалб этилишингиз мумкин эмас. Қонун шунақа.

– У менинг эрим эмас.

Шу дақиқада Мейхерн ҳозиргина эшитган гапини мулоҳаза қилишга тушди.

– Эрим эмас, – қайтарди у ва анчагача жим қолди.

– Мен Венада актриса эдим. Эрим бор эди, ҳозир ҳам бор, фақат... жиннихонада. Кўряпсизми, Воул билан бизнинг никоҳимиз қонуний эмас. Ва мен бундан хурсандман.

– Сиздан фақат бир нарсани эшитишни истардим, – жаноб Мейхерн яна ҳис-туйғулардан мосуво адвокат Мейхернга айланди. – Сиз нима сабабдан ўз э... жаноб Воулга нисбатан қарши оёққа турдингиз?

– Бу ҳақда гапиришни истамайман. Бу менинг сирим бўла қолсин.

Жаноб Мейхерн йўталиб қўйди:

– Суҳбатни бу тарзда давом эттиришдан фойда йўқ. Мижозим билан яна бир бор гаплашиб кўрган-нимдан кейин сиз билан ҳам гаплашиб олармиз.

Шу чоқ собиқ Воул хоним эркакнинг рўпарасига келиб тўхтади ва шу аснода адвокат унинг шаҳло кўзлари билан яна бир карра яқиндан тўқнашди.

– Очиғини айтинг. Сиз бу ёққа келишингиздан илгари унинг айбсиз эканига ишониб эдингизми?

– Ҳа.

– Сизга жуда ачинаман, – у яна сирли табассум ҳада қилди.

– Ҳозир ҳам ишонаман унга, – деди жаноб Мейхерн. – Хайр.

У кўчада кетиб бораркан, кўз ўнгидан Ромейннинг қиёфаси кетмасди. Ғалати аёл. Тушунарсиз ва хавфли аёл... Полиция маҳкамасида дастлабки тергов ишлари жадал борарди. Жиноий ишнинг асосий шохидлари мақтуланнинг жорияси Жанет Маккензи ва келиб чиқиши австрис бўлган, Леонард Воулнинг хотини саналмиш Ромейн Хейлдгер эдилар.

Воул иши судга оширилди. Суд бошланишидан сал аввалроқ кечки почта орқали Мейхерн бир мактуб олди. Хат ифлос хатжилдда, арзон қоғозда ва ажи-бужи ҳарфларда ўта саводсизлик билан битилган эди. Мейхерн хатнинг мазмун-моҳиятидан тўла хабардор бўлиш учун уни икки қайта ўқишга мажбур бўлди. Хатни таъсирчан кўрсатишга уринган ғализ жумлалар олиб ташланса, қолган бирикмалар соф инглизча шаклга солинса, қуйидаги маъно келиб чиқарди:

«Ҳурматли жаноб! Сиз анави бечоранинг иши билан шуғулланаётган бўлсангиз керак. Агар сиз унинг ажнабий хотини ҳақида бирор қизиқарли гап эшитишни истасангиз, бугун кечки пайт Степнига етиб келинг. У ердаги ўн олтинчи уйда мисс Могсиннинг уйини сўранг. Ўзингиз билан икки юз фунт ола келишни ҳам унутманг».

Жаноб Мейхерн бу ғаройиб жумлаларни қайта-қайта ўқиб чиқди. Аввал бу хат унга оддий бир жумбоқ бўлиб туюлган эса-да, адвокат чуқурроқ

фикр юритиб, у билан ҳазиллашишмаётганини тушуниб етди. Жаноб Воулнинг қутулиб қолиши ҳам шу мактуб эгаси берадиган маълумотга бевосита боғлиқ.

Хуллас, жаноб Мейхерн қарор қилди...

У хатда кўрсатилган уч қаватли вайронани топиш учун чанг ва ифлос кўчалар, фақирлик ҳиди келиб турган хароба гузарларни узоқ кезишга мажбур бўлди. Жаноб Мейхерн кир латта қоплаган эшикни чертганида ҳеч ким жавоб қайтармади. Қайта чертилгач, аввал шалополаган қадам товушлари эшитилди, кейин эшик қия очилиб, ичкаридан бир жуфт кўз адвокатга бошдан-оёқ разм сола бошлади. Кейин эса эшик табақаси катта очилиб, бўсағада бир аёл пайдо бўлди.

– Бу сенмисан? – сўради хириллоқ овозда. – Бир ўзингмисан? Кир тезроқ.

Жаноб Мейхерн эгилиб, газ чироғи хирагина ёригиб турган кичкина ва жуда ифлос хонага кирди. Бурчакда йиғилмаган тўшак, ўртада гичирлоқ стол ва пугурдан кетган икки стул турарди. Адвокатнинг кўзлари ғира-ширага кўниккач, у бу харобат бекасига диққат билан разм сола бошлади. У ўрта ёшлардаги қадди дол, нари-бери кийинган аёл эди. Унинг мавҳум тусдаги, анчадан бери тароқ тегмаган сочлари елкаларида тўзғиб ётарди. Юзлари то кўзлари қадар ола-була шарф билан ўраб олинган эди. Аёл жанобнинг ошкора таажжубли нигоҳларига заҳархандалик билан жавоб қайтарди.

– Нега анграйиб қолдинг? Юзимни яшириб олганимга ҳайрон бўляпсанми? Истасанг, менинг мислсиз чиройимдан баҳра олишинг мумкин. Фақат кўриб ўзингни йўқотиб қўймасанг бас.

У шу гаплар билан шарфини ечганида, чап ёноғидаги қип-қизил ва мудҳиш чандиқларни кўриб, адвокатнинг ҳуши бошидан учди.

– Хўш, мени ўпмоқчимисан? Йўқ! Ўзим ҳам шунақа деб ўйловдим. Бир пайтлар мен ҳам ҳурлиқо эдим. Юзимдаги бу нақши нигор қаердан келганини



биласанми? Купоросдан. Анавилар... – у шундай дея оғиз олиб бўлмайдиган ҳақоратомуз гапларни ёғдира кетди. У гапириб тинчиганидан кейин ҳам қўлларининг тинимсиз қалтироғи босилмади.

– Бас, – деди Мейхерн узоқ давом этган жимликни бузиб. – Билишимча, сиз менга Леонард Воул иши бўйича қандайдир маълумот бермоқчи эдингиз.

Мисс Могсон айёрона кўз қисди:

– Пули-чи, жонгинам? – деди хириллаб. – Икки юзтани чўзиб қўйсанг, сенга керакли нарсани қўлингга тутқазаман.

– Масалан, нимани?

– Хат. Ўша аёлнинг хати. Хўш, бунга нима дейсан? Фақат, у менинг қўлимга қандай тушиб қолганини сўрамасанг, бас. Икки юзни тўлайсан – хат сеники.

– Ўн фунт! Бошқа бир чақа ҳам бермайман. Агар ўша менга асқатадиган бўлса, албатта.

– Нима? Бор-йўғи-я? – Аёл яна бақириб-чақирришга ўтди.

– Йигирма, – деди жаноб пинагини бузмай. – Бу менинг охирги гапим. – Адвокат ҳамёнини кавлаштиришга тушди. – Бор пулим шу.

Аёл нақд пулни кўриб, бир оз ўзини йўқотиб қўйди. Алланарсаларни гўлдираб-гўлдираб каравотига яқинлашди ва матрасни кўтарди.

– Мана, ол, жин урсин, – дея бир даста хатни унинг олдига ирғитди. – Сенга кераклиси энг тепада турибди. Жаноб Мейхерн хатлар боғламини очиб, уларни бирма-бир кўздан кечира бошлади. Ромейн Хейлгернинг Воулнинг номига битилган ишқий мактубини топиб олди. У бошқа хатларга ҳам бир бор кўз ташлаб чиқди. Энг тепадаги хатни икки марта ўқиб чиқди: унда Воул ҳибсга олинган сана қайд этилган эди.

– Бу хат сизнинг қўлингизга қандай тушиб қолди?

– Бу хат ҳали ҳаммаси эмас. Ўша оқшом анави... қай гўрда эканини сўрамайсанми? Лайэн Роуд

кинотеатридан бориб сўра. У ердагилар уни яхши эслашса керак.

– Хат кимга атаб ёзилган?

– Бу хатни менга ташлаб кетган одамга тегишли.

– Мисс Могсон қўлларини абгор юзига томон олиб бораркан, унинг бармоқлари Мейхернга таниш ҳаракат ила машғул эди.

– Унинг қўлидан келгани шу бўлди. Неча йил ўтган бўлса-да, эсимдан чиқмайди. Ўша келгинди уни мендан тортиб олди. Бир куни мен уларни изма-из таъқиб қила бордим. Уларни қўлга туширган пайтимда эрим юзимга ана шу заққумни сепиб юборди. Анави манжалақи эса бундан ҳузурланиб кулди. Шу пайтга қадар ундан ўч олиш учун ҳар қадамини пойлаб келаман. Энди у менинг қўлимда. Ҳали ҳаммаси учун жавоб беради. Тўғрими, жаноб?

– Эҳтимол, уни ёлгон гувоҳлик бергани учун қамашар.

– Ишқилиб, овозини ўчиришса, попугини пасайтириб қўйишса, бас. Эй, жаноб, пул қани?

Жаноб Мейхерн стол устига иккита ўнталикни қўйиб, чиқиб кетди.

Адвокат вақтни ўтказмаслик учун ҳозироқ Лайэн Роудга боришга қарор қилди. У ерда эшик офаси Ромейн Хейлдгернинг суратидан дарҳол таниди. Ўша куни соат ўнда аллақайси эркак билан кинотеатрга келган. Эшик офаси ҳалиги эркакка диққат билан разм солмагани учун унинг қиёфаси яхши эсида қолмаганини айтди. Улар иккалови сеанс тугагунча, соат ўн иккиларга қадар ўтиришибди.

Жаноб Мейхерн бундан тўла-тўкис қониқиш ҳосил қилди. Ромейн Хейлгернинг кўрсатмалари бошдан-охиригача ёлгон бўлиб чиқди. Бунга сабаб – унинг Воулга бўлган нафрати. Бунинг боиси нима бўлса экан? Шўрлик Воул хотиним деб атаган аёлнинг ўзи ҳақида гапирган гапларини эшитиб, бир замбил лойдек бўшашиб кетди. Бунга сираям ишонгиси келмади.

Дарвоқе, дастлаб Воулнинг эътирозларидаги тушкунлик Мейхернга бир оз сохтадек туюлди. Чамаси, у хотинининг бу даражага боришини аввалданоқ билган. Лекин бошқалар бундан хабардор бўлишини истамаган. Иккаласининг орасидаги сир ҳамон сирлигича қоляпти.

Бундан қачондир Мейхерн ҳам воқиф бўлармикин?

Эмили Френчни ўлдирганликда айбланаётган Леонард Воул устидан суд жараёни катта шов-шув билан бошланди. Биринчидан, айбланувчи ҳали ёш ва тарбияли йигит эди, иккинчидан уни ўта ваҳшийларча одам ўлдиришда айблашаётган эди. Бу жараён катта шов-шув бўлишининг яна бир сабаби айбловнинг асосий шоҳиди Ромейн Хейлдгер эди. Кўплаб газеталарда унинг фотосурати ва ўтмиши билан боғлиқ турли миш-мишлар чоп этилди.

Аввалига ҳаммаси силлиқ кечди. Аввал экспертлар ўз хулосаларини ўқиб эшиттиришди. Кейин оқсоч аёл сўзга чиқди ва у терговда билдирган кўрсатмасини сўзма-сўз такрорлади. Ҳимоячи айрим саволлар билан уни чалғитмоқчи бўлгани ҳам ҳеч қандай наф бермади. Унинг гапларида айбланувчини асраб қолиш учун биргина тугун бор эди: аёл эркак кишининг овозини эшитган бўлса-да, бу овоз айнан Воулга тегишли эканини у исботлаб беролмади. Адвокат шу билан бир қаторда ҳакамларга оқсочнинг гувоҳлиги аниқ далиллар эмас, унинг Воулга нисбатан бадхоҳлиги асосида қурилганига ишонтира олди.

Асосий шоҳидани чақирдилар.

– Сизнинг исм-шарифингиз Ромейн Хейлдгер, шунақами?

– Ҳа.

– Келиб чиқишингиз австрисларга бориб тақалади?

– Худди шундай.

– Сўнгги уч йил ичида сиз айбланувчи билан эр-хотиндек яшагансиз, тўғрими?

Шу лаҳзада Ромейннинг кўзлари Воулники билан тўқнашиб кетди.

– Ҳа.

Сўров давом этарди. Ромейн суд аъзоларига даҳшатли ҳақиқатни ҳикоя қилиб беришга тушди: қатл оқшоми айбланувчи ўзи билан кичкина чўкич кўтариб уйдан чиқиб кетган. Ўндан йигирмата ўтганда, у қайтиб келган ва қотиллик содир этганини айтиб берган. Енглари қонга беланган кўйлагини ўтга ташлаган. Кейин эса ҳеч кимга оғиз очма, дея хотинига таҳдид солган.

Қаршида ўтирган айбланувчининг асл қиёфаси ойдинлашиб боргани сари, ҳакамларнинг ҳам чеҳрасида ўзгариш зухур эта бошлади. Ромейн эса ўз ҳикоясини катта ҳаяжон билан давом эттирар, у сўздан сўзга ўтгани сари қаҳр ва ғазаби ортиб борарди.

Ҳимоячи ҳам ғазабдан тишини-тишига босиб, ўрнидан турди. У шоҳиданинг барча гаплари уйдирма эканини билдирди. У айтдики, ўша оқшом аёл уйида бўлмаган, шу боис Воулнинг қачон қайтганини ҳам билмаслиги керак. Адвокат ҳакамларга Ромейн хонимнинг бошқа бир эркак билан ўйнаш тутингани, шу боис у ўз эрини қилмаган жинояти учун ўлимга маҳкум этилишини истаб унга тухмат тошларини отаётганини билдирди.

Ромейн эса ўта совуққонлик билан айбланувчи билдирган эътирозларни қатъиян рад этди.

Шунда адвокат залда пашша учса билинадиган сукунат қўнишини кутди ва Ромейн Хейлдгернинг мактубини ўқий бошлади:

«Азизим Макс. Тақдирнинг ўзи бизнинг бирга бўлишимиз учун йўл очаётганга ўхшайди. У ҳозир қамокда! Уни ҳатто чумолига ҳам озор беролмайдиган бир лапашангни қотилликда айблашаяпти. Эҳ, ана қасос фурсати етиб келди. Мени сўроқ қилишса, у кечаси қонга беланиб қайтди ва барча қилган ишларига иқрорлигини билдирди, деб айтаман. Уни дорга

олиб боришаётганида уни ўлимга маҳкум этган мен эканимни англаб, қанчалик тўлғанишини тасаввур қиляпман. Воул энди йўқ. Фақат сен билан мен бор-миз. Бу бизнинг бахтимиз, Макс!»

Экспертлар ҳозироқ хат кимга тегишли эканини аниқлашга ҳозир эдилар. Бироқ кутилмаганда Ромейн Хейлдгер ҳаммасини тан олди: адвокатнинг гаплари тўғри чиқди. Жиноят ишининг энг асосий айбдори ёлгончи бўлиб чиқди.

Воулни иккинчи бор сўроқ қилишди. У ҳаммасини худди аввалгидек тутилмасдан гапириб берди, ҳатто чалғитувчи саволларга ҳам осонликча чап берди. Гарчи баъзи далиллар ҳамон унга қарши бўлса-да, ҳакамлар яқдил ҳукми қабул қилишди: Воул айбсиз деб топилди.

Жаноб Мейхерн Воулни ғалаба билан табриклашга ошиқди. Унинг яқинига ҳозирча йўлаб бўлмаслигини билган адвокат халқ бир оз тарқалишини кутди. Адвокат яна кўзойнагини артиш учун қўлига олганида, бу ҳаракат унинг учун одатга айланиб қолганини пайқаб кўнглига беҳос хавотир оралади. Хотини ҳам бир неча марта шу ҳақида гапирганди. Тарки одат – амри маҳол.

Ғалати нарса шу одат дегани. Манави Ромейн Хейлдгер деганлари ҳам... У ўзини қанча беҳавотир ва вазмин тутишга интилмасин, бари бир қанчалик ҳаяжонда эканини сездириб қўйди.

Шу лаҳзада Мейхерн кўзларини юмиб, сарвқомат, сиймтан ва алланарсадан ҳадик олиб турган эҳтиросли аёлнинг сиймосини кўз олдига келтирди. Унинг муҳаббати... Унинг нафрати... Қўлларини ғалати алпозда ўйнатиши...

Эҳ, у худди шундай ҳаракатни яқин орада яна кимдадир кўрганди. Яқиндагина...

Мистер Мейхерн эслади-ю, нафаси бўғзига тикилаёзди: степника мисс Могсон!

Бўлиши мумкин эмас! Наҳотки?

У ҳозир фақат биргина нарсани истарди – Ромейн Хейлдгер билан кўришишни.

Бироқ улар анча кеч кўришдилар, қаерда бир-бирини учратиб қолишгани ҳозир унчалик муҳим эмас.

– Сиз адашмадингиз, – деди аёл. – Юзимни қандай қилиб ўзгартирганимни сўрамоқчисиз. Бу унча қийин эмас. Газчироқ ёруғида гриммни пайқаш жуда мушкул. Қолаверса... Мен бир пайтлар актриса бўлганимни унутманг.

– Лекин нима учун...

– Нима учун бундай қилдим? – унинг саволини тўлдирди у ярим табассум билан. – Мен уни қутқаришим лозим эди. Ахир ўз эрини чин дилдан севадиган ва унга ўлгудек содиқ бўлган аёлнинг кўрсатмасига ҳеч ким ишонмаслигини мен ҳам билардим. Сиз ўзингиз билмаган ҳолда менга буни яна бир карра эслатиб қўйгандингиз. Мен эса одамлар орасида яхшигина ажралиб тураман. Мени шармандаларча фош қилсангиз, ўзим қилмаган ишга иқрор эттирсангиз, мен эримга қарши гувоҳлик бераётганларга нисбатан тубан ва олчоқ бўлиб кўринсамгина, у оқланиши мумкинлигини билардим.

– Ҳалиги хат-чи?

– У хат шунчаки уйдирма, сизнинг тилингизда айтганда қалбаки эди. Ҳамма нарса ўша хат туфайли изига тушди.

– Унда Макс дегани ким бўлди?

– Унақа одам йўқ, ҳеч қачон бўлмаган.

– Менимча, биз ўта моҳирона ўйналган мана шу спектаклсиз ҳам ишда ютиб чиқишимиз мумкин эди-ку!

– Мен таваккал қила олмасдим. Ахир сиз уни айбсиз деб ўйлагансиз, тушуняпсизми?

– Тушунаман, Воул хоним. Мен уни айбсиз деб ўйлаганман. Сиз эса, унинг айбсизлигини билган эдингиз-ку!

– Ҳеч нарсани тушунмабсиз, муҳтарам жаноб Мейхерн. Ҳа, мен билгандим. Билгандим эримнинг... айбдор эканини!..

## МУНДАРИЖА

Тилсимли шахмат ( <i>Қ.Мирмуҳамедов таржимаси</i> ) .....	3
Ўғирланган миллион доллар ( <i>И.Аҳмедов таржимаси</i> ) .....	21
Иштар ибодатхонасидаги қотиллик ( <i>И.Аҳмедов таржимаси</i> ) .....	34
Ўлим гиёҳи ( <i>И.Аҳмедов таржимаси</i> ) .....	50
Қишлоқ коттежидаги жиноят ( <i>И.Аҳмедов таржимаси</i> ) .....	69
Гриншоу қасри ( <i>И.Аҳмедов таржимаси</i> ) .....	87
Булбул ошёни ( <i>Р.Жабборов таржимаси</i> ) .....	114
Шоҳида ( <i>Р.Жабборов таржимаси</i> ) .....	140

*Адабий-бадиий нашр*

АГАТА КРИСТИ

**ЎФИРЛАНГАН МИЛЛИОН ДОЛЛАР**

*Детектив ҳикоялар*

Муҳаррир  
Муҳайё РИХСИБЕКОВА

Техник муҳаррир  
Умид ЯХШИМОВ

Бадиий муҳаррир  
Суннат МУСАМЕДОВ

Мусаҳҳиҳ  
Мадина МАҲМУДОВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 2 октябрда берилган.

Босишга 22.02.2017 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 5,0. Шартли босма тобоғи 8,4.  
Гарнитура «Century Schoolbook». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 57.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриётида тайёрланди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

***Мурожаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими – 147-00-14; Маркетинг бўлими – 128-78-43  
факс – 273-00-14; e-mail:  
yangiasravlodi@mail.ru